Маҳмуд Тоир

ЕВРОПА САЁҲАТИ

Ҳайрат ва шукроналик



Ғилоб шу срда кўрсатилган муддатдан
кечиктирилмаган ҳолда топширилиши шарт

Ингари и берилмалар миқдори _____	

84
Т60

Маҳмуд ТОИР

ЕВРОПА САЁҲАТИ:

ҲАЙРАТ ВА ШУКРОНАЛИК

Сафарнома

2418

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК: 821.512.133 (092)
КБК 26.89
Т 60

Тоир, Маҳмуд.

Европа саёҳати: ҳайрат ва шукроналик (матн): эссе /М.Тоир. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 168 б.

Қўлингиздаги китоб орқали Сиз муаллиф билан бирга Европага саёҳат қилишингиз мумкин. Ҳа, ҳа, ишонаверинг, Европанинг етти мамлакатига қилинган саёҳат тафсилотлари шундай иштиёқ, ҳаяжон ва маҳорат билан тасвирланганки, ҳатто у ерларда бир неча марогаба бўлган одам ҳам яна бир қайта боргандек, муаллифнинг нигоҳи ила атроф оламни бошқача кўргандек бўлади. Етти мамлакатнинг тарихи, иқтисоди, маънавияти, яшаш тарзи ҳақида ҳам анча-мунча маълумот оласиз, тасаввур ҳосил қиласиз. Ўқинг, завқ олинг, фикр қилинг, шукр қилинг, хулоса чиқаринг, азиз китобхон!

УЎК: 821.512.133 (092)
КБК 26.89

© **Маҳмуд Тоир**
© **Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018**

ISBN 978-9943-5212-7-8

ИНВЕНТАРЬ № 2486
Заимота АЖЛ

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Инсон табиатан билишга қизиқади. Ўзини ўраб турган оламни, унинг сиру синоатларини билишга, англашга бўлган қизиқишлари туфайли одамзод бугунги кунга қадар қандай улкан ютуқларга эришгани барчамизга яхши аён. Шундай қизиқиш, интилиш бўлмаса эди, эҳтимол, ҳозирги илм-фан соҳасида забт этилган чўққилар, оламшумул кашфиётлар ҳам бўлмас эди.

Инсон ҳамма нарсадан ҳам кўра ўзини, ўзлигини билишга қизиқади. Билишнинг эса йўллари, усуллари кўп. Шулардан бири – саёҳатдир. Ўз навбатида саёҳатнинг ҳам турлари бисёр. Қизиқ бир китоб ўқисангиз – бу ҳам саёҳат. Дилбар куй-қўшиқ эшитсангиз – бу ҳам гўзаллик, нафосат оламига саёҳат. Набирангизни суйиб, эркалаб, ширинидан-шакар сўзларини завқ билан тингласангиз – бу ҳам саёҳат, ёшликка, болаликка саёҳат.

Саёҳатлар ичра яна бир мароқлиси дунё кезиш, ўзга юртларни кўриш, бир сўз билан айтганда, жаҳонгаштalик. Халқимизда "дунё кўрган", "юрган –

дарё, ўтирган – бўйра", "кўп кўрган – кўп билади" деган иборалар бор.

Ҳамроҳларингиз яхши инсонлар бўлса, саёҳатнинг гашти, сурури беқиёс, нур устига аъло нур.

Бу фикрларнинг тасдиғини 2016 йил Европанинг бир қатор мамлакатлари бўйлаб амалга оширган саёҳатимиз давомида амалда кўрдик.

Хуллас, гапнинг индаллосига кўчадиган бўлсак, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли Агроахборот инновация маркази ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидан, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларидан жами 37 нафар фермер, тадбиркор, ишбилармон юртдошларимиз Европадаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида сафарга отланадиган бўлишди. Тошкент вилояти Паркент туманининг "Паркент тонги" газетаси муҳаррири, қолаверса, бир ижодкор сифатида, насиб этган экан, мени ҳам шу гуруҳга лозим кўришган экан, рози бўлдим. Буюк устозимиз Абдулла Орипов лутф этганларидек, "Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ".

Аввало, шуни айтиш керакки, бундай саёҳат, тажриба алмашишлар, дунёга чиқиш бўйича яратилаётган имкониятлар мамлакатимизда фермерлик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг бир қисми, холос. Бу ҳақда сўз юритганда, шу борада қабул қи-

ишлаётган кўплаб қонунлар, қарор ва фармонлар тўғрисида албатта жуда кўп гапириш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фермерлик фаолиятини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли фармони, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кейинги пайтда қабул қилинаётган кўплаб қарор ва фармонлар, дастурлар бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, саёҳатномамиз сиёсатномага айланиб кетиши, тафсилоти бир эмас, минг китоб бўлиши ҳеч гап эмас.

Зикр этилган ҳужжатлар, шунингдек, фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва кафолатлар яратиб берадиган Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари юртимизда фермерлик фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари катта бунёдкор кучга айланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90–92 фоизини етказиб бермоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи мустақилликдан олдин импорт ҳисо-

билан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,5 карра, сабзавот 2,6 баробардан ортиқ, картошка 1,9 марта, мева 6,3 баробар кўпайгани соҳа ривожи учун яратилаётган қулай имкониятлар ҳамда фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Хуллас, сиёсат мавзусидан чекиниб, саёҳат мавзусига қайтадиган бўлсак, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси қошида ташкил этилган Агроахборот инновация маркази директори Мирзоҳид Қўлдошевич Йўлдошевнинг ташаббуси билан мамлакатимизнинг кўзга кўринган фермер ва тадбиркорлари билан бирга Европанинг бир қатор давлатларига борадиган бўлдик. Фермер ва тадбиркорлар хорижлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиб, ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузиб, ўз жамоаларига қайтиб, янги амалий ишларни бошлаш ҳақида кўпроқ ўйлаган бўлсалар, бир умр она юртидан бир қадам четга чиқиб ўрганмаган камина қулингиз қандай бўлар экан, соғинч изтиробларига юрак дош берармикан, Европани шусиз ҳам ҳар куни телевизорда кўрамиз, жаҳонга машҳур футболчилар Леонель Месси, Криштиану Рональду иштирокидаги миллионлар ўйинларини мириқиб томоша қиламиз, шу ўзи шартмиди, бир кун иш давомида кўрмасам, қанчалик қалбим орзиқадиган оилам, болаларим, жажжи набираларим, ёру дўстларимнинг

учи менга ҳар қандай кўҳна қитъадан афзал эмасми, деган ҳиссиётлар қуршовида қолган эдим.

Айни пайтда, тан олайин, кўнгилда бошқа бир туйғу ҳам бор эди: машойихлар айтганидек, шундай кунларга етказганига шукр қилмайсанми, эй ғофил банда! Бундай бахту толега етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун яхши ниятлар, шукроналик туйғуси билан, оилам, фарзандларим, ёру биродарларимнинг розилиги, дуосини олиб, ўзи сафардан иборат бўлган бу фоний ҳаётимда олис сафар жабдуғини тузиб, йўл сари равона бўлдим.

Азиз ўқувчи, мен бадиий адабиётга, ижодга *дахлдор инсон сифатида* бу *йўлда нимаики* ишга чоғлансам, аввало улуғ устозлардан мадад тиладим, уларнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига, ижодий тажрибаларига амал қилган ҳолда иш тутдим. Ана шу анъанага риоя қилган ҳолда, сизга тақдим этаётган бу саёҳат дафтаримни "Европа саёҳати: ҳайрат ва шукроналик" деб аташга қарор қилдим. Бунинг сабаби иккидур. Биринчиси – Европа бўйлаб амалга оширган саёҳатимиз дастлабки дақиқаларидан бошлаб сўнгги сонияларигача ҳайратдан, айни пайтда кўҳна қитъани бугунги кунда қамраб олаётган муаммоларни кўриб, жиндак хавотирга тушишдан иборат бўлди. Инсоният шунча машаққатлар билан эришган тараққиёт ютуқларидан эзгулик йўлида фойдалана оладими? Ҳозирги ривожланиш чўққисидан, худди лаънатланган Сизиф сингари, яна тубанлик сари

юмалаб кетмайдими? Биргина 2015 йилнинг ўзида Европанинг қоқ марказида – Париж, Ницца, Брюссель шаҳарларида бир неча бор қонли террорчилик ҳаракатлари содир этилди. 2017 йилда эса Париж, Лондон, Брюссельда яна террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Яқин Шарқ минтақасидаги нотинчликлар туфайли бу қитъага қочқинлар оқими бир зум тўхтамаяпти. Муҳожирлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги зиддиятларнинг ўзи – яна бир ўткир муаммо. Бир пайтлар кўпчилик учун мустақил давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви борасида идеал – бекаму кўст тузилма бўлиб туюлган Европа Иттифоқи замонавий муаммолар олдида чок-чокидан сўкилиб бормоқда гўё. Ҳар қандай хавф-хатарни олдиндан сезиб, фурсат борида этагини йиғиб, эшагини йўрғалатишнинг ҳадисини олган Англия ҳукумати аллақачон Европа Иттифоқидан чиқиш ҳаракатларини бошлаб юборди. Бошқа томондан жаҳон иқтисодий инқирози янгитдан забтига олмоқда. Яна бир ёқдан глобаллашув жараёнлари маънавий-ахлоқий масалаларда янги-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Хуллас, Европанинг бошида минг бир муаммо, минг бир ғавғо, минг бир тўполон. Табиийки, яшил қитъа сари йўл олган оқили мардум фақат унинг хушрўй чеҳраси, сатанг қиёфаси ҳақида эмас, ана шу муаммолар тўғрисида ҳам ўйлайди. Чунки ҳеч ким кафил бўлолмайдики, эрта бир кун бизнинг бошимизга ҳам шундай савдолар айланиб келмагай, деб.

Ҳайратнинг боиси, ўйлайманки, сиз – зукко китобхонимизга тушунарли: Ғарб дунёсининг ҳозирги кундаги тараққиёт даражаси кимларни ҳайрат ва ҳаяжонга солмайди дейсиз. Яна бир жиҳати юртимиз – Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб, дунёни кезиш, Европанинг энг ривожланган мамлакатларида бошга дўппини дол қўйиб, кўкракни кериб юриш насиб этганидан ҳар қадамда кўнглимизда шукроналик туйғуси жўш урар эди. Тўғри-да, бундан 25 йил олдин Европада ўзбекни, Ўзбекистонни ким ҳам танир эди. Энди, қарангки, нафақат танийди, керак бўлса, ҳисоблашади ҳам. Бунга шукрона айтмай, бундан фахрланмай бўладими, ахир!

Иккинчиси – ҳозиргина таъкидлаб ўтганимдек, улуғ устозлар тажрибаси бу борада ҳам менга қўл келди. Маълумки, буюк Алишер Навоий бобомиз "Хамса" асарининг биринчи достонини "Ҳайратул-аброр" – "Яхшиларнинг ҳайрати" деб атаганлар. Ҳақиқатан ҳам, бу олам илм-маърифат излаган зотлар учун ҳайрат ва ҳикматга кондир. Айниқса, ўзга юртларга, олис қитъаларга ташриф буюрган одам ҳар қадамда ҳайратга, ажойиб ва ғаройиб воқеаларга дуч келади, кўрганлари бамисоли Искандарнинг машҳур сеҳрли ойнасида жилолангандек бўлиб туюлади. Шунинг учун ҳам мазкур эсдаликларимизга "ҳайрат" сўзи ҳар томонлама мос келади, деб ўйлайман.

Улуғ устозимиз Абдулла Орипов – жойлари жаннатда бўлсин – "Борлиқ гўзалликлар берару бизга,

Эвазига фақат ҳайрат сўрайди", деб ёзган эдилар. Ҳайрат – гўзалликка гўзал ва мантиқий жавобдир. Қалби пок ва гўзал инсонгина ҳайратланишга қодир. Ҳайрат – бу ҳар қандай мўъжизага инсоннинг мутаносиб, яъни адекват жавобидир. Келинг, қадрли китобхон, ҳайратларим ҳақида сўзлаб берайин, кўнгилнинг туб-тубидаги шукроналик туйғуларимни сиз билан баҳам кўрайин. Битикларимда ажиб ҳайрат ва таассуротлараро хавотирларим ҳам акс этган бўлса, ажабланманг. Чунки бу ҳаётда ҳамма нарса – яхшию ёмон, иссиғу совуқ, пасту баланд доимо ёнма-ён юради.

ДАСТЛАБКИ ҲАЙРАТ

Табиийки, сафардан, саёҳатдан мақсад фақат томоша, вақтихушлик эмас, аввало дунёни, одамларни билиш, тасаввур ва тафаккуримизни кенгайтириш, ўзимизга, ўз ҳаётимизга янгича назар ташлаб, ишимизни, муносабатимизни ўзгартириш, туйғуларимизга сайқал бериш, кўнглимизни поклаш, ўзимизни такомиллаштиришдан иборат.

Шунинг учун ҳам, аввало зўр карвон йўли (Ғафур Ғулом таъбири) – Европа сафарида менга ҳамроҳ бўлган юртимизнинг донгдору машҳур фермер ва тадбиркорлари ҳақида, уларнинг инновацион фаолияти хусусида билишга қизиқдим. Ўзим деҳқон фарзанди бўлганим, бутун ҳаётим замин билан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ҳолда ўтаётгани учун ҳамроҳларим билан тезда тил топишиб кетдик.

Кези келганда улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги "Бердиалиев Абдуносир Давронбекович" фермер хўжалиги раҳбари Давронбек Имомназаров Латвиядаги чорвачилик фермерлари тажрибаси асосида замонавий

ферма ташкил этиб, Украинадан зотдор қорамоллар олиб келган. Хўжалигида гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш жараёнини йўлга қўйган. Бундан ташқари, унинг саъй-ҳаракатлари билан Германиядаги ёқилғи-мойлаш материалларини қайта ишлаш бўйича фаолият кўрсатадиган нуфузли компаниялар билан ҳамкорликда Денов туманида автомашина ва тракторлар учун мотор мойи ишлаб чиқарадиган кичик завод қурилиб, маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Тиниб-тинчимас, азму шижоатли бу фермер қўшни давлат – Афғонистонга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – зиғир, кунжут, мош, ловия, нўхат, ёнғоқ, полиз ва сабзавотни фаол экспорт қилмоқда.

Азиз ўқувчим, ўқиганингиз бордир, машҳур адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Ғирвонлик Маллавой" деб аталадиган кичик бир асарида XX аср бошларида Наманганга илк бор поезд келганида оддий деҳқон одамларнинг қандай ҳайратга тушгани тасвирланади. Тараққиёт янгиликлари, маърифат ва маданиятдан мутлақо узилиб қолган бу юртдошларимиз паровозни тирик жонзот дея тасаввур қилиб, "бечора жонивор чарчаб, очқаб кетибди" деган хаёллар билан унинг олдига беда олиб келиб ташлашади. Узоқ давом этган мустамлакачилик, зулм ва хўрлик, ҳақсизлик халқимизни, афсуски, ана шундай ачинарли аҳволга солиб қўйган эди.

Бугунги кунда эса бир пайтлар шу қадар содда ва авом бўлган инсонларнинг эркин ва озод авлоди тараққиёт жиловини маҳкам қўлга олиб, бошқаларни ҳайратга соладиган ишларни амалга оширмоқда. Бунга фақат таҳсину тасаннолар айтамиз.

Сурхондарё вилоятидан яна бир фидоий инсон – Сариосиё тумани Фермерлар кенгаши раиси Абдуғаффор Аҳмедовдир. У кишининг серқирра фаолияти ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, "Алпомиш" достонининг янги, замонавий версиясини яратишга тўғри келади. Келинг, бу ишни Сурхоннинг булбулнавоз бахшиларига қолдирайлик-да, фақат бир мисол билан чекланиб қўяқолайлик. Абдуғаффор Аҳмедов 2013 йил июль ойида Олмота шаҳрида ташкил этилган "Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантириш" мавзусидаги форумда иштирок этиб, Ўзбекистонда кенг тармоқли фермер хўжаликлари тажрибаси ҳақида дунёнинг турли давлатларидан келган ҳамкасбларига ҳикоя қилиб беради. Шу билан бирга, ўз тумани фермер хўжаликлари фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган катта амалий натижага эришади – Остона шаҳри бозорлари жамияти билан 1 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномаси имзолаб қайтади.

Бундай ташаббускор, янгиликнинг ортидан қувиб, ўзгаришлар руҳи билан яшайдиган инсонлар мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам кўплаб топилади. Шулардан бири Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги "Шаббода-н" фермер хўжалиги раҳбари Нурали Ғаниев 2013 йилнинг январь ойида Германия давлатида "Яшил ҳафталик – 2013" халқаро кўргазмасида қатнашиб, у ердан сутни қайта ишлайдиган замонавий техника ва технологиялар келтириб, ишга туширди. Бунинг орқасидан қанча одамлар ишлик бўлди, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб берилмоқда, энг муҳими, тумандошлари, айниқса, ёшлар иш ва янги технологияларни ўрганиб, уларнинг онгу тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгармоқда.

Яна бир қаҳрамонимиз – Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги "Миёнкўл агросаховати" масъулияти чекланган жамияти директори Зайниддин Мардоновдир. Ишнинг кўзини биладиган бу юртдошимиз, Афғонистоннинг Мозоришариф шаҳрида ташкил этилган савдо форумида иштирок этган. Ана шу мамлакатдаги эҳтиёжни ўрганиб, у ердаги тадбиркорлар билан шартнома имзолаб, саёҳатимиз бошланган кунларга қадар ушбу давлатга 100 тонна нўхат экспорт қилгани эътиборга сазовордир.

Бухоро вилояти Олот тумани «Ниҳол» фермер хўжалиги раҳбари Феруза Мусаева Латвия, Польша,

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани «Оҳангарон» фермер хўжалиги раҳбари Муҳтарам Тўлаева АҚШ, Туркия, Малайзия давлатларида Агроахборот инновация маркази томонидан ташкил этилган семинар-тренингда фаол иштирок этиб келганидан сўнг, олган билим ва тажрибаларини кенг ёйиш мақсадида, ўз туманларидаги фермерларга замонавий усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш технологияларини ўргатишди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда яхшигина амалий натижалар бермоқда. Масалан, 2013–2016 йилларда Ўзбекистон Фермерлар кенгаши маҳаллий ҳокимликлар ва туман фермерлар кенгашлари раҳбарлари томонидан кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Ўтган йиллар мобайнида ана шу дастурлар доирасида юртимиздаги фермер хўжаликларининг 46 мингтасида қўшимча ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этилди, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сервис хизматлари кўрсатиш ва бошқа йўналишлар бўйича фирма ва

корхоналар ишга туширилиб, фермер хўжаликларининг кўп тармоқли фаолияти йўлга қўйилди.

Аниқ мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ана шу фермер хўжаликлари томонидан қисқа муддатда – атиги икки-уч йилда 29 минг 861 гектар майдонда интенсив ва маҳаллий боғлар, 19 минг 200 гектарда янги токзорлар барпо этилгани, албатта, ҳайратга муносибдир.

Шу даврда қишлоқ жойларда 206 та гўшт, 376 та сут, 388 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича муҳим лойиҳалар, 102 та фермер хўжалигида бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилгани, қарийб 16 минг 857 та фермер хўжалигида сервис хизматлари кўрсатиш корхонаси ишга туширилгани бугунги кун "Маллавой"ларининг азму шижоати, ғайрати нақадар баланд эканини кўрсатади.

Таҳлил ва тафсилотни давом эттирадиган бўлсак, жойларда 5 минг 785 та фермер хўжалигида 148 минг бош қорамол, 3 минг 320 дан зиёд фермер хўжалигида 13 миллион 500 мингта парранда, 2 минг 794 та фермер хўжалигида 224 минг қути асалари ҳамда 2 минг 585 та фермер хўжалигида қўшимча равишда балиқ етиштириш ташкил этилди. Ана шундай ишлар натижасида қишлоқ жойларда 310 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани, аниқса муҳимдир.

Ҳамма нарса қиёсда билинади, дейдилар. Бундан 25 йил олдинги даврга назар ташлайдиган бўлсак, илгари бундай натижалар тушимизга ҳам кирмас эди. Бу – айни ҳақиқат. Истиқлолдан олдин деҳқонларимиз машаққатли меҳнати эвазига раҳмат ўрнига туҳмат ва маломатларга дучор бўлардилар. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деган ғирт туҳмат гаплар билан қатағон кампаниялари уюштирилиб, халқимиз, айниқса, пахтакорларимиз, деҳқонларимиз бошига не-не қора кунлар солинмади. Қанча-қанча ҳалол ва пок, заҳматкаш, умри далада ўтган, лекин косаси оқармаган деҳқонларимиз бегуноҳдан-бегуноҳ жабр тортдилар. Ўша адолатсизлик авж олган фожиали йилларда бошига оғир ва ноҳақ савдо тушган ҳар бир инсоннинг бирдан-бир орзуси – ўзининг айбсиз эканини исботлаш, адолат тантанасини кўриш ва қамоқдан эсон-омон бола-чақаси бағрига қайтиш эди. Бугунги кунда қўрқинчли тушдек орқада қолган ана шу зулм-зўравонлик замонида деҳқонларимиз вақти келиб ер ва мулк эгаси бўлиб, ўзлари фермер хўжаликлари ташкил этиб, ўзбек иши ҳақиқатда қандай бўлишини бутун дунёга намоён этишни тасаввур ҳам қилолмас эдилар.

Мана, орадан бор-йўғи чорак аср вақт ўтиб ана шу бир пайтлар хаёлга ҳам сиғмаган гаплар реал ҳақиқатга айланди. Ўзбекистон фермерлари ҳақиқа-

INVENTAR № 2486
Зампол АКЛ

тан ҳам катта, қудратли кучга айланиб, дунё иқтисодиётидан, сиёсатидан пухта хабардор, ўз ишининг моҳир устаси, ҳар бир масалада етти ўлчаб бир асосида қарор қабул қиладиган, кўп тармоқли, замонавий хўжаликлари бўлган, ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри чет элга экспорт қилиб, дунёдаги манаман деган ишбилармонлар билан ҳам баҳслашиб, ўз манфаатини дадил ҳимоя қила оладиган, назарий ва амалий билим ҳамда тажрибалар, илғор бошқарув усуллари, агротехнологияларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳияти юксак инсонларга айланди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки нафақат қишлоқ хўжалиги, балки бутун мамлакатимиз тараққиёти ана шу янги синф – фермер ва тадбиркорлар синфига боғлиқ.

Бу улуғ ишларнинг ташаббускори ва асосчиси Биринчи Президентимиз Ислом Каримов экани, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги даврда юксак босқичда изчил давом эттираётганини бутун дунё эътироф этмоқда.

Албатта, бу фикрлар сафардан қайтиб келганимиздан сўнг бафуржа қоғозга туширилган бўлса-да, улар дастлаб дилимга самода тушди. Ўзбекистонимиз байроғи тасвири туширилган ҳаво кемамиз кўкка кўтарилиб, она заминдан 10-11 минг метр баландликда манзил сари елиб борар экан, жисму жонимни сўз билан ифода этиб бўлмайдиган алла-

нечук туйғулар қамраб олди. Йўқ-йўқ, самолётда илк бор учишим эмас, мен она Ватанимдан биринчи марта шунчалик узоққа кетаётгандим. Ўзбекистон – ота макон, жонажон юртим бамисоли мен билан бирга борарди. Ҳали юртдан кетмасдан туриб уни соғина бошладим.

КЎКДАГИ ТААССУРОТЛАР

Икки соатдан кейин ўриндиғим ёнидаги ойнадан пастга қарадим, зумрад либосдаги беҳудуд денгиз кўринди. Борт кузатувчисидан сўрадик, Каспий денгизи экан. Денгиз усти оппоқ ўркач-ўркач булутлар билан қопланган. Бу манзарани кўриб, беихтиёр олам оқ парда остида экан, деган хаёлга борасиз. Балки, шу оппоқ булутлар ерга, инсонлар қалбига поклик улашиб тургандир.

Одамзод юксакликни хуш кўради. Аммо данғал гапни айтадиган бўлсам, узоқ вақт ердан баландда учиш киши дилига бироз ваҳима солар экан. Яратган эгам учишни қуш зотига, ерда юришни эса инсонга раво кўргани бежиз эмас. Ҳар кимга, ҳар жонзотга ўзининг макони буюрсин экан. Одам учун киндик қони томган муқаддас тупроққа оёғи тегиб туришидан ортиқ бахт йўқ экан.

Ҳаш-паш дегунча бепоён бўлиб кўринган Касбий денгизи ҳам ортда қолди. Энди пастда Озарбай-

жон ўлкаси, унинг теграсидаги шоирлар куйлаб ўтган Кавказ чўққилари кўзга ташланади. Қизғиш тоғ кенгликлари гўё қум барханларига ўхшайди. Номига бўлсин, бирон та дарахт ёки арча кўзга ташланмайди. Аҳён-аҳёнда чўпонларнинг қўй-қўзилари, қўралар кўриниб қолади.

Соат милларига қарайман, ўн иккидан ўн дақиқа ўтибди. Осмон тип-тиниқ, қуёш чарақлаб турибди. Олам яна оқ булутлар остида қолди. Яна денгиз устидамиз. Денгизни кўкдан кузатар эканман, Яратганнинг қудратига яна бир бор иймон келтирдим. Қанчалар чексизлик, қанчалар улуғворлик, қуёшли, сокин ҳавода денгиз ҳам осуда тин олмоқда. Аммо унинг тубида не сиру синоатлар борлиги ёлғиз Ўзига аён.

Йигирма беш йил аввал кимдир, бир кун келиб Тошкентдан тўғри Италия пойтахти Римга учадиган бўламиз, деса, «Бор, бу чўпчагингни бошқага айт», деган бўлардим. Аммо, мустақиллик ана шу чўпчакни ҳақиқатга айлантирганига нима дейсиз?

Биз истиқлол йилларида туғилиб вояга етаётган ёшларимиз ҳақида ҳамиша фахрланиб гапирамиз. Самолётимизда хизмат кўрсатаётган стюардесса қизлар тимсолида буни янада ёркинроқ кўрдик. Улар ўзбек, рус, инглиз тилларида шу қадар равон, самимий ва ёқимли гапирардики, эшитиб, ҳақиқатан ҳам ёшларимизнинг камолидан қувонасиз. Улардан бирини суҳбатга чорладим.

Хуршида Ҳасанова, 27 ёшда. Асли Қарши шаҳридан. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Уч тилни пухта билади. Тарих, география фанларидан яхши хабардор. Қатъиятли, ўзига ишончи мустаҳкам. Оилада уч опа-сингил экан, барчаси олий маълумотли, замонавий касб эгалари. Отаси Баҳриддин ака Ҳасанов – илм-фан фидоийси, профессор. Онаси ҳозирги кунда уй бекаси экан.

"Сафимизда ўзбек қизлари кўп, – дейди Хуршида мамнуният билан. – Стюардессаликка жиддий танлов асосида қабул қилишади. Қўшнимиз учувчи эди. У кишига ҳавасим баланд бўлган. Бахтлиман, болалигимдан кўкда парвоз қилишни орзу қилардим, мана, ниятимга етдим. Ҳозирги кунга қадар дунёнинг ўттиздан зиёд давлатида бўлдим. Шукр, мустақиллик берган имконият туфайли дунё кўряпман. Турфа одамлар, турфа мамлакатлар, ҳар бирининг иқлими, табиати, шаҳарлари, одамлари ўзига хос. Кўриб ҳайратланаман, завқланаман. Аммо бир кун ўтмасдан Ўзбекистонимизни соғинаман. Боиси – дунёнинг бирон жойида биздагидек ўзбекона лутф, самимият, бағрикенглик, меҳмондўстликни учратмаймиз. Назаримда, ҳамюртларимиз қалбида Ўзбекистон қуёшининг тафти бордек. Уларнинг истараси бошқача бир иссиқ. Киндик қоним тўкилган тупроқ, оилам, ота-онам... Бир сўз билан айтган-

,да, мен юртимдаги меҳрни соғинаман, муҳаббатни соғинаман. Бирон-бир ўлканинг табиатини, иқлимини, одамларини ўзимизникига ўхшатолганим йўқ. Она Ватан туйғуси, тушунчаси шулардан ҳосил бўлса керак-да!"

Хуршиданинг самимий сўзлари бутун Ўзбекистон ёшларининг сўзлари бўлиб туюлди менга.

Мана, ниҳоят, Италияга етиб келдик. Самолётимиз Римнинг Леонардо Давинчи номидаги аэропортига қўниш учун оҳиста пастлаб бораяпти.

Пастлаганимиз сари Италия замини ўз гўзаллигини янада яққол намоён этарди. Ям-яшил водийлар, бепоён ғаллазорлар, турфа дарахтлар билан ястанган қир-адирлар... Таърифига тил ожиз. Экинзорларнинг чор тарафи ҳам дарахтлар билан ўралган. Биноларнинг барчаси кўп қаватли. Беихтиёр одамлар кўп қаватли уйларда яшаб, деҳқончилик қиларкан-да, деган ўйга борасиз. Бири бирига туташ бепоён ва қалин арчазорлар ҳам ақлни шоширади. Хуллас, ҳайратга муносиб гўзаллик.

Бизнинг Самарқандимиз каби дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланмиш Рим бизга пешвоз чиқаётган эди. Қарийб етти соатлик парвоздан кейин «Боинг-759» самолёти Рим тупроғига оҳиста қўнди. Дилларда шукрона, тилларда хуш калом...

БОҚИЙ ШАҲАР

Мана, Ўзбекистоннинг 37 нафар фуқароси буюк тарих ва маданият мужассами бўлган Рим шаҳридамиз.

Юқорида бежиз ер юзининг сайқали деб ном олган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандни эсга олмадик. Самарқанд ва Рим дунё тарихида "боқий шаҳарлар" деган эътирофга сазовор бўлган шаҳарлардир.

Аксарият юртдошларимиз кинофильмлар, «Дунё бўйлаб» телеканали кўрсатувлари орқали жаҳоннинг кўплаб шаҳарлари ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилишган. Аммо чет элга чиқиб, хорижий шаҳар тупроғига қадам қўйиш, у ердаги ҳаётни кўз билан кўриш мутлоқо бошқача таъсир қилади, албатта. Аввало, ўзга юрт ҳавосидан нафас олиш, унинг тузини еб, сувини ичиш қалбингизда меҳр уйғотади ва бу диёрга ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайсиз.

Рим ўзининг неча минг йиллик тарихи давомида не-не синов ва офатлардан омон қолган, қанчадан-қанча босқин ва хуружларга дош берган, ҳар бир ғишти, биноси, кўчасида бутун бир тарих мужассам бўлган шаҳар.

Аэропортда бизни Агроахборот инновация марказининг Латвия давлатидаги ҳамкорлари ўша юртдан келтирилган автобусда кутиб олишди. Мана, бизга ажратилган меҳмонхона томон кетиб боряп-

миз. Рим кўчалари, бу ернинг фусункор табиати, дов-дарахтлари бизни мафтун этди.

Режамизда дастлаб Римнинг ўзини ва Ватикан давлатини кўриш кўзда тутилган.

Мана, гид – йўлбошловчи ҳамроҳлигида Рим шаҳри кўчаларидамиз. Биринчи тасаввурдаёқ Рим – тош шаҳар, деган таассурот пайдо бўлади. Римликлар қадимий осориатиқалар, тарихий бинолар-нинг ҳар бир ғиштини кўз қорачиғидек асрайди. Мабодо эски иморатлар ўрнига янгисини қуришга тўғри келиб қолса, жуда бўлмаганда ўша бинонинг бир устуни ёки пойдеворини, жиллақурса бир дона тошини қолдириб, унинг бир четига қайси даврга мансублигини ёзиб қўяр экан.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, кўп қаватли уйларнинг балкони – болахонасида аксарият ҳолларда тувакда гул ўстирилар экан. Гул бўлганда ҳам бир-бирини такрорламайдиган, ранго-ранг, нафис гуллар. Римда бундай хонадон соҳибларини эъзозлаб, «Яшил бармоқлар», деб аташар экан. Ривоят қилишларича, машҳур рус мумтоз ёзувчиси Николай Гогол Римга сафар қилиб, унга мафтун ва маҳлиё бўлганини ифода этиш учун бундай лутф қилган экан: «Римда аввал йўқолиб қолиб, кейин топилиш керак».

Рим шаҳри ҳудудида энг кўп экилган ва ўзига хос салобат бағишлаб турадиган дарахт Рим қайи-

шидир. Уларга жуда чиройли шакл берилган. 10–15 қулоч, ҳатто 20 газ баландликдаги қайиннинг тепа қисми соябонни эслатади. Унга қадар бирон-та шох-шабба йўқ. Кўриб завқ оласиз, кўзингиз қувнайди.

Қадимий Римнинг кўчалари тор, тўрт қаватли уйларнинг охирги қаватининг ижара ҳақи жуда қиммат экан. Римликларда ўзига хос қараш мавжуд экан: «Сен мени кўрмаяпсан, мен эса тепадан туриб сени кўряпман». Хуллас, юқори қаватда яшаш обрў ҳисобланар экан. Кўҳна Римда энг баланд иморатлар 4-5 қават, холос.

Ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам кўҳна Рим ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслигини ҳисобга олиб, қадимий шаҳар тўғрисида бироз маълумот беришни лозим топдик.

Ривоятларга кўра, Рим шаҳрига ака-ука Рамул ва Рем томонидан милоддан аввалги 754-753 йилларда асос солинган.

Манбаларда милодгача бўлган VIII–VI асрларда Римда ҳукмронлик қилган 7-подшоҳ ҳақида баъзи бир маълумотлар қайд этилган. Сўнгги подшоҳ Тарквиний Такаббур қувилгач, милоддан аввалги 510-509 йилларда Римда республика тузуми ўрнатилган.

Милоддан аввалги III асрга келиб ҳозирги бутун Италия ҳудудини ўзига тобе этган Рим йирик давлатга айланган.

Италия пойтахти Рим шу номдаги провинция ва Рацио вилоятининг маъмурий маркази бўлиб, шаҳар бир пайтлар вулқонлардан ҳосил бўлган тепаликда, Тибр дарёсининг ҳар икки соҳилида, у Тиррен денгизига қуйиладиган ерда жойлашган.

Италияда ҳозирги вақтда 50 миллион аҳоли истиқомат қилади. Римда эса 5 миллион одам яшайди. Иқлими Ўрта ер денгизига хос иқлим. Январь ойида ўртача ҳарорат 6,8 даража, июль ойида эса 26 даража бўлади.

Рим мамлакатнинг муҳим иқтисодий, молиявий, илмий ва маданий маркази ҳисобланади. Италияда энг йирик транспорт йўллари ҳам шу ерда туташади. Шаҳарда иккита халқаро аэропорт бор. 1927–1938 йилларда метрополитен ишга туширилган.

Шаҳарда маъмурий бошқарув ва ҳукумат идоралари, сиёсий партияларнинг марказий органлари, йирик банклар, савдо ва суғурта компаниялари, хорижий фирмаларнинг офислари, халқаро ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашган.

Табиийки, бу улкан шаҳардаги маданий-маърифий бинолар ҳам ўзига хос. Жумладан, Миллий Рим музейи, Ватикан музейлари, Миллий галерея, опера ва драма театрлари, консерватория, астрономия расадхонаси, 1303 йилда бунёд этилган университет, академиялар, илмий муассасалар, кутубхоналар доимо сайёҳлар эътиборида.

Меъморий ёдгорликлар шаҳарнинг 3 минг йиллик тарихини, унинг мураккаб тақдири ва бетакрор қиёфасини акс эттириб туради. Шаҳарнинг хушманзара тепаликларда жойлашгани, муаззам иморатлар харобалари ва турли даврларга оид муҳташам саройлар, черковлар, фавворалар, монументлар ва манзарали ҳайкалларнинг кўплиги, майдонларнинг ранг-баранглиги ҳам ҳар қандай одамда улкан қизиқиш уйғотади.

Қадимий Рим меъморий ёдгорликлари, жумладан, Форум, Колизей, Пантеон каби жаҳонга машҳур обидалар, Уйғониш даврига мансуб ва барокко услубида барпо этилган иншоотлар Римнинг афсонавий қиёфасини асрлар давомида безаб келмоқда.

Илк Уйғониш – Ренессанс даврида меъморлик равнақ топди. XVI-XVII асрларда барокко услубига хос тамойиллар такомиллашди. Иншоотларнинг кўламдор ва улуғвор, серҳашам бўлишига аҳамият берилди. XVIII аср ўрталарида Рим меъморлигида классицизмнинг илк намуналари юзага келди. Кўча ва майдонлар классицизм руҳига мослаб реконструкция қилинди. Кейинчалик, XX асрга келиб, замонавий услубда бинолар қурила бошланди.

Римга бир йилда 3 миллиондан зиёд сайёҳ келиб кетади.

Рим ҳақида гап кетганда, беихтиёр кўз ўнгимизга Рим папаси ва Ватикан давлати келади, албатта.

Не бахтки, дунёдаги энг митти давлат бўлган Ватиканни кўриш насиб этди. Бу мўъжаз давлат ва унинг ўзига хос идора усули, сиёсати, мафкураси, тарихи, дунёга кўрсатаётган таъсири ҳақида истаганча гапириш мумкин. Лекин мен ўз кечинмаларимни шеърий сатрларда ифода этмоқчиман:

Римда юрдим пиёда, хуррам,
Тилга кирди минг йиллик тарих.
Гўзал экан бу кўҳна олам,
Бунда тошлар – тирик муаррих.

Энди, рухсатингиз билан, Ватикан ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсам. Ватикан – Италия пойтахти Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган мустақил шаҳар-давлат. Католик черковининг сиёсий, маъмурий ва мафкуравий маркази, унинг бошлиғи – Рим папаси қароргоҳи шу ерда жойлашган. Шаҳарнинг қарийб ҳамма томони тошдевор билан ўралган. Майдони 0,44 квадрат километрдан иборат. Доимий аҳолиси 1 миллион кишига яқин. Ватикан фуқаролари 800 кишидан сал зиёд. Расмий тиллари лотин ва итальян тилларидир.

Ватикан – чекланмаган теократик монархия шаклидаги давлат. Конституциявий ҳужжатлари 1929 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи, юқо-

рида айтилганидек, Рим папаси. 1996 йил февралда папа Иоанн Павел Иккинчи томонидан чиқарилган янги Конституцияга мувофиқ у, одатда, кардиналлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан, овозларнинг учдан икки қисмига эга бўлган тақдирда, кардиналлар ҳайъати томонидан 1389 йилдан буён умрбодга сайланади. Олий қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимияти папанинг қўлида. Айни пайтда у Рим католик черкови бошлиғи ҳамдир.

Рим папаси Иоанн Павел Иккинчи 264-папа бўлиб, 1978 йил 16 октябрда сайланган. Бу кун Ватиканда миллий байрам сифатида нишонланади.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, илк ўрта асрлар даврида Ватикан Рим папаларининг турар жойи, 1377 йилдан бошлаб эса доимий қароргоҳидир. VIII асрдан бошлаб эса Ватикан черков давлати сифатида мавжуд. 1870 йилда Италия ҳудудларининг бирлашиши муносабати билан Ватикан Италия қироллиги таркибига қўшиб олинган. 1929 йилда папа билан Италия ҳукумати ўртасида имзоланган Патеран битими натижасида Ватикан давлати қайта тикланди ва 1929 йил 11 февралда мустақил давлат сифатида тан олинди. Католик черковининг халқаро маркази сифатида Ватикан дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги ижтимоий ҳаётга таъсир ўтказади.

Ватиканнинг Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатлари 1992 йил 17 октябрда ўрнатилган.

Давлатнинг иқтисодий негизини капитал маблағлардан тушадиган даромадлар, миллий католик черковларнинг бадаллари, диндорларнинг эҳсонлари ташкил этади. Ватикан дунёнинг йирик саноат-молия монополияларидан биридир (унинг олтин-валюта ҳажми 12 миллиард АҚШ долларидан ортиқ деб баҳоланмоқда).

Ватикан дунёдаги бир қанча нуфузли компания ва банкларнинг акцияларига эга. Италия, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Испания, шунингдек, АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатларидаги саноат корхоналарига қўйилган сармоялардан катта фойда олади. Италия, Германия, Испания ва бошқа мамлакатларда катта ер майдонлари Ватиканга қарашли.

Хорижий сайёҳлик ва почта маркалари чиқариш, эсдалик совғалари сотиш ҳам Ватиканга кўп даромад келтиради. Пул бирлиги – итальян лираси. Ватикан ўзининг расмий нашрлари, телеканалларига эга.

Илк ўрта асрларда вужудга кела бошлаган Ватикан маъмурий мажмуасига XV-XVI асрларда яратилган кўпдан-кўп иншоотларни ўз ичига оладиган Ватикан сарой ансамбли (майдони 55 минг кв. метр) киради. Деворлари Б.Микеланжело, П.Пе-

ружино, С.Боттичелли, Д.Гирландайо каби буюк рассомлар ишлаган расмлар билан безатилган Сикстин капелласи, Беато Анжелико ишлаган расмлар билан безатилган Николай Бешинчи капелласи, Рафаэль сайқал берган пешайвонлар ва заллар, кўзни қамаштирадиган кутубхона ва музейлар бу даргоҳнинг ноёб дурдонаси ҳисобланади.

Рим оқшоми – сеҳрли оқшом. Ранг-баранг чироқлар кўзни қамаштиради. Ҳар бир бинодан асрлар садоси келгандек бўлади.

Сафарнинг иккинчи кунини меҳмонхонада нонушта қилишдан бошладик. Римликларнинг нонуштаси ҳам ўзига хос. Таомлар, ширинликлар, сут маҳсулотларининг тури кўп. Тонгда ҳам истаганингизча ҳўл мева тановул қилишингиз мумкин.

Нонуштадан кейин биз автобусимизга ўтириб, Италиянинг Турин шаҳрига йўл олдик. Римдан Турингача бўлган масофа 500 километрни ташкил этади.

Албатта, ҳамроҳларимизнинг ҳар бири кўпни кўрган фермер, тадбиркор ва ишбилармон инсонлар. Бир сўз билан айтганда, гапини билиб гапирадиган, ишини дўндирадиган одамлар. Уларни унча-мунча нарса билан ҳайратга солиб бўлмайди.

Биргина мен – дунё кўришни ихтиёр этган, оддий майсадан ҳам ҳайратга тушадиган ижодкорман. Буни қарангки, Оллоҳ раво кўрса, мендек одам-

нинг хизмати ҳам шундай салобати зўр одамларга асқатаркан. Дастлаб автобусда чор-атрофга маҳлиё бўлиб, кўнглининг ярими уйида, бола-чақасида бўлиб кетаётган сафардошларимни нима биландир овунтириш, вақтини чоғ қилиш учун микрофонни қўлга олдим. Билганимча шеър ўқидим.

Халқимизда "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас" деган нақл бежиз айтилмаган. Биз ҳам она юртдан узоқда ҳар бир нарса, воқеа-ҳодиса, ўқилган шеър, айтилган қўшиқ тимсолида Ватанни қайтадан кашф этар эдик.

Автобусимиз соатига 100 километр тезликда йўл босиб, елиб борарди. Сўл томонимизда Ўрта Ер денгизи ястаниб ётибди. Денгизга қараб ҳам ҳайрат, ҳам хавотир қалбни чулғайди. Яқин Шарқ мамлакатларидан Европага етиб олиш умидида йўлга чиққанларнинг қанча-қанчаси ана шу тўлқинлар қаърига ғарқ бўлиб кетган эмасми?

Денгиз соҳилига маҳобатли ва гўзал бинолар қурилган. Кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун неки зарур бўлса, барчаси муҳайё. Табиийки, биз ўзбекистонликлар учун денгизни яқиндан кузатиш жуда мароқли. Йўллар ниҳоятда равон, юрган сари юргингиз келади. Автобусда стакандаги чой тўкилмайди. Умуман, Европанинг барча шаҳарларида бу – одатий ҳол. Тасаввур қилинг, 12 кун мобайнида автобусимиз бирон марта бўлсин, қалтис силкинганини сезмадик.

Йўлларнинг баъзи жойлари ердан бир неча баробар кўтарилиб, икки-уч қават кўприклар солинган.

13 ноябрь, куз охирлаб бораётган бўлишига қарамасдан, чор-атроф кўм-кўк. Хазон тўкаётган дарахтлар кам. Ҳайдовчилар маълум масофани ўтганларидан кейин вақти-вақти билан йўл солиғини тўлаб боришяпти. Мана, автобусимиз ёқилғи қуйиш шохобчасига келиб тўхтади. Тилладек товланиб момақаймоқлар гуллаб ётибди.

Европа давлатларидаги ёқилғи қуйиш шохобчаларининг ўзига хослиги шундаки, уларнинг ҳар бирида ҳаёт бир зум тўхтамайди, супермаркетлар, ошхоналар туну кун ишлаб туради. Яна бир эътиборга молик жиҳати, кичик-кичик енгил машиналар кўп экан. Ҳатто, бизнинг митти «Тико»миздан ҳам кичик машиналар бордек туюлди менга. Рим шаҳрида кўчалар тангу тор бўлгани учун аҳоли шахсий машиналарини дуч келган жойга, ҳатто икки йўл ўртасидаги тўсиқ учун ажратилган ерларга ҳам қўйиб кетаверар экан. Рим ўзиники бўлганидан кейин билганини қилади-да!

Италияликларнинг яна бир ибратли фазилати – улар деҳқончилик маданиятини ҳадди аълосига кўтаришган экан. Юзлаб километр йўл босиб, бирон жойда ҳайдалмаган, ишлов берилмаган, бегона ўт босган ерни, қаровсиз ташлаб қўйилган манзил маконни кўрмадик. Яна бир ибратли томони – тоғ

ёнбағирлари, қиру адирлар, кўчки хавфи бор қияликлар темир тўрлар билан иҳоталанган.

Италияда токзорлар учун қилинган вайишлар анча паст, кишининг кўкси баробар келади. Токларнинг барги ҳам сийрак. Турин шаҳрига қадар *йўллар худди бизнинг* Қамчиқ довонимиздаги йўлларга ўхшайди. Фарқи – қалин ўрмонзорларнинг кўплигида.

Икки-уч соатдан буён Ўрта ер денгизи ёқалаб кетяпмиз. Денгиз яна бизга яқин келиб қолди. Такрор бўлса ҳам айтай, ўнгга боқиб ҳам, сўлга боқиб ҳам деҳқонлар меҳнати билан яратилган мўъжизаларга тасанно *дейишдан ўзингизни тутиб туролмайсиз.*

Сафардошларимиздан тўққиз киши Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидан бўлиб, уларга туман ҳокими Ғофиржон Ҳожиев ўзи бош бўлиб олиб борган эди. Ғофиржон ака фермерларни ёнига олиб, автобусимиз тўхтаган бекатларда ямяшил экинзорларни расмга олишга, видеотасвирга туширишга, деҳқонлар тажрибасини ўрганишга зўр бериб ҳаракат қиларди.

Мен чет эл сафарида илк бор юрганим учун ўзга юртнинг қиру адирлари, экинзорлари, боғу роғларини хаёлан ўзимизникига қиёслаб кўрар эдим. Турин шаҳрига келиб, Оллоҳ ер юзини бениҳоя гўзал, айни пайтда бир-бирига ўхшаш, муштарак қилиб яратганига иймон келтирдим.

Кечга яқин Турин шаҳрига етиб келдик. "Турин-Плаза" меҳмонхонасига жойлашдик. Биз учун меҳмонхоналар латвиялик ҳамкорларимиз томонидан аввалдан банд қилиб қўйилгани боис ҳеч бир давлатда бу борада қийинчиликка дуч келмадик. Автобусда узоқ йўл босиб, толиққанимиз боис кечки Туринни айланиш имкони бўлмади.

Тоғлар, арчазорлар ичига қурилган сарбаланд, чиройли иморатлар кўнгилни ҳайратга чулғайди. Агар кўҳна Римни кўриб, бу тошшаҳар экан, деган хаёлга борган бўлсак, Туринни кўргач, у тоғлар ичига қурилган шаҳар эканига ишонч ҳосил қилдик.

Эртасига сафарда давом этиб, йўл-йўлакай тоғларни ёриб ўтган юздан зиёд узун-қисқа туннелдан ўтдик. Италия чегарасидан чиқиш арафасида йўлимиз Алп тоғларига бориб туташди. Тоғлар чўққисини қор қоплаган. Қалин арчазорлар кўзни қамаштиради.

АФСОНАВИЙ ДИЁР

Мана, кўз очиб юмгунча Италия давлатидаги икки кунлик сафаримиз ниҳоясига етиб бормоқда. Автобусимиз афсонавий Альп тоғлари бағридаги Швейцария ҳудудига яқинлашиб келмоқда. Дилимизда шукрона, шундай кунларга етказганига. Етти ухлаб тушимизга кирмаган соҳир манзаралар.

Албатта, ҳар бир инсон ўзга юртларга борганида беихтиёр қадрдон диёри кўз ўнгидан ўтади. Ўша онларда нима учундир дастлаб кўз олдимга самимий нигоҳи, очиқ юзи, оққўнгиллиги билан ажралиб турадиган, буғдойранг, офтобда тобланган ҳамюртларим келди. Бизда тўрт фаслнинг ўз хислати, қудрати, гўзаллиги, ўрни ва аҳамияти борлиги ҳам бахтимиз.

Ватикан ҳудудини айланиб, шомга яқин меҳмонхонага келганимизда биринчи қаватдаги енгил тамаддихонадан бир пиёладан чой сўрадик. Чойга қўшиб берилган, оқ қоғозга ўралган шакарда, ишонасизми-йўқми, Хоразм шакаридаги ширинлик ва мазанинг ярими ҳам йўқ... Чунки қуёш нурига тўймаган хомашёдан тайёрланган-да!

Энди нархига келадиган бўлсак, шу бир қултумгина чой уч евро турса денг. Бу бизнинг валютамизда бозор нархига чақсангиз, йигирма беш минг сўм дегани. Беихтиёр, кўз ўнгимиздан атиги 500 сўмга пахта гулли чойнакка дамлаб берилади-ган муаттар ҳидли чойимиз ўтди. Бундай пайтларда дабдурустдан: "Садағанг кетай, Ўзбекистон!" деб юборасиз-да. Бир марта "чашка"гинада қайноқ сувни текинга беришлари мумкин экан. Шунисига ҳам раҳмат дейишдан ўзга чорамиз борми...

Дошқозонларда ош дамлаб, ёру дўстларга, ҳатто етти ёт бегоналарга тарқатадиган, ширин таомидан

бир коса қўшнисига илинадиган, етим-есир, бева-бечора, мухтожлардан борини аямайлиган халқимиз борлигига шукрона айтдик.

Яна йўлдамиз. Соат миллари 16 дан 40 дақиқа ўтганини кўрсатганида Италия чегарасидан Швейцария ҳудудига ўтдик. Тахминан ярим соат миёнасида ҳайдовчиларимизнинг ҳужжатларини текширишди.

Швейцария ҳудудига кирдик. Алп тоғлари бағрида, йўлнинг икки тарафида 2-3-4 қаватли уйлар кўзга ташланди. Бир қарашда пала-партиш қурилгандек, бироз файзи йўқдек туюлди менга.

Мана, Роста деган шаҳарчадан ўтиб боряпмиз. Ҳаддан ташқари тик ерларга ҳам ток экилган. Машинамиз биринчи марта тор йўлдан тик кўтарилди. Дарвоқе, барча йўллар ҳаддан зиёд тор. Автобусимизни бу йўлдан юриши, рости, кўнгилга бироз ваҳима солди. Умуман, тоғ ичидан ўтган бу йўлнинг ҳар бир одимида ҳайратли манзаралар бор. Гўё қишлоқ ва шаҳар қўшилиб кетгандек, фарқини ажратиш қийин.

Ниҳоятда баланд бурама йўллардан ўтиб боряпмиз. Қорли чўққилар шу даражада яқинки, қўл чўзса етгудек. Одамларимиз гўзал тоғ манзараларни кўриб, "Ў-ў-ў, Швейцария-ку" деб бежиз айтишмас экан. Биз пастдан юқорига бамисоли чумолидек ўрмалаб, тоғнинг нақд белига чиқиб

олдик. Ҳайдовчимиз Янисга ва унинг шеригига тасаннолар айтик.

Ёнимда ўтирган Аҳаджон бир дақиқа бўлсин ҳаяжонини босолмайди. Каминанинг ўзига келадиган бўлсак, Муқимий бобомиз лутф этганларидек, "Ранги рўйим кўру кўрма, каҳраболардан бири"...

Ниҳоят, автобусимиз йўлнинг энг баланд нуқтасига етиб, аста пастлай бошлади. Бундай хатарли йўллардан катта автобусда юришга наҳотки рухсат этилса, деган ўй ўтди хаёлимдан. Нима бўлганда ҳам, ҳарқалай хавф-хатар ортда қолди. Яратганга беҳисоб шукр. Назаримда, автобусдаги қирққа яқин ҳамюртимиз ўзларини худди қайта туғилгандек ҳис қиларди. Мени ҳайратга солгани шу бўлдики, одам бир ўзи тик чиқиб боришга қийналадиган қияликлар, тоғлар бағрига нафақат йўл, балки юзлаб уйлар қурилган. Йўлимизнинг ўнг тарафи аҳоли яшайдиган қишлоқларга ўхшаб кетса, чап тарафи бениҳоя баланд тоғлардан иборат. Швейцария тоғларининг ўзига хослиги шунда эканки, бизнинг кўзимизга ташланган энг баланд чўққилар ҳам ям-яшил арчазор билан қопланган.

Тоғларга оқшом чўкмоқда. Бу пайтдаги тенгсиз гўзалликни таърифлаб бўлармикан! Тоғлар чўққисидаги арчазорларга бош қўйиб тўлин ой нозлана бошлайди. У арчалар шохига тегиб тургандек гўё. Ҳайрат, ҳайрат, ҳайрат... Шундай гўзалликка ошно

этгани учун Яратганга беҳисоб шукр қилдим. Қўлимни узатсам, арчазорларга етгудек, баланд-баланд тоғларга уйғоқлар уй қуради, деган хаёл кечди дилимдан.

Ҳаяжоним босилиб, ўйлаб кўрсам, ой бизнинг тоғларга ҳам шундай бош қўйиб чиройини кўз-кўз қилар экан. Ёдимга тушди, 1978 йили Ўзбекистон радиосида ишлаб юрган кезларим бош муҳаррирimиз Мели Норматов Жиззах вилоятига ижодий сафарга мени бирга олиб борган эди. Ўшанда бир оқшомни Бахмал тоғлари бағридаги сўлимгоҳда ўтказганмиз. Тунда ойнинг шундоқ тоғлар чўққисидаги қорларга бош қўйиб кўтарилиб келаётганини кўриб ҳайратга тушган эдим. Ўша ерлик оқсоқоллар ҳаяжонимни сезиб айтган эди: "Ўғлим, сизга ниҳоятда қизиқ кўринган бу ҳолга биз кўникиб кетганмиз. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бу чўққиларни Ойқор дейишади".

Ўзим туғилиб камолга етган Паркент туманидаги Чотқол тоғларида ҳам шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлганман. Раҳматли ҳамкасб дўстим, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф билан Кумушкон дам олиш масканида ҳафталаб бир хонада ётиб, ҳордиқ чиқарган, ижод қилганларимиз, оёқ етгунча тоғларда пою пиёда юрганларимиз, оқшом ойнинг тоғлар юзини нурли қўллари билан сийпалаганини кўрганларимизни унутиб бўладими?

Шу тобда беихтиёр ёдимга Муҳаммаджоннинг ҳузурида ёзган "Паркентда тонг" номли шеъримнинг илк сатрлари келмоқда.

Ой бизнинг қишлоқда ерга яқиндир,
Қуёш ҳам тоғларни ўпиб юз очар.
Паркент осмонида юлдуз учса гар,
Қирларнинг кўзидан уйқулар қочар.

Автобусимиз тоғлар бағридаги бир туннелга кирди. Буни қарангки, туннелнинг усти берк, ёни очиқ. Кўчкилардан сақланиш учун шундай қурилган экан. Энди тоғлар элас-элас кўрина бошлади. Ҳамон ёни очиқ туннелдан кетиб боряпмиз. Бу йўл 1964 йилдан 2014 йилгача қурилган экан. Йўл бошловчимизнинг айтишича, аслида Швейцария чегарасига эндигина етиб келибмиз. Гуруҳ раҳбари Мирзоҳиднинг паспорти ва ҳужжатларини чегара постида обдан текширишди.

Швейцария остонаси ниҳоятда гўзал 5 километрлик туннелдан бошланди. Бу давлат ўзининг швед франкини сақлаб қолган, шу билан бирга евро ҳам ишлатилар экан. Туннелдан ўтишда солиқ тўланди. Автобусимиз туннелдан чиққанидан сўнг бурама йўллардан пастга қараб елиб борарди. Йўл нишаби тик бўлгани учун машинанинг тормоз билан жиловланган ҳолда тушиб бориши ҳам бироз ваҳимали.

Зим-зиё тун бўлгани боис чор атрофда ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Машинамиз шаҳарга кириб келган бўлса ҳам ҳамон пастлаб боряпмиз.

Римдан Швейцария чегарасигача 900 километр экан.

Яратганга яна ва яна беҳисоб шукрки, тун ярими да Швейцария пойтахти Женева шаҳрига соғ-саломат етиб келдик. "Монтана" меҳмонхонасига жойлашиб, ҳамроҳларим Аҳад, Асқар билан ўзимиз олиб келган нозу неъматлардан тамадди қилдик. Албатта, ёт элларга борган инсон учун уйқу бирламчи масала эмас. Шу боис кеч бўлиб қолганига қарамасдан, Асқарни олиб Женева оқшомида аланганги чиқдик.

Меҳмонхонамиз шаҳарни кесиб ўтган Рона дарёсининг ёнгинасида экан. Кечаси бўлгани учун кўп узоқ кетмасдан, дарё бўйлаб пиёда юриб, шаҳар тиройини кузатдик. Женева оқшоми ниҳоятда мафтункор ва чароғон эди. Дарё ўртасига қурилган, баландлиги 150 метр бўлган фаввора тунда ўзгача бир нафосат билан нур таратиб, отилиб турар экан. Албатта, ҳар бир сайёҳ борган юртида аввало шу мамлакат одамларини, уларнинг юриш-туриши ва кайфиятини кузатади. Тунда кўзимиз тушган аҳоли вакилларининг кайфияти аъло даражада эди. Уларнинг ҳаётдан мамнунлиги шундоқ чеҳрасидаги табассум, гап-сўзлари оҳангидан билиниб, сези-

либ турарди. Итальянларни ҳеч камситмаган ҳолда, дангалини айтадиган бўлсак, Женева аҳолиси анча хушсурат, хушбичим, қизлари, аёллари қарамаганни ҳам қаратадиган даражада латофатли ва малоҳатли эди.

Тонгда нонуштадан сўнг автобусга ўтириб, Женева шаҳри бўйлаб сайрга чиқдик. Дастлаб Рона дарёси соҳилида пою пиёда юриб, юқорида тилга олинган машҳур фавворага яқинроқ бориш имконига эга бўлдик. Теварак атрофга боқиб, шаҳарнинг гўзаллигига ошуфта бўлмасдан иложингиз қанча!

Бу ерда қўр тўкиб турган бинолар, иншоотлар салобатли, пурвиқор, айни пайтда мафтункор, шаҳарнинг меъморий қиёфасига алоҳида аҳамият берилган. Умуман, бу ерда шаҳарсозлик маданияти юксак даражада ривожланганига ҳар қадамда гувоҳ бўласиз.

Якшанба дам олиш куни бўлгани боис жуда кўп жойлар, жумладан, музейлар ва бошқа масканлар ёпиқ эди. Шаҳар ниҳоятда тоза ва озода, баҳаво, троллейбус, трамвай қатнови тинмайди. Дарё ёқалаб югуриб юрганлар, спорт билан шуғулланаётганлар орасида эркакларга нисбатан аёллар кўплигига нима дейсиз?

Якшанба куни бўлишига қарамасдан, бекордан-бекор юрган ёки уйларнинг балконларида томошталаб одамларни кўрмайсиз. Шаҳар кўча-

барини тўлдириб учаётган машиналар шинам ва гузаллиги билан кўзни олади. Шахсий машиналар кучалар чеккасида, йўлакларда турар экан. Швейцариядаги ерости йўллари ниҳоятда гўзал, транспорт воситалари ҳам ойнадек тоза ва текис. Тиқ этган овоз ёки шовқинни эшитмайсиз.

Автобусимиз гўё сувда сузаётгандек оҳиста кетиб бормоқда. Буларнинг барчаси бизнинг нигоҳимизга муҳрланган ҳолатларнинг бир қисми, холос. Аммо, ўрни келган экан, сиз, азиз ўқувчиларимизга Швейцария давлати ва Женева шаҳри ҳақида батафсилроқ маълумот беришни жоиз деб биламиз.

Швейцария Конфедерацияси Марказий Европадаги давлат. Майдони 46,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 7 миллиондан зиёд. Маъмурий жиҳатдан 23 кантон (улардан учтаси ярим кантон)га тенг бўлинади. Швейцария – федерал парламент шаклидаги республика. Амалдаги конституцияси 1874 йил 29 майда қабул қилинган. Кейинчалик унга ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи Президент. У Федерал Мажлис кенгаши томонидан бир йил муддатга сайланади ва қайта сайланмайди.

Ўлка ҳудудининг катта қисмини Альп тоғлари эгаллайди (тоғнинг баландлиги, масалан, Дюфур чўққиси 4634 метргача етади). Мамлакат марказида Швейцария ясси тоғлари, шимоли-ғарбида Юра

тоғлари ўрин олган. Иқлими намли, мўътадил иқлим бўлиб, Женевада январь ойининг ўртача ҳарорати ноль даража, июль ойнинг ўртача ҳарорати 19 даража иссиқ бўлади. Швейцариянинг шимолий қисмида дарё кўп. Рейн (Ааре ирмоғи билан) дарёси, Рона, Ини, Тичино дарёларининг юқори оқими Швейцариядан оқиб ўтади. Женева, Бодек ва бошқа кўплаб кўллар бор. Мамлакат ҳудудининг 24 фоизи ўрмон билан қопланган. Ясси тоғлик ва тоғларда япалоқ баргли ҳамда игна баргли дарахтлар ўсади, баланд тоғлар субальп ва альп ўтлоқлари билан қопланган.

Альп тоғларида музликлар бор (2 минг квадрат километрга яқин). Ҳайвонот дунёси бой ва ранг-баранг. Тоғларда сут эмизувчилардан ёввойи эчки, сувсар, қуён, суғур, айиқ, тулки ва бошқа ҳайвонлар бор. Паррандалардан бургут, қарқур, тоғчумчуқ, дарё ва кўл қирғоқларида балиқчи қушлар учрайди. Альпинизм спортининг қишки тури билан шуғулланиш учун бу ерда ҳамма шароитлар яратилган.

Аҳолиси – герман-швейцарияликлар, итальян-швейцарияликлар, француз-швейцарияликлардан иборат. Расмий тиллари – немис, француз, итальян ва ретороман тиллари. Аҳолининг 67,7 фоизи шаҳарда истиқомат қилади. Диндорларнинг аксарияти католик ва протестонлар. Йирик шаҳарлари: Цюрих, Базель, Женева, Берн, Лозанна. Миллий

байрами 1 август – Конфедерация ташкил этилган кун. 1899 йилдан буён нишонланиб келади. Мамлакатга йилига ўртача 7 миллион сайёҳ келади.

Энди Женева ҳақида тўхталсак. У Швейцариянинг жануби-ғарбидаги шаҳар, Женева кантонининг маъмурий маркази. Женева кўлининг жанубий-ғарбий соҳилида, 372 метр баландликдаги хушманзара масканда жойлашган. Кўлдан оқиб чиқадиган Рона дарёси шаҳар ўртасидан ўтади. Иқлими юмшоқ. Аҳолиси 180 минг киши, шаҳар атрофи билан қўшиб ҳисоблаганда, 400 мингдан зиёдни ташкил этади.

Женева дастлаб Юлий Цезарь томонидан милоддан аввалги I асрда тилга олинган. Савдо йўллари чорраҳаларида жойлашгани учун шаҳарнинг иқтисодий мавқеи тез кучайиб борган. XIV-XV асрдаёқ бу ердаги савдо ярмаркалари етти иқлимга машҳур бўлган.

XXI–XVII асрларда Женевада саноат, жумладан, соатсозлик ривожланган. 1798–1814 йилларда шаҳар Франция таркибида бўлган. 1815 йилдан буён Швейцариянинг 22-кантони ҳисобланади. Женевада бир қанча нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Миллатлар лигаси (1919–1939), Халқаро қизил крест ташкилоти органлари, БМТнинг турли бўлимларининг доимий қароргоҳи фаолият кўрсатади. Женевада халқаро конгресслар, конференциялар, кўргазма ва фестиваллар мунтазам ўтказиб турилади.

Женева курорт шаҳар бўлиб, халқаро туризм марказларидан бири ҳисобланади. Халқаро транспорт йўллари чорраҳаси ҳисобланади, бу ерда кўплаб бандаргоҳлар, йирик аэропорт бор.

Женева мамлакатнинг йирик сиёсий ва савдо марказларидан биридир. Бу ерда заргарлик буюмлари, аниқ механика (соат), геодезия асбоблари, электрон ускуналар ва бошқа юқори сифатли, Швейцария брендига эга бўлган маҳсулотлар харидорларни ўзига жалб этади. Шунингдек, бу ерда дастгоҳсозлик, электротехника, машинасозлик, муҳаррик – двигателлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда дунёга машҳур фармацевтика, парфюмерия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Театр ва музейлар ҳам кўп. Женеванинг қадимий қисми Ронанинг сўл соҳилида жойлашган.

Шаҳардаги қадимий меъморий ёдгорликлардан Сен-Пьер собори (XII–XIX аср), Сент-Мари-Маддлен ва Сен-Жермен (XIV-XV аср) черковлари, Энар саройи (1817–1821 йиллар) ҳақида сўз юритиш мумкин. Бу ерда Уйғониш даврига оид мумтоз кўшклар сақланган. Женеванинг Янги шаҳар қисмида миллатлар саройи, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) биноси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашган.

ПАРИЖ – ШАҲАРЛАР МАЛИКАСИ

Йўл юрган, дунё кезган, турли миллат ва элатларнинг яшаш тарзини кузатган, халқаро ҳаётдан бохабар бўлган инсон оламга ўзгача нигоҳ билан боқади. Назаримда, жаҳонгаштalик бошқа-ю, дунё афгор оммаси аҳволи руҳиясини тийрак кузатиб, умумбашарий хулосалар чиқариш бошқа. Бу фикрлардан муддао шуки, ҳар бир инсон, ҳар бир миллат ва давлат учун аввало тинчликдан улуғ неъмат йўқ. "Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака йўқолади" деган мақолимизда нақадар теран маънолар бор. Жаҳон тарихидан аччиқ бир ҳақиқат аён: баъзан ғаюр ниятли кимсаларнинг разилликлари боис бутун халқлар бошига кутилмаган фожиалар тушади. Бугун ҳам, афсуски, бундай ҳолатлар тўла барҳам топгани йўқ: даҳшатли террорчилик, қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилмоқда, минг-минглаб одамлар тинчлик, ҳаловат истаб, қочқин бўлиб, сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Биз 2015 йилнинг 12 ноябрида Европа бўйлаб сафарга отланган бўлсак, 13 ноябрда Парижда содир этилган террорчилик оқибатида ўнлаб бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Бизнинг режамиз бўйича Швейцариядан сўнг Францияга ўтишимиз керак эди. Аммо бу воқеадан кейин сафаримизнинг даст-

лабки кунларидаги маълумотларига кўра, "Парижга сайёҳларнинг кириши вақтинча тўхтатилган" деган хабарни олиб, ҳафсаламиз пир бўлди. Ахир, Европага қадам қўйган қай бир сайёҳ Парижни кўришни истамайди дейсиз?

Шуни ҳам чуқур шукроналик билан қайд этиш жоизки, яхши ният билан йўлга чиққан, пок тилак билан Яратгандан сўраган бандасининг йўлини Худойимнинг Ўзи равон қилғусидир. Биз ўзимизга тилаган барча эзгуликларни ўзгаларга ҳам раво кўргувчи миллатмиз. Шу боисдан ҳам Яратган эгам халқимизни ҳеч кимдан кам қилгани йўқ.

Не бахтки, Швейцария сафари охирлаб, энди автобусимизга ўтириб, йўл тадоригини кўра бошлаганимизда Парижга киришга рухсат этилди. Ҳаяжонимизнинг чеки йўқ эди. Пок ниятлар ижобат бўлгуси эди-да!

Автобусимиз йўлга тушди. Франция ҳудудига кириб боришда чегара постида ҳар биримизнинг паспортимизни олиб, ҳужжатларимизни жиддий текширувдан ўтказишди. Мана, ниҳоят, Франция тупроғидамиз.

Албатта, ер юзидаги ҳар бир минтақа ва давлатнинг об-ҳавоси, ўзига хос иқлими бўлиши табиий. Аммо биз сафарга чиққан илк кунларимиздан бошлаб сезганимиз, англаганимиз шу бўлдики, Италия, Швейцария, Франциянинг оби ҳавоси, ўша пайтда-

ги кузи, худди Ўзбекистонимиздаги каби мўътадил ва ёқимли эди.

Францияда ҳаво очиқ. Чор-атрофга маҳлиё бўлганча йўл босиб борар эканмиз, кузнинг аввалида сепилган ғалла майдонлари айнан ўзимиздаги каби майсалаб ётганини кўрдик. Саховатли куз Францияда бутун кўркини, тароватини намоён қилган пайт экан. Дарахтларнинг барглари тилла рангда. Равон йўллардан кетиб борар эканмиз, тоғларга монанд қиялик ва адирлар кўзга ташланади.

Автобусимиз Франция ҳудудидаги биринчи туннелга кирди. Туннелдан чиқишимиз билан кўрганимиз яна қиру адирлар, қалин ўрмон, ям-яшил арчалар, бутазорлар бўлди. Қаршимизда ўркач-ўркач пастак тоғлар кўзга ташлана бошлади. Яна бироз юргач, ҳар икки томонимиз ўрмон билан қопланди. Дарахтларнинг барглари тўкилган, узоқларда элас-элас уйлар, бинолар кўриниб қолади. Франция қишлоқлари бўлса керак, дея тахмин қилдим ўзимча.

Такрор айтишга тўғри келди, Европанинг йўллари ниҳоятда гўзал ва мафтункор, бетакрор табиат мўъжизалари таърифга сиғмайди. Илҳомим келиб ҳамроҳларимга шеърлар ўқиб бердим. Гуруҳимиз аъзоларини ҳушёрликка чорлаб, Парижда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатини ўзимизча муҳокама қилиб, юртимиздаги тинчлик-осойишталик учун

шукроналар айтдик. Яратгандан Францияга қилаётган сафаримиз бехатар бўлишини тиладик. Яхши ниятлар қилдик. Ҳамманинг кайфияти аъло. Йўлда автобусимизга ёқилғи қуйишди, ўзимиз эса тушлик қилиб олдик.

Албатта, иймонли одам Оллоҳ таоло ато этган ризқ-насиба учун шукр қилади. Таомдан айб топиш, уни яхши-ёмонга ажратишни ота-боболаримиз қатъий қоралаганлар. Аммо ёт элларда таом еган ҳар қандай инсоннинг кўз ўнгига беихтиёр она юртининг ноз-неъматлари келади. Қадрдон таъм оғизда пайдо бўлгандек бўлаверади. Шу маънода, таққослайдиган бўлсак, Франциядаги тушлигимиз айрим фикрлар айтишга, ўзбек таомларининг ўрни беқиёс эканини эслашга яна бир сабаб бўлди. Французча питца – ўз тилимизда ифода қилсак, юзига гўшт қўйилиб, қисман сабзавот солиб пиширилган нон. Аммо мазаси бизнинг гўштли нонга асло бас келолмайди. Макарони билан машҳур бўлган италияликлар ҳам, французлар ҳам макарон қовуришни биздан ўрганиб кетса, зиён қилмас экан, деган хаёлга бордим.

Ландшаф – қовурма лағмон ҳам бизнинг қовурма лағмонга тенг келиши қийин. Нон ошхоналарда деярли алоҳида сотилмас экан. Қолаверса, нархи ҳам осмонда денг. Юқорида таъкидлаганимиздек, бир пиёла қуруқ чой 3 евро турса, бошқасини қўяве-

ринг. Яна бир пиёла қайнаган сувни ҳуши келса, текинга беради, феъли айниган чоғда эса "мумкин эмас", деб тўнини тескари кияди, барака топкурлар. Бу ҳақда бироз эзмалик қилишимиздан муддао – мустақил Ўзбекистонимиздаги қут-барака, мазали таомлар, ноз-неъматлар, халқимиздаги меҳру оқибат учун шукрона келтиришдир.

Ўша онларда муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Биз аввало одамлар онгу тафаккурини ўзгартиришимиз керак. Фуқароларимиз чет элларга бориб, у ерлардаги ҳаётни кўришлари, уларнинг яхши томонларини ўрганишлари, юртимиздаги имкониятларга таққослашлари зарур. Ахир, дунё кўрмаган одам қандай ўзгаради, фикрини, дунёқарашини қандай янгилайди", деган маънодаги мулоҳазалари ёдимизга тушди.

Ҳақиқатан ҳам, одамзод табиатидаги бирон-бир қусур ёки фазилатни, турмуш тарзидаги ножоиз ёки маъқул ишларни кўрганидан сўнг инсон ўзига яраша хулоса чиқаради. Яхши жиҳатлардан илҳомланади, унинг кўнглида янги орзу-ўйлар юз очади. Инсон табиатан шундай, яхшини кўрса, яхши бўлгиси келади. Эзгуликларга нисбатан қалбида ҳавас уйғонади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Франция деҳқонларининг ерга бўлган муносабатига, деҳқончилик маданиятига ҳавас қилмасдан иложимиз йўқ. Ғал-

лазорлар майсага бурканиб ётибди. Қаровсиз қолган ернинг ўзи йўқ. Энг ҳавас қиладиган жиҳати – Франция кўчаларида бекор юрган одамга кўзингиз тушмайди. Ҳамма ўз юмуши, ташвиши билан андармон. Инсонлар вақтни беҳад қадрлайди.

Юзлаб километр йўл босиб яна бир нарсага қойил қолдик, катта магистрал йўллар бўладими ёки кичик кўчалар, йўлкалар бўладими, ҳеч ерда тўпланиб ётган хазон, олиб кетилмаган чиқиндиларга кўзимиз тушмади. Атрофи ўрмон билан қопланган бу йўлларни қачон тозалаб улгуришади?

Фермерлар ўз ғаллазорларига тўр симлардан тўсиқ тутишган. Халқимиз таъбири билан айтсак, "Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма".

Швейцариядан Парижгача бўлган масофа 580 километр. Шунча масофада сизга ҳар қадамда тозалик, озодалик, гўзаллик ҳамроҳ бўлиши нақадар дилбар манзара. Яна бир ибратли жиҳати – ёқилғи қуйиш шохобчаларида йўловчилар учун яратилган шарт-шароитлар, супермаркетлар, ошхоналарнинг ишлаб туриши, инсон эҳтиёжи учун ҳамма нарса муҳайё қилингани.

Автобусимиз шу даражада текис йўлга чиқдики, уфқдаги иморатлар ҳам кафтдагидек кўзга ташланади гўё. Тўрткўл тумани ҳокими Ғофиржон Ҳожиев имкон бўлган жойларда ўз фермерлари билан тушиб, французларнинг деҳқончилик маданияти

билан танишди. Экинларнинг ҳолатига, айниқса, озуқабоп лавлагининг ҳолатига ҳавас қилди. Уларни Видеотасвир ва расмга олди. Йўлимизнинг икки тарафида ҳам бир-икки қаватли файзли уйлар учраб турарди. Албатта, бу шу ерлик фермерларнинг уй-жойлари экани кўриниб турибди.

Парижга 300 километр қолганини кўрсатиб турган йўл белгисига кўзимиз тушди. Йўлнинг ҳар икки тарафи чексиз ўрмонзор. Ўрмон бўлганда ҳам, оловранг ўрмон. Юртимизда деярли катта ўрмонлар бўлмагани боис, бундай гўзаллик биз учун беҳад ҳайратланарли эди, албатта. Бот-бот ўрмонзорлар орасида учраб қоладиган кенгликларга ҳам ғалла экилганини айтишди бизга.

Беихтиёр дилимдан "Бунчалар гўзалсан, бунчалар сирли, замин маликаси, лобар Франция?» деган ўй кечди. Яна йўл бўйлаб кўзимизга ташланган, ҳавасимизни келтирган нарса – поёнсиз яйловларда оқ ва жигарранг тусдаги, ўтлаб юрган қорамолларнинг кўплиги. Ниҳоятда бўлиқ ва семиз, ранги тиниқ бундай зотдор моллар яна қаерда бор экан?

Европада кўзга яққол ташланадиган яна бир эътиборга молик жиҳат – шамол электр станцияларининг кўплиги.

Ҳамроҳимиз Олмалиқ шаҳридан келиб сафимизга қўшилган тадбиркор Ойбек қўлидаги телефондан Интернетга кириб, Парижда Бобур номи-

даги кўча борлигини кўрсатди. Албатта, бундан кўксимиз ғурурга тўлди. Биз дунё тамаддунида ўз ўрнига эга, умумбашарий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган буюк зотларнинг авлоди эканимизни яна бир бор эслаб, бу ҳақда фикр алмашдик.

Тангрига беҳисоб шукрлар билан тун парда ёйганда Европанинг маданий пойтахти, Франциянинг юраги, инсоният тамаддунининг гултожи деб эътироф этилган Париж шаҳрига кириб келдик. Тахминан шаҳар кўчалари бўйлаб бир соатлар чамаси юриб, бизга ажратилган меҳмонхона остонасида тўхтадик. Париж шунчалик катта шаҳар эканини тасаввур ҳам қилолмасдим.

Меҳмонхонамиздаги шароитлар яхши эди. Аммо лифтига зўрға икки киши сиғишига қараганда, бу меҳмонхона Париждаги энг қадимий бинолардан бири бўлса керак, деган хаёлга бордим. Лекин хоналари кенг ва ёруғ.

Тонгимиз хуш бошланди.

Кечаси шаҳарга кириб келганимизда ҳам, эртаси ҳам гўё Парижда ҳеч қандай террорчилик бўлмагандек туюлди бизга. Кейинроқ қулоққа чалингани, кўзимиз тушгани сиреналарини тинимсиз чинқиртириб, жуда катта тезликда ўтиб кетаётган полиция машиналари бўлди. Аммо кўча ва майдонларида ҳаёт қайнаб ётибди. Одамлар хотиржам. Автомобиллар тирбанд.

Биз автобусимизга ўтириб, гидимиз Александр бошчилигида Парижнинг диққатга сазовор жойларини айлангани кетдик.

Париж шаҳрининг тарихи икки ярим минг йил наридан бошланар экан. Дастлаб Парижи деб аталган бу кўҳна шаҳар бугунги тараққиёт даражасига келгунга қадар кўплаб талатўпларни, эврилишларни бошидан кечирган. Александрнинг таъкидлашича, XII асрда Париж кўчалари ўта тор, ҳаддан ташқари чиқиндилар билан тўла бўлган. Қирол Август даврида шаҳарда канализация тармоғи барпо этилгунга қадар Сена дарёси ҳам жуда ифлосланиб кетган. XVII асрнинг иккинчи ярмида "Қуёш қоровули" деб ном олган қирол Людовик ўн тўртинчи Парижни дунёга машҳур қилган.

Парижнинг тарихи ҳақида кейинроқ батафсил ҳикоя қиламиз.

Ҳозир эса бугунги Париж ва унинг имкониятлари тўғрисида гаплашсак, бизга берилган маълумотга асосан бугунги кунда Парижнинг ўзида 2,5 миллион одам яшайди. Унинг атрофидаги шаҳарлар билан қўшиб ҳисоблаганда эса бу рақам 11 миллионга боради. Бир йилда Парижга 36 миллион сайёҳ ташриф буюрар экан. Бундан 150 йил муқаддам Париж энди кенгаймайди, деган қарорга келинган, ҳақиқатан ҳам шундай, шаҳар майдони ўзгармасдан келмоқда. Парижнинг ши-

молидан жанубига қадар 9 километр бўлса, ғарбдан шарқига қадар 14 километр.

Мамлакат миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Францияда 64 миллион аҳоли яшайди. Мамлакат бўйича бир йилда 76 миллион сайёҳ келиб кетар экан.

Французлар ўз она тилини ниҳоятда севади, қадрлайди, ардоқлайди. Бу давлатда миллат ажратилмайди. Францияда бўлиб ўтган барча инқлоблар буржуа инқилоблари бўлган. Ҳар қайси Франция фуқароси 700-800 йил аввал ота-боболари эгалик қилган мулкка, агар у давлат жиноятчиси бўлмаса, ҳозирги кунда уларнинг авлодлари эгалик қилмоқда. Бу мулкка ҳеч ким даҳл қилмайди.

Парижда уй-жой ниҳоятда қиммат. 9 квадрат метрдан иборат, эҳтиёж учун зарур барча шароитларга эга бўлган бир хоналик уйнинг бир ойлик ижара ҳақи 700 евро экан. Икки хоналик уйнинг ижара ҳақи минг евро бўлса, уч хоналик уй 1400 евро турар экан.

Айтишларича, Париждаги энг катта Гранд опера балет театрининг остида уч қаватли уй мавжуд эмиш. Бундан ташқари, у ерда катта кўл борлиги ҳам айтилдики, бунга ақл бовар қилмайди.

Сафарда ҳамиша қандайдир саргузаштлар, кутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкинлиги Париж кўчаларида исботланди. Шунча мақтаган автобу-

симиз келиб-келиб шу ерда бузилиб қолса бўладими, денг!

Албатта, биз бундан олдин Эйфель минораси яқинига бориб, расмга тушишга улгурдик. Кейин бола-чақага эсдалик учун арзонроққа ул-бул нарса харид қиламиз, деб шаҳар бўйлаб 5-6 километр пиёда юрдик. Бизга Салора савдо марказида нарсалар анча арзон, дейишди. Афсуски, энг арзон деган атирингиз ҳам 80–100 евродан паст тушмас экан. 45–50 еврога хушбўй сув берар экан, холос. Кейин Асқар, Аҳад билан бирга гуруҳдан ажралиб, ҳам тушлик, ҳам кечки овқатни қўшиб тамадди қилмоқчи бўлиб, ўзимизга маъқул таом қидириб 5-6 та ошхона, кафе, бар, ресторанга кириб чиқдик. Алам қиладиган томони – тил билмаймиз. Бир ошхонада русча таомнома бор экан. Мол гўштидан деб ёзилган бифштексга буюртма бердик. Аммо товуқ гўшти билан қовурилган картошка олиб келиб беришди. Икки чойнак қайнатилган сув, учта ўрамчада қуруқ чой, 200 грамм мева шарбати – ҳаммаси 79 евро бўлди. Қуруқ чойининг ўзи 4 евро турса-я!

Мен тонгда ўзимча хаёл қилиб, бироз маблағ кетса ҳам кечки Парижни кўришимиз кераклиги ҳақида ҳамроҳларим Асқар билан Аҳадга кўнглимни ёрган эдим. Шу боис кечки соат 19:00 да меҳмонхонамизга такси чақириб, гуруҳимиздаги таржимон Акбаралини олиб, тунги сафарга чиқдик.

Париж оқшомининг гўзаллиги ва латофатини сўз билан таърифлаш қийин. Эйфель минорасининг шундоқ тагига бориб расмга тушдик. Аслида мақсадимиз минорани олдида туриб кўриш, томоша қилиш эди. Яқиндагина бўлган террорчилик туфайли минорага сайёҳлар киритилмаётган бўлса керак, деган хаёлга борган эдик. Йўқ, минора атрофида қўлига автомат тутган эркак, аёл полициячилар жиддий назорат қилиб туришган экан. Аммо не кўз билан кўрайликки, Эйфель минорасига кириш учун одамлар навбатда туришарди. Умримизда бир бор пайдо бўлган бу имкониятни қўлдан чиқаргимиз келмади. Таксига жавоб бериб, минорага киришга қарор қилдик.

Киши бошига 11 евродан тўлаб, жиддий текширувдан ўтиб, минорага киришга муваффақ бўлдик. Лифти икки қават бўлиб, 4 тоннаю 200 килограмм юк кўтарар экан. Бир йўла 56 киши кириши мумкин экан. Минорадан 57 метрда ва 115 метрдаги майдончаларда туриб, Парижни томоша қилиш мумкин экан. Биз дастлаб ўзбекона, яъни, осилсанг баланд дорга осил, деган нақлга амал қилиб, 115 метр баланддаги майдончага чиқдик. Бу ерда икки қават кузатув ўрни бор. Биринчиси баландроқ, иккинчиси пастроқ, яъни, очиқроқ, панжара билан ўралган.

Шунча одамнинг бу ёққа қараб интилганича бор экан, Парижнинг улуғворлиги, чексиз чиро-

йини Эйфель минорасидан туриб, айнан, оқшом палласи кузатиш одамга бутунлай бошқача кайфият бахш этаркан.

Беихтиёр, Париж – чироқлар шаҳри, ранго-ранг чироқлар шаҳри, Париж – гўзаллик шаҳри, бетакрор гўзаллик шаҳри, деган хаёлга борасиз. Боқиб ҳайратга тушмаслик, асиру лол бўлмаслик мумкин эмас бундай манзарага. Парижни 115 метр баландликдан кузатиш – унинг бор маҳобатини ҳис этишга асос бўлади. Ана шу юксакликда тураржойлар, санъат кошоналари, ҳам тарихий, ҳам замонавий иншоотлар бор бўйи басти билан кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Париждаги қадимги уйлар 5, 6, 7 қаватли. Аммо улар бир-бирига шу даражада монандки, барчаси биргаликда яхлит бир ансамблни вужудга келтиради. Бир жойнинг ўзида 5, 6, 7 қаватли уйлар бақамти ва ўзаро қилиб қурилмаган. Улар қайси кўчада эканига қараб, бир-биридан анча узоқда жойлашган.

Кейин 57 метр баландликдаги майдончага тушдик. Бу жойда Эйфелнинг ўзини, тарихи ва тузилишини кўриш мумкин экан. Кечаси енгилгина ёмғир ёғиб ўтди. Биз Эйфелни бир олам таассуротлар билан тарк этиб, яна таксига ўтирдик ва Париж кўчаларини кузатдик.

Ваъдага вафо қилган ҳолда, Франция ва Париж тарихи ҳақидаги ҳикоямизни давом эттирамиз.

Франция Республикаси – ғарбда ва шимолда Атлантика океани ҳамда Ламанш бўғози, жанубда Ўрта ер денгизи билан ўралган. Майдони 547,03 минг квадрат километр. Аҳолиси 64 миллион киши, шунинг 96 фоиздан кўпроғи французлар. Пойтахти – Париж шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 22 регион (вилоят), 96 департаментга бўлинган.

Давлат тузуми республикадир. Амалдаги конституцияси 1958 йилда умумхалқ референдумида қабул қилинган. Унга бир неча бор ўзгаришлар киритилган. Давлат бошлиғи президент бўлиб, 5 йил муддатга фақат бир марта сайланади. Парламент розилик берса, яна бир марта сайланиши мумкин.

Франциянинг шарқ ва жануб тарафида тоғ тизмалари, марказий ҳудудининг жанубий қисмида тоғ ва кенгликлар бор. Альп тоғлари билан Юра тоғлари Италия ва Швейцария билан табиий чегарани ташкил этган. Франциядаги Альп тоғларининг кўп чўққиларининг баландлиги 4000 метрдан зиёд. Энг баланд жойи – Монблан тоғи бўлиб, 4807 метрни ташкил этади. Баландлиги 1700 метргача бўлган Юра тоғлари Бельфорт пастлиги томонга Рона дарёси водийлари узра қиялаб боради. Бельфорт пастлигининг шимоли- шарқий томонидан Рейн бўйлаб Франция, Германия чегараси ўтади. Бу жойда баландлиги 1420 метр бўлган Вогез тоғ тизмаси мавжуд.

Франция ва Испания ўртасидаги табиий чегара бўлган Пироней тоғларининг баландлиги Франция томонида, Виньмаль деган жойда 3298 метрга етади. Францияда фойдали қазилмалардан кўмир, темир рудаси, уран, табиий газ, вольфрам ва сурма, тольк хомашёси, қўрғошин, олтингугурт ва рух бор. Нефть ва газ жуда кам миқдорда учрайди.

Мамлакат ҳудудининг 20 фоизи ўрмондан иборат. Иқлими асосан уч хилда: океан, континентал ва денгиз иқлими. Франция иқлими қишлоқ хўжалиги учун қулай. Мамлакатнинг кўпгина ҳудуди океан иқлимига мансуб. Ғарб ва шимолда Атлантика океанидан нам ҳаво оқими келиб, мўътадил иқлим ҳосил қилади. Ҳавоси ёзда салқин, қишда илиқ бўлади.

Париж ҳақида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, бу шаҳар мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази ҳисобланади. У дунёдаги катта ва энг гўзал шаҳарлардан биридир. Айни пайтда у Иль-де-Франс тарихий вилоятининг бош шаҳридир. Сена дарёси соҳилида, иқлими юмшоқ, мўътадил, денгиз иқлими. Январнинг ўртача ҳарорати 3-4 даража, июлники эса 18,8 даража бўлар экан.

Милоддан аввалги VII асрда ҳозирги Париж ўрнида галлар қабиласи яшаган, парижийларнинг Лютеция қишлоғи бўлган. Бу жойлар римликлар даврида йирик савдо маркази бўлиб, милодий III-IV

асрларда Паризия деб аталган (Париж номи шундан олинган). 497 йилдан бошлаб Франк қироллари қароргоҳи бўлиб хизмат қилган.

Париж мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг тўртдан уч қисмини етказиб беради. Саноатининг етакчи тармоқлари машинасозлик (хусусан, автомабилсозлик, электротехника, электроника) ва металлсозлик, самолётсозлик, дастгоҳсозлик бўлиб, бу ерда яна аниқ механика ва оптика буюмлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда ҳарбий саноат ҳам салмоқли ўрин эгаллар экан.

Парижда тайёрланган галантерея ва парфюмерия ҳамда заргарлик маҳсулотлари, тайёр кийимлар, сафар анжомлари, туристлар учун эсдалик буюмлар дунёга машҳур. Тикувчилик, қоғоз, полиграфия, мебель, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати ривожланган. Юқорида айтдик – бу ерга сайёҳлар кўп келади.

Париж – транспорт коммуникацияларининг йирик бўғини, дарё бандаргоҳига эга шаҳар. Бу ердан ўн бир тарафга радиал шаклда тармоқланиб кетган транспорт йўллари икки қатор ҳалқа йўл билан бирлаштирилган. Учта йирик аэропорт бор. Парижда 1900 йилдан буён метрополитен ишлаб келмоқда.

Шаҳар радиал – халқасимон қилиб режалаштирилган. Бир-бирига боғланиб кетган, шаклан ўзига хос ансамблар системаси шаҳар қиёфасига алоҳи-

да кўрку тароват бағишлайди. Парижнинг қадимий маркази Ситео бўлган. Бу ерда готика услубида қурилган Биби Марям ибодатхонаси (Нотрдам, 1163–1257), Сент-Шапель бутхонаси (1243–1248) каби ёдгорликлар сақланган. XVI-XVII асрларда Париж салобатли пойтахт қиёфасига кирган. Кўчалар, майдонлар аниқ режа асосида қурилган. Лувр (1546 йил ва XIX аср ўрталари) Люксембург саройи (1615–21) Сорбонна университети ва унинг ибодатхонаси (1629–53) Ногиронлар уйи (1675-76), Ногиронлар собори (1680–1706), Вогезлар майдони (1606–12), Вальде-Грас монастри (1645–71) қурилган. XVII асрда ва XIX аср бошларида Париж марказида улкан майдон барпо этилган. У Лувр майдонини, Карусель (1806) майдонидаги аркни янги Риволи кўчаси, Тюильри боғи, Елисей майдони, де Голль майдонидаги Зафар Аркаси (1806–37) билан бирлаштирган. Шу районнинг ғарбида тураржой кварталлари жойлашган. У Булонь ўрмонига қадар чўзилган.

Дарёнинг чап соҳилида Пантеон (1758–90), Бурбонлар саройи (XVIII-XIX асрлар), Гранд опера театри биноси (1860–75), Эйфель минораси (1889) қад кўтарган.

XX асрда Парижда замонавий меъморлик услубида Марс майдони (1908–28) Шайо саройи (1936), 1960 йилларда ва 70-йилларнинг бошларида ЮНЕСКО биноси ва бошқа иншоотлар, янги маж-

муалар бунёд этилган. Сена дарёсига 60 дан зиёд кўприк қурилган.

Парижда мамлакатнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари жойлашган. Париж (Сорбонна) университети (XIII аср), Франция коллежи, консерватория, кончилик, санъат мактаблари, қишлоқ хўжалиги институти, Франция институти (таркибида бешта академия мавжуд), музейлар, яна кўплаб маданий-маърифий иншоотлар бунёд этилган.

Аслида Парижни ёки Европанинг бошқа катта шаҳарларини бир-икки кунда айланиб, батафсил маълумот олиш анча мушкул. Бизга бу борада ўзимиз билан бирга олиб олган китоблар, интернет маълумотлари қўл келди.

Биз англаб етган яна бир ҳақиқат шу бўлдики, Европанинг машҳур шаҳар ва қишлоқларининг бетакрор гўзаллиги қанча мафтун этмасин, одамларнинг турфа феълу атвори ҳар қанча қизиқ туюлмасин, муқаддас Ўзбекистонимизга тенг келадиган ўлка ер юзида йўқлигига ҳар қадамда ишонч ҳосил қилиб турдик. Кимники, ниманики кўрсак, уларни аввало она юртимиз одамларига, ўзимизнинг қадрдон манзараларга қиёслаймиз.

Автобусда кетар эканмиз, вақтни, имкониятни бой бермасдан, ҳар бир вилоят вакилларидан бир-икки кишини ёнимга чорлаб, уларнинг ҳаё-

ги, оиласи, касби кори, бугунги амалий ишлари ҳақида суҳбатлашдим. Сафаримиздан 6 ой ўтиб, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманига бориб ҳам келдим. Шу боис сафар таассуротлари орасида ўрни билан ана шу суҳбатлардан олган таассуротларимни ҳам келтириб ўтсам, ажабланмагайсиз.

Мана, ниҳоят, учқур тулпоримиз – автобусимиз ҳам "дарддан фориғ" бўлиб, биз Париж билан хайрлашмоқдамиз.

БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИ САРИ ЮЗЛАНГАНДА

Автоуловимиз Франциядан Бельгияга қараб йўлга тушди. Одатдагидек йўл бошида яна жиндак шеърхонлик, самимий тилаклар бўлди. Юрт соғинчи, дарёдил, заҳматкаш халқимизнинг фазилатлари ва айни пайтда ёт элларда шу халқнинг вакили бўлган биз – сафардошларнинг масъулиятимиз ҳақида гаплашдик.

Биз она диёримизда 40 даражадан зиёд жазирама иссиқларни, қовжираб ётган ўт-ўланларни кўраверіб ўрганиб кетганимиз учун Европанинг мўътадил иқлими, ҳамиша ям-яшил экинзорлари, қир-адирлари бизнинг қалбимизда гўзал ҳиссиётлар уйғотар эди. Биз – доим баҳорни соғиниб, яшилликдан завқ олиб яшаган халқмиз.

Бельгия йўлларида ҳам шундай таниш манзара – икки тарафи ўрмон, ям-яшил буғдойзорлар, бепоён далалар. Ундириб қўйилган экинларни кўриб бир умр ерга, деҳқончиликка меҳр қўйиб, шундан маъно, ҳикмат излаб яшаган инсонлар албатта қувонади, ҳайратга тушади. Худди кинолардагидек, қирлар бағрида кўзни қувонтирадиган даражада бўлиқ, чиройли чорва моллари ўтлаб юрибди. Бирон-тасининг устида гард бўлса қани! Бамисоли хонлар кўригига олиб бориш учун тайёрлаб қўйилгандек!

Умуман, Европада чорва ривожи учун Худойим шу даражада қулай шарт-шароит яратиб қўйганки, ҳайвонлар ҳаётида бундайин батартиблик, бундайин сокинлик, бундайин нафосат бўлишидан ҳайратга тушасиз. Гўёки бутун Европа ҳамжамияти сингари ҳайвонлар ҳам улкан маърифий тараққиётга эришган. Ҳар сафар маълум бир масофа босиб ўтилганидан сўнг дала бошида фермерларнинг турар жойлари, молхоналари кўзга ташланади.

Ҳар бир давлат ҳудудига ўтганимизда, Европадан дала маданияти, йўл ва инфратузилмалар қурилишини ўрганиш керак, Европадан табиатга уйғун бўлиб, табиатни, неча минг йиллик анъаналарни асраб-авайлаб яшашни ўрганиш керак, деган фикр кўнгилга қаттиқ ўрнашди. Афсуски, собиқ шўро тузуми даврида бизга бунинг мутлақо тескарисини ўргатишди.

Шундай ўй-хаёллар билан кетиб борар эканмиз, кутилмаганда яна автобусимиз бузилиб қолса денг. Кўз тегдими, нима бало! Аксига олиб ёмғир ёға бошлади, бу ҳам етмагандек, кучли шамол эсиб турибди. Ташқарига чиқиш мумкин эмас, қолаверса, катта трасса, машиналар ўқдек елиб ўтиб турибди. Ҳаво очиқ бўлганида ҳам шу аҳвол – машиналар шу даражада кўпки, кўз очишга улгурмайсиз. Гуруҳимиздаги 37 кишида ўттиз етти хил фикр денг. Кимнинг асаби бўшроқ, ким дўлвори... Хуллас, турли феъл-атворга эга одамлар. Аммо ҳаммамизда бир мақсад – Европасиям бор бўлсин, тезроқ сафарни тугатиб уйга қайта қолайлик.

Ниҳоят, Яратганнинг инояти, гуруҳимиз раҳбари ва ҳайдовчиларимизнинг узлуксиз қўнғироқларидан кейин роппа-роса тўрт соат ўтиб, икки қаватли замонавий автобус "мана, биз хизматга шаймиз" дегандек, қошимизда ҳозиру нозир бўлиб турибди-да. Шивалаб ёғаётган ёмғир остида юкларимизни янги уловимизга ўтказдик ва яна йўлга тушдик. Кечки соат 20:00 да Антверпен деб аталадиган бандаргоҳ шаҳардаги TRYP меҳмонхонасига етиб келдик. Меҳмонхона ниҳоятда гўзал, улуғвор, шароитлари аъло даражада. Ҳамюртлар жаҳлдан тушган. Асаблар бироз тиниққан.

Телевидениедан берилган хабарга кўра, ўша кунлари Бельгияда ҳам бироз нотинчлик ҳукм сураёт-

ган экан. Террорчилик хавфи юқори бўлгани учун Бельгияда бўлиши кутилаётган футбол бўйича Португалия-Бельгия терма жамоалари беллашуви бекор қилинибди. Оллоҳнинг марҳаматини кўрингки, биз Париждан чиқиб кетишимиз билан бу шаҳарда етти жойда портлаш содир бўлибди.

Биз соғ-омон юрганимиз, юртимиздаги тинчлик-осойишталик учун Яратганга шукрлар айтиб, яна тонгда нонушта қилиб йўлга тушдик. Автобусимиз янги, тўрт қаторли йўллар текис ва равон бўлгани боис аъло кайфият билан кетиб боряпмиз. Ёнимга Очил ака Саидов келиб ўтирди. У киши Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасида ишлайди. Ўғли Фахриддин 15 йилдан буён Берлинда хизмат қилади. Қизи Германияда ўқийди.

Очил ака йўллардаги улуғворлик, кенглик, транспорт қатнови учун яратилган имкониятлар ҳақида ҳавас билан гапирди.

Кутилмаганда полиция ходими тўхтатди. Билсак, автобусимиз бошқа йўлга ўтиб кетган экан. Бизни тўғри йўлга солиб юборишди.

Мана, Бельгияга кириб келяпмиз. Ҳаво булут, тунд. Европанинг пойтахти ҳисобланмиш Брюссель шаҳрида ҳам иморатлар, иншоотлар, кўп қаватли уйлар бир-бирига монанд қилиб қурилган, шаҳар архитектураси ўзига хос. Аммо кўчаларида улкан дарахтлар йўқ ҳисоби. Борлари ҳам навниҳол.

Йўллар тирбанд, одамлар ўз ташвишлари билан андармон. Онда-сонда, дарахтлар қалин жойларда хиёбонлар учрайди.

Шаҳар маркази тоза, кўркам. Европанинг биз кўрган аксарият шаҳар марказларидаги каби бу ерда ҳам трамвай қатнови бор.

18 ноябрь, соат 10-00 да Ўзбекистонимизнинг Бельгиядаги элчихонаси биноси қаршисидамиз. Элчихона олдида ҳилпираб турган давлатимиз байроғини кўриб ниҳоятда мамнун ва масрур бўлдик. Кўзимизга оловдек кўринди. "Ана, Ўзбекистон байроғига етиб келдик", деган хитоблар янгради.

Бизни, яъни гуруҳимиздан 20 га яқин кишини Ўзбекистон Республикасининг Бельгия ва Голландиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Норов қабул қилди.

Элчи билан мулоқотимиз бир соатдан зиёд давом этди. Ниҳоятда самимий, чин дилдан, кўнгилларда, кўзларда, юзларда ватандошлик муҳаббати балқиб, ҳар биримизнинг қалбимизда мустақил Ўзбекистон бор улуғворлиги билан юз очиб суҳбат қурдик. Аввало, элчи жаноблари муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 90-йиллардаёқ Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг истиқболини кўра олганини, қатъий қарорлар қабул қилганини, юртимиз фермерлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда, албатта, дунёнинг

ривожланган мамлакатлари тажрибасидан ўрганишлари зарурлигини кўп бор таъкидлаганини эслаб ўтди. Бизнинг бу сафаримиз ана шу даъватнинг яна бир хайрли натижаси эканини уқтирдилар.

Владимир Имомович Норов Европа, хусусан, Бельгия, Голландия, Нидерландия давлатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос, айни пайтда бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган жиҳатлар мавжудлиги ҳақида гапирди. Айниқса, Бельгияда ҳам, Голландияда ҳам бир гектар ердан ўртача 20 минг евро, айрим фермерлар 30 минг еврогача даромад олар экан. Ҳеч ким умрини далада шунчаки ўтказмас, 50-60 гектар ерга ота-бола ва биргина ёрдамчи қарар экан. Барча иш механизациялаштирилган, барча жараён компьютерда назорат қилинади. Тасаввур қилинг, ҳудудий майдони кичкина бўлган биргина Бельгиянинг ўзи 27 миллиард еврогача қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспорт қилар экан.

Маҳсулотлар етиштириш фақат замонавий технологиялар асосида олиб борилади. Чорва маҳсулотлари етиштиришни олсак, битта соғин сигирдан 40-50 литргача сут олинар экан. Бу ерда ҳатто моллларнинг елинини ювиш ҳам автоматлаштирилган. Сигир жониворга қандай витамин, қайси озуқа зарурлигини компьютер кўрсатиб туради. Таъбир жоиз бўлса, моллар – иззатда, компьютер техноло-

гиялари – хизматда, фермер эса жаннатда юргандек. Моллар мультивитаминларигача олади, кутилиши мумкин бўлган барча касалликларга қарши олдиндан эмланади. Ветеринария хизмати шу даражада яхши йўлга қўйилганки, иштахаси бироз бўғилган молнинг ҳолати ҳам ойнадагидек кўриниб туради.

Кишини ҳайратга соладиган яна бир жиҳати – бутун дунёга экспорт қилинадиган гулларнинг 60 фоизи Голландияда етиштирилар экан. Шунингдек, Голландия картошка етиштиришда ҳам ўз тажриба мактабига эга. Шу боис ўзбекистонлик фермерлар ҳам бир неча йиллардан бери Голландиядан келтириладиган картошка уруғини орзиқиб кутиб туришади.

Бу борада Бельгиянинг тажрибасидан ҳам ибрат олса арзийди. Аввало шуни айтиш керакки, Бельгияда 60 дан 70 минг гектар ергача ҳар йили картошка экилади. Бир гектар ердан ўртча 40-50 тоннадан ҳосил олинади. Ҳар йили ушбу давлат миқёсида 2,5-3 миллион тонна миқдорида картошка етиштирилади. Шунинг 0,8 миллиондан 1,1 миллионигача бўлган қисми Европа мамлакатларига экспорт қилинади.

Бундай ютуқлар биринчи навбатда илм-фан натижаларига асосланган. Бу борада айниқса, Люксембург провинциясидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, картошка етиштириш бўйича

илғор тажрибаларни оммалаштириш илмий маркази фаолиятини намуна қилиб келтириш мумкин. Бу дарғоҳда жами 30 киши меҳнат қилади. Улардан 10 таси картошка етиштириш бўйича илмий ходим, 3 киши агроном, 1 киши муҳандис-техник, 6 киши техник ва бир одам ишчи.

Бор-йўғи шунчагина инсон бутун мамлакатда картошка етиштириш бўйича барча муаммоларнинг ечимига жавоб беради ва буни аъло даражада уддалайди.

Бельгиядаги 1950 йилда ташкил этилган мева ва сабзавот билан ҳам ялпи, ҳам аукцион орқали савдо қиладиган «Belorta» компанияси фаолияти ҳақида янада катта мамнуният билан гапириш мумкин. Кейинги йилларда мазкур компания дунёнинг Франция, Германия, Нидерландия, Россия, Япония, Канада, АҚШ каби мамлакатларига қарийб 400 миллион евро қийматидаги маҳсулотларни, яъни Бельгиянинг 60 фоиз маҳсулотини экспорт қилмоқда.

Бу компанияга аъзо бўлишнинг ҳам ўзига хос талаблари бор экан. Фермер 125 еврога компаниянинг фақат 5 дона акциясини сотиб олиши мумкин. Умуман, акция миқдори 20 донадан ошмаслиги керак ва шартнома фақат бир йилга тузилади. Компаниянинг ҳозирги вақтда фермерлардан 1500 нафар аъзоси бор. Улар маҳсулотни аукцион орқали сотиб олади. Фермер ҳеч нарсага қўлини урмайди, фақат

маҳсулот етказиб беради. Маҳсулот тайёр бўлганида, компания ходимлари келиб ўзлари уни саралайди, ўзлари жойлайди, ёрлиғини ўзлари ёпиштиради. Бир сўз билан айтганда, фермерга пулини санаб беради ва барча ишни ўзи бажаради. Ушбу ташкилотда 367 киши ишлар экан. Айни пайтда «Belorta» Бельгия бозорларининг 80 фоизини назорат остига олган. Бозорнинг бир компания томонидан бу даражада забт этилиши асосида ҳалоллик, аъло сифат, қатъий интизом мужассам эканига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Яна бир қувончли томони шундаки, мазкур компания раҳбарлари Ўзбекистон фермерлари билан ҳам ҳамкорлик қилишни назарда тутганлар. Шу боис фермерларимиз улар фаолиятини кенгроқ ўрганиб, айни пайтда сифатли маҳсулот етиштириб, дунё бозорига чиқишлари учун барча имконият мавжуд.

"Иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш бўйича ҳам Бельгия тажрибасини Ўзбекистонда оммалаштириш зарур, – деди элчи жаноблари. – Чунки бизда 1 гектар иссиқхонада 150 тонна помидор етиштирилса, Бельгияда 700 тонна етиштирилади. Бундан ташқари, помидор уруғи етиштириш ҳам аъло даражада йўлга қўйилган. Бир килограмм помидор уруғи 10 минг еврога сотилади. Бу бир килограмм олтин баҳоси билан тенг дегани. Бельгия-

да иссиқхонада етиштирилган барча экин турлари асосан сизот сувлари билан суғорилади. Оқава сувдан бу сувнинг фойдаси бир неча баробар кўплиги исботланган. Кейин улар экин гулга кириш арафасида, албатта, иссиқхона устига асалари уясини қўйишади. Хуллас, ўрганса, ибрат олса бўладиган жиҳатлари талайгина".

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Фермерлар кенгаши қошида Владимир Норов нодавлат-нотижорат ташкилот шаклида ташкил этилган Ахборот инновацион марказ ва унинг раҳбари Мирзоҳид Йўлдошев томонидан кейинги йилларда амалга оширилаётган хайрли ишлар, яъни ўзбекистонлик фермерлар, ишбилармонларга, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида унинг ўзи бош бўлиб чет элга олиб келаётганини маъқуллади ва таҳсинга лойиқ, деб баҳолади.

Тўрткўл тумани ҳокими ва бошқа бир нечта ҳамроҳларимиз ўзларини қизиқтирган саволлар билан Владимир Норовга мурожаат қилишди ва берилган жавобдан биз ҳаммамиз ниҳоятда қониқиш ҳосил қилдик. Элчининг фикрларини умумлаштириб айтиш мумкинки, Ўзбекистон фермерлари, ишбилармонлари бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мрзиёев талаб қилаётганларидек, чет элга шунчаки саёҳат учун эмас, иш ўрганиш учун боришлари керак. Аввало, дунёга чиқмоқчи бўлган,

замондан, тараққиётдан ортда қолмайман, деб олдинга интилаётган ҳар бир ҳамюртимиз хорижий тилларни билиши зарур экан. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам, саноат тизимида ҳам ҳар бир ҳаракатни илмий асосда олиб бориш кераклиги тобора ўткир заруратга айланмоқда.

Бельгияда ер сотилмайди. Фермер тўғри келган одамга ерни бериб қўймайди. Ўзбекистонда собиқ мустабид тузум даврида ҳамма қишлоқдан қочарди. Ҳозир давлатимиз шу даражада шароитлар яратиб, намунавий уй-жойлар барпо этиб, маданий-маърифий спорт иншоотларини қуриб, қишлоқни шаҳар билан қарийб тенглаштириш учун катта ишлар олиб бормоқдаки, энди ҳеч ким қишлоғини ташлаб, бошқа жойдан ҳузур-ҳаловат истамайди.

Аммо аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни касби корга ўргатиш борасида ҳозирги кунда ташаббускор, замон билан ҳамнафас, ўқиган, уққан, зийрак фермер ва тадбиркорлар, ишбилармонлар зарур бўляпти. Ўзбекистон иқлимида етиштирилган маҳсулотлар билан бутун дунёни ҳайратга солиш мумкин. Бунинг учун фақат ва фақат ақл билан, илмга асосланиб иш тутиш кераклигини Европа тараққиёти яна бир бор исботлади.

Голландияда ҳар гектар ердан Европанинг бошқа мамлакатларига қараганда икки баробар кўп ҳосил олинар экан. Бир дона помидор уруғини ерга

қадашдан олдин у кунлаб текширилади, ерга ҳеч қачон пуч уруғ экилмайди. Шу боисдан ҳам бир гектар ердан 30 минг еврогача даромад олинади. Европада етиштириладиган гулларнинг 65 фоизини Голландия экспорт қилади. Сизот сувидан фойдаланиш ҳақида гапирдик. Чунки сизот суви табиий фильтрланган бўлади.

Эсингизда бўлса, бир вақтлар Ўзбекистонда баъзи хўжаликлар ерларида корейс миллати вакиллари пиёз экиб, гектарчилик деб аталган шаклда хўжалик ишини юритар эди. "Нима учун сизлар бир гектар ердан 80–100 тонна пиёз оласизлар-у, бизда бунинг имконияти йўқ", деган саволга улар ўша пайтда бундай деб жавоб берган экан: "Ер бор, сув бор, қуёш бор, фақат ишлаш керак".

Албатта, кўп нарсани фақат ишлаш омилига боғлаб қўйиш адолатдан эмас. Ақл-идрок, билим, ерга муҳаббат, ҳалол меҳнат асосидаги ишбилармонлик ҳам бу борада ҳал қилувчи ўрин тутади.

Бельгия ва Голландиядан балиқ етиштириш бўйича ҳам кўп нарса ўрганиш мумкин. Сизларнинг бу ташрифингизни қўллаб-қувватлаган ҳолда, айтган бўлардимки, деди элчи жаноблари, иш ўрганиш, тажриба алмашиш учун 30-40 киши эмас, 4-5 киши бўлиб келиш айни муддао бўлади. Шунда кутилган мақсадга эришилади.

Ростн, биз элчимиз Владимир Норов ҳузурида бир олам таассурот, қониқиш ва ифтихор туйғуси билан чиқдик. Ғайрату шижоат билан янги манзил сари йўл олдик. Инсон қанча кўрса, кўпроқ кўрса, шунча кам билишини англайди. Муборак ҳадисларда бежиз "Бешикдан қабргача илм изланг", "Чинга бориб бўлса ҳам илм изланг", "Бир кунлик илм қирқ кунлик ибодатдан афзал", деган ҳикмат ва ҳақиқатлар алоҳида таъкидлаб айтилмаган.

Маълумки, аслида меҳнат қилишдан мақсад – яхши яшаш, ҳеч кимга қарам бўлмаслик, қашшоқликда қийналмаслик. Айни пайтда меҳнат азобга айланиб кетмаслиги лозим. Қачонки ақл ўрнини жаҳолат, қаноат ва шукроналик ўрнини очкўзлик эгалласа, меҳнат роҳат эмас, машаққатга айланади. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Биз Европа ишбилармонлари ҳаёти, иш йўсини билан танишиб, чиқарган хулосамиз шу бўлдики, ақл-идрок, маърифат билан иш тутган одам кам меҳнат қилиб, кўп ҳосил олиши мумкин экан.

Келинг, анъанамизга мувофиқ, қадрли ўқувчи, Бельгия қироллиги ҳақида суҳбатлашайлик.

Бельгия қироллиги – Ғарбий Европадаги давлат. У Шимолий денгиз соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан уч регионга, регионлар вилоятлар (провинция)га, вилоятлар коммуналарга бўлинган.

Майдони 30,528 минг квадрат километр. Аҳолиси 10 миллиондан зиёд.

Амалдаги Конституцияси 1831 йилда қабул қилинган ва ўша пайтдан бери унга кўп ўзгаришлар киритилган (охирги марта 1998 йилда). Давлат бошлиғи – қирол, унинг ҳокимияти чекланган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва парламент амалга оширади. Икки палатали парламент тўрт йил муддатга сайланади. Вакиллар палатаси 150 депутатдан ва Сенат 72 нафар аъзодан иборат. Ижрочи ҳокимиятни қирол ва у томондан тайинланадиган ҳамда парламентга ҳисобот берадиган ҳукумат (Вазирлар Кенгаши) амалга оширади, унга Бош вазир раҳбарлик қилади.

Бельгия ҳудудининг аксарият қисми пасттекисликдан иборат бўлиб, шимолий ғарбдан жанубий шарққа томон кўтарилиб боради. Энг баланд нуқтаси – Ботранж чўққиси (694 метр). Соҳил яқинидаги қум уюмлари ва дамбалар серҳосил экинзорларни денгиз сувидан ҳимоя қилади. Бу ўлкада тошкўмир, қурилиш материаллари, жумладан, мармар, кам миқдорда темир ва полиметалл рудалар, сурма каби фойдали қазилма бойликлар мавжуд. Иқлими мўътадил, денгиз иқлими январь ойида ўртача ҳарорат 3-4 даража, июлда 18-19 даража. Йиллик ёғин миқдори 700–1500 миллиметр. Йирик дарёлари Маас, Шельда, Изер. Улар бир-бири билан ка-

паллар орқали туташтирилган. Бельгия ҳудудининг 18,7 фоизи ўрмонзордир.

Аҳолиси миллий таркибига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади: фламандлар 58 фоизни, валлонлар 32,5 фоизни ташкил этади. Бельгияда 1 миллионга яқин ажнабийлар – итальян, испан, француз, греклар, голландлар, марокашликлар, турклар яшайди. Аҳолисининг 96,5 фоизи шаҳарда истиқомат қилади. Расмий тили – француз, нидерланд ва немис тили. Диндорларнинг аксарияти католиклар. Йирик шаҳарлари: Брюссель, Антверлен, Пьеж, Гент, Шарлеруа.

Иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилинса, Бельгия дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар гуруҳига киради.

Мамлакат саноатида маҳсулотнинг техникавий даражаси юксаклиги жаҳон бозорида унинг рақобатдошлигини таъминлайди. Саноатда янги технологияларни жорий этишга, экспортни рағбатлантиришга, кичик ва ўрта корхоналарни жалб этишга алоҳида эътибор берилади.

Металлсозлик, машинасозлик, айниқса, автомобилсозлик (йилига 1 миллиондан ортиқ автомобиль ишлаб чиқарилади), кимё, электротехника, электрон, бинокорлик материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, заргарлик (олмосга ишлов бериш) энг ривожланган саноат тармоқлари ҳисобланади.

Меҳнатга яроқли аҳолининг атиги 3 фоизи қишлоқ хўжалигида банд. Бу – бир деҳқон 80 кишини боқади, деганидир. Ўрта ва майда фермер хўжаликлари (90 мингта) қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этади, бир хўжаликнинг ўртача ер майдони – 15 гектардан иборат. Етакчи тармоқ чорвачилик бўлиб, у бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70 фоизини етиштириб беради. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари – буғдой, арпа, сабзавотдан иборат. Кўпчилик маҳсулот турлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ички эҳтиёжни 1,5–2 баробар ортиғи билан таъминлайди. Етиштирилган сабзавотнинг 80 фоизи четга чиқарилади: ромен салати дунёнинг 40 мамлакатига сотилади. Четга чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари орасида ғалла ва мева асосий ўрин тутади. Бир сўз билан айтганда, бельгияликлардан саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам жуда кўп нарса ўрганса арзийди.

Энди Брюссель шаҳри ҳақида фикр юритсак. Брюссель – нафақат Бельгия, балки 28 та давлатни бирлаштирган Европа Иттифоқи пойтахти ҳамдир. У Брабант провинциясининг маъмурий маркази ҳам ҳисобланади. Сенна дарёси бўйида жойлашган бу шаҳарнинг аҳолиси қарийб 1,22 миллион (1995 йилги маълумотга кўра) кишини ташкил этади,

асосан фламанд ва валлонлар, кўпчилиги католик динига эътиқод қилади.

Брюссель – XI аср йилномаларида илк бор тилга олинган. Ўшанда у Лувен графлари қароргоҳи бўлган. XII асрдан бошлаб Брабант тарихий вилоятининг асосий иқтисодий марказига айланган. XIV асрдан 1830 йилгача бир қанча давлатлар таркибида бўлган, 1830 йилдан буён Бельгия қироллиги пойтахтидир. 1914–18 ва 1940–44 йилларда Брюсселни немис-фашист қўшинлари оккупация қилиб олган. 1949 йил сентябрда Америка-Англия қўшинлари Брюсселни озод қилган. 1967 йилдан бошлаб Брюсселда Европа иқтисодий кенгаши ва Бенилюкс марказий органи, НАТО кенгаши ва унинг Европадаги бирлашган Қуролли кучлари олий бош қўмондонлигининг бош қароргоҳи жойлашган.

Брюссель – Бельгиянинг энг катта шаҳри, асосий саноат ва молия маркази, муҳим транспорт йўллари туташган бўғин. Шаҳарга ўндан ортиқ темир йўл тармоғи кириб келади. Бу ерда халқаро аэропорт бор. Брюссель каналлар орқали мамлакатнинг йирик денгиз порти – Антверпен ва саноат маркази – Шарлеруа билан боғланган. Брюсселда машинасозлик (транспорт машинасозлиги, электротехника ва айниқса, аниқ асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ривожланган), кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, матбаасозлик, мебель саноати,

ҳунармандлик (гиламчилик, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва бошқалар) тараққий топган. Бу ерда Қироллик академияси (1772 йилда ташкил топган), университет (1834 йил), Лувен католик университети, География институти ва бошқа олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, обсерватория (1827 йил), Ботаника боғи, Санъат академияси, Қироллик кутубхонаси (1837 йил), музейлар, театрлар фаолият кўрсатади. Брюсселда жаҳон санъат кўргазмалари ўтказилади. Шаҳар марказида Гудула собори (1220–1500) каби кўплаб тарихий меъморий бинолар сақланиб қолган.

Брюсселдан чиқиб, боғдорчилик ва кўчат етиштиришга ихтисослаштирилган "Каролис" компанияси томон йўлга тушдик. Бельгия қишлоқларида ҳам биздаги каби намунали тураржой бинолари кўп экан. Аммо уй-жойлар бир хил, икки қаватли, меъморий тузилишига гап йўқ. Қишлоқ кўчаларида ҳам пиёдалар учун йўлаклар қилинган ва алоҳида рангли плиткалар ётқизилган. Шу йўлаклар ёнида ёмғир суви учун ариқчалар қилинган. Ҳар бир хонадон олдида гулзор, яшиллик, ҳеч бир ҳовли девор билан ўралмаган. Уйлар кўчага туташ, эшик бор-у, девор йўқ. Ўта ўзига хос, мафтункор, дид билан қурилган қишлоқларки, уларни шаҳардан фарқлашнинг ўзи мушкул. Уйлар гўзаллиги, шинамлиги, дизайни ва ташқи кўриниши билан бир-бирини тўлдиради.

Мана шундай ҳайрат ва ҳавас оғушида "Каролис" компаниясига етиб келдик. Бир туп кўчат 5 доллар, уйга етказиб бериш учун яна 75 цент қўшилар экан. Бир гектар олмазордан ўртача 60 тонна ҳосил олинар экан. Нокларнинг бўйи 2,5-3 метр. Улар 20-30 йиллик бўлса ҳам, ортиқча шохлаб, тарвақайлаб кетмаган. Табиийки, бу ерда ғаллазорлар суғорилмайди.

Компаниянинг аввал кўчатлар сақланадиган омборларини, кейин 10–15 километр йўл босиб, кўчатзор плантацияларни, боғларни кўрдик. Гилос, олма, нок кўчатларининг барча туридан бор. Ҳар бир иш расамади билан, жой-жойига қўйиб қилинган. Бу ишларга фақат ҳавас билан боқасиз. 18 ноябрда ҳам 10 йиллик олма тупларида шиғил мевалар борлигини кўрдик. Мезбонларнинг таъкидлашича, булар майдалари, яъни, териб олмаса ҳам бўладигани эмиш. Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик маданияти, тан олиш керак, бу юртда биздан анча олдинда. Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ билан шаҳар ўртасида деярли фарқ йўқ. "Центрайдан" деб аталадиган шаҳарчада 40 минг аҳоли, шу номдаги қишлоқда ҳам шунча одам яшар экан. Аммо, қишлоқда 3 та автосалон бор экан.

Боғларни, кўчатларни кўриб бўлгач, яна компания ҳовлисига келдик. Бир гуруҳ интенсив боғ яратиш ниятида бўлган фермерларимиз "Каролис"

компанияси раҳбарияти билан шартномалар тузишди.

Йўлда яна кўзимизга ташлангани эмин-эркин ўтлаб юрган чорва молларининг семизлиги, бўлиқлиги ва хотиржамлиги бўлди. Албатта, бу яшиллик ичида моллар учун барча зарур шароитлар бор, деб ўйлашимиз мумкин. Аммо уларга бериладиган ем, дори-дармон, назорат алоҳида бир мавзу.

Мен, гарчи ижод аҳлига мансуб бўлсам ҳам, фермер ва тадбиркорлар гуруҳида бўлганим учун ҳамма нарсага уларнинг кўзи билан қарай бошладим. Шунинг учун, азиз ўқувчим, шунча гўзаллик ва афзалликни кўрибсиз, қани шеър, деб каминани ёзғирмагайсиз. Кўрганларим олдида менинг шеърий қобилиятим ҳам ожиз бўлса, найлайин, не чора айлайин!

Компания вакиллари бизни торт, турли хил пиширикlар, ширинликлар, кофе билан меҳмон қилишди. Эсдалик учун расмга тушдик.

Биз яна ўзимиз кўниккан, кўзимиз ҳам, кўнглимиз ҳам ўрганиб қолган ўрмону яшиллик салтанати қуршовидаги йўлларни босиб, қуёш уфқ ортига бош қўйган маҳалда Голландиянинг Гога шаҳридаги меҳмонхонага келиб тушдик. Бу меҳмонхона шу пайтгача турган меҳмонхоналаримизнинг энг аълоси экан. Ҳамроҳларим Аҳад, Асқар билан тунги шаҳарни кўриш ҳамда овқатланиш мақсадида 1,5-2

километр юриб ошхона қидирдик. Бир ошхонага кирдик. Битта ликобчада озроқ димлаб пиширилган мол гўшти, бир тақсимчада қовурилган картошка, яна бирида салат, помидор, хуллас, барчасининг баҳоси 30 евро бўлди, бир шиша қизил вино ҳам шу нархда. Овқатланиб чиққанимиздан сўнг меҳмонхонамизни йўқотиб қўйсак бўладими. Адашиб бошқа тарафга кетиб қолганимиз боис бир соатлар чамаси сўраб-суриштириб, ётоқ жойимизни аранг топиб келдик денг.

Шаҳарда велосепед учун алоҳида, пиёдалар учун алоҳида, бир-биридан ранг билан ажратилган йўллар мавжуд. Биз аҳамият бермасдан, велосепед учун ажратилган йўлакдан кетаётган эканмиз, бир аёл тўхтаб, танбеҳ берди.

Биз Гога шаҳридан эрта тонгда, нонуштадан сўнг яна йўлга отландик. Йўл бўйи бир иссиқхонага кирдик. Аввал залда йиғилиб, шу компаниянинг мутахассисларидан бири билан мулоқот ўтказилди. Компаниянинг номи Livings Eone ven tures бўлиб, Голландия ва Болқон мамлакатларида минг гектардан зиёд ерда иссиқхоналари бор экан. Улар Ўзбекистонда бўлишганини, бизнинг иқлимимиз, айниқса, қуёшли бўлгани учун уларнинг иссиқхонасига мослигини айтишди. Фақат бироз сув муаммоси борлигини ҳам эслатиб ўтишди.

Иссиқхонани қуришда асосан илмий ёндашиш зарурлигини таъкидлашди. Ўзбекистонда бунинг имконияти борлигини, бизнинг Россия билан яқин ҳамкорлигимиз, ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган Осиё бозори яқинлиги, етиштирилган маҳсулотларни сотишни такомиллаштиришда қулайлик туғдиришини мамнуният билан таъкидлашди. «Биз сизларга ўргатамиз, сизлар бошқаларга... Биз 72 фоиз сувдан фойдаланамиз. Бу масала ечимини топса бўлди. Биз ҳамкорлик қилишга тайёрмиз», дейишди улар.

Яна ифтихор билан билдирган фикрлари шу бўлди: "Ўзбекистон бозорларининг мафтунимиз. Сизларда имконият бор. Биз Ўзбекистондаги Аграр университети билан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. У ерда бўлганмиз".

Биз уларнинг иссиқхоналари фаолияти билан яқиндан танишдик. Ҳар бир ҳаракат компьютерлаштирилган. Помидор, бодринг дейсизми, гуллар дейсизми, барча экин турларининг ҳолати аъло даражада. Аммо бу ишлар учун жиддий маблағ талаб қилиниши шундоққина аён бўлиб турибди.

Одатда инсон кўпчилик бўлиб йўл юрганидан кейин ҳар куни, ҳар соатда турли хил яхши-ёмон ҳодисаларга рўбарў келаверади. Албатта, мақсадимиз сафаримизда дуч келган майда-чуйда йўл можаролари билан бошингизни оғритиш эмас. Аммо шу нарса аёнки, инсоннинг кимлигини

билмоқчи бўлсанг, сафарга чиқиб кўр, дейдилар. Яхши кунларда, нуфузли давраларда, тўю томошаларда, тўкин дастурхон атрофида барча ўзини рисоладагидек тутишга интилади. Бундай пайтда кимнингдир қусурини англаш бирмунча мушкул, албатта. Аммо сафарда бошингизга бирор иш тушса борми, яқин дўстингман, деб юрганларнинг ички дунёси, таъбир жоиз бўлса, кимнинг кимлиги ўз-ўзидан яққол намоён бўлади. Иродаси суст кимсалар бундай дамларда асл башарасини яшира олмайди. Мана шундай пайтларда беихтиёр улуғ шоир оғамиз Расул Ҳамзатовнинг "Кам сонли халқ бўлсангиз ҳам фикр айтишда майдалашманг", деган ўгити ёдга тушади.

Кейинги манзилимиз Шеренгор деб аталадиган курорт шаҳри бўлди. Энг муҳими, биз учун, яъни, денгиз кўрмаганлар учун, рости, кутилмаган совға бўлди бу. Шимолий денгиз шу қадар улуғвор, улкан, бепоён, уфқ билан туташиб кетган, беҳудуд бир уммон экан. Денгиз бўйига тушиб, қумлар кечиб расмга тушдик, ҳайрату ҳаяжонимиз чексиз эди. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Айтишларича, Шимолий денгиз мисли океан экан. Таржимонимиз Акбарали денгизнинг у томонидан Англия ҳудуди бошланишини айтди. Ҳамроҳларимиздан бири – Тўрткўллик тадбиркор Эргаш ака шунча кундан бери автобусда юрганимизга шама қил-

ди, шекилли, "у томонларга автобусда бориб бўлмайдими", деб сўз қотди. Енгил кулги кўтарилди. Денгиз бўйидаги ошхонага кириб йигитлар бироз ҳордиқ чиқариб, пиво ичишди.

Яна автобусимизга ўтирдик. Кеч соат 18-00да Амстердам шаҳрига кириб келдик. "Меркурий" деб аталган, 15 қаватли меҳмонхонага жойлашдик. Хонада ҳамроҳларимиз билан Ўзбекистондан олиб келган ноз-неъматлардан бироз тамадди қилиб, чой ичиб олдик. Кейин майин ёмғир томчилари остида Амстердам шаҳрини айландик. Шаҳар ўзига хос улуғворлик билан бизни қарши олди. Кўп қаватли бинолар жуда кўп экан. Барчаси ойнаванд. Биргина шу шаҳарда ноннинг бир неча турини дўконларда кўрдим. Маҳаллий аҳоли турли ширинликлар, пиширикларни кўп тайёрлар экан. Дўконларни айланиб, кечки тамадди учун пишлоқ, колбаса, сузма харид қилдик. Татиб кўрмаганимиз учун билмабмиз, колбасаси шўр экан.

Европа шаҳарларида менга ёқмаган ҳолат – деярли қатиқ, яъни, кефир қилинмас экан. Суюлтирилган сузмага ўхшаш нарсаси бор, аммо уни ҳам ҳамма жойдан топиб бўлмайди. Ҳар оқшом уйда ярим коса қатиқ ичиб ётадиган одамга бу қанчалик азоблигини тасаввур қилиш учун ҳолатни бошдан ўтказмоқ лозим. Европа қишлоқларида қорамолларнинг шу даражада кўплиги, ҳар

бир сигирдан 30-40 литрдан сут соғиб олиниши, лекин қатиқнинг истеъмолда бўлмаслиги ҳаддан ташқари қизиқ туюлди. Бежиз Ўзбекистонимиз нон-неъмат масаласида жаннатга қиёс қилинмас экан-да! Аслида ҳам Ер юзида бундай бетакрор диёр, бундай танти халқ йўқ экан! Бу ҳақиқатни бутун дунёга тортинмасдан айтиш учун аввал дунёни кўриш керак экан.

Келинг, энди Голландия ҳақида бироз суҳбат қурайлик.

Голландия – ўрта аср графлиги, сўнгра тарихий Нидерландия таркибидаги вилоят, XVII-XVIII асрларда Бирлашган вилоятлар республикаси (вилоят номи билан уни кўпинча Голландия, Голландия Республикаси деб ҳам аташади) таркибида бўлган. Ҳозирги вақтда Нидерландия (уни, норасмий равишда Голландия деб ҳам аташади) таркиби икки вилоятга – Шимолий Голландия ва Жанубий Голландияга бўлинган.

Голландлар ўзларини холандере деб аташади. Улар Нидерландиянинг асосий аҳолиси бўлиб, 12,3 миллион кишини ташкил этади. Мамлакат аҳолисининг умумий сони 14 миллиондан ортиқ (ўтган асрнинг 90-йиллар ўрталаридаги маълумот бўйича). Аҳоли асосан нидерланд тилида сўзлашади. Диндорлари асосан протестантлар (кальвинистлар, меннонитлар), католиклардан иборат.

Ҳозирги Голландия ҳудудида миллоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи яримида асосан кельтлар яшаган. Милодий сана бошларида бу ерларга герман қабилаларидан фризлар ва батавлар кўчиб келган. Рим империяси босқини даврида (милоддан аввалги I аср, милодий IV аср) саксларва франклар (III-IV асрлар) келиб, фризлар ва батавлар билан аралашиб кетишган. Ана шу қабилалар негизида тарқоқ вилоятларнинг уюшуви XIV-XV асрларда голланд элатининг шаклланишига олиб келган, бу ҳудуд эса Нидерландия деб номлана бошлаган. Испания ҳукмронлигига қарши XVI асрда Нидерландия олиб борган миллий озодлик кураши Голландиянинг миллий жиҳатдан жипслашишига катта таъсир кўрсатган. Голландия миллатининг шаклланиши XVIII асрга келиб тугалланган.

Голландиянинг аксарият шаҳарларида саноат, савдо, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган. Қишлоқ хўжалигида одамлар асосан чорвачилик, гулчилик, денгиз бўйларида балиқчилик билан шуғулланади. Боғдорчилик ва гулчилик соҳасида Голландия жаҳонда тенгсиз ҳисобланади.

Европа шаҳарларида йўл қоидаларига қатъий амал қилинишини, деярли ҳеч ким тартиб бузиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаслигини, ҳар бир транспорт тури эгалари фақат ўзлари учун ажратилган йўл-

дан юришини кўриб тасанно, дейсиз, холос. Масалан, мотоцикл ва велосипед учун ажратилган йўлларга ҳам ўтиш мумкин эмас. Улар ҳаддан ташқари тез юришади. Йўлидан пиёда чиқиб қолиши мумкинлигини тасаввурига ҳам сиғдиролмайди. Шу ўринда ўзимиз марказий шаҳарларда пиёдалар учун ажратилган йўлакка эътибор бермасдан, катта трассаларда ҳам исталган жойдан кесиб ўтишга интилишимизни ўйлаб, хижолат бўлдик. Умуман, такрор айтаман, Европа маданиятининг айрим жиҳатларига ҳавас қилса, ўрганса арзийди. Шаҳару қишлоқлардаги тозалик, озодалик, меҳмонхоналардаги нонушталарнинг аъло даражада ташкил этилиши, хушмуомалалик, истаганча танлаб олиш имконияти яратилгани кишини, айниқса, сайёҳларни мамнун этади.

Яна йўлдамиз. Гоҳида сабримизга, тоқатимизга балли-ей, деб, гўё чўққини забт этгандек, ўзимиздан-ўзимиз фахрланиб қўямиз. Чунки узоқ саёҳат қилиш, юзлаб, минглаб километр йўл босиш, яна автобусда, э, нимасини айтасиз, бу айтишга осон. Бу кишидан бирмунча чидам, матонат талаб қилади.

Чор-атрофга қараймиз – яна ўша таниш ва мафтункор манзаралар. Бу ҳақда такрор-такрор ёзиш ўқувчини зериктириши мумкин. Энди биз Амстердамдан Германияга, Берлинга қараб равона бўлдик. Ҳайдовчимизнинг айтишича, 12 соатлар

чамаси йўл юрар эканмиз. Жонгинангга тўзим берсин, Маҳмуд, дейман ўзимни овутган бўлиб.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Вақтдан унумли фойдаланишни ният қилиб, қолаверса, ярим кунлик умрни хаёл суриб ўтказмаслик мақсадида ҳамроҳларимни ёнимга – суҳбатга чорладим. Сафар таассуротлари ҳақида мўъжазгина китобча яратамиз, деган ниятимиздан улар хабардор. Шу боис биринчи суҳбатдошим Тўрткўл тумани ҳокими Ғофиржон Ҳожиев бўлди.

Халқимизда "От айланиб қозиғини топади" деган доно нақл бор. Бу ибора аслида ота касбини қўлидан олиб ва шу касби кор туфайли назарга тушган фарзандларга нисбат берилиб айтилган, десак, хато бўлмас. Ғофиржон Ҳожиев ҳам ана шундай ўғлонлар сирасига киради. Падари бузруквори Ҳожиев Ғани ака Нуриддинович ҳалол, заҳматкаш, ўқимишли, замон билан ҳамнафас, оддий одамлар мушкулига ярайдиган, халққа хизмат қилишни, нафақат раҳбарлик мажбурияти, аввало инсоний бурчи, деб биладиган инсон эдилар. Шу боис собиқ совет тузуми даврида ҳам бир қанча раҳбарлик лавозимларида ишлаб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Тўрткўл туманига 10 йил ҳокимлик қилганлар.

Қўнғирот минтақавий темир йўл узелида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Ғофиржон Ҳожиев 2013 йили туман ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. 2015 йилдан бошлаб эса Тўрткўл тумани ҳокими бўлиб иш бошлади. Қадами қутлуғ келган инсоннинг, айниқса, раҳбарнинг иши ғалвир сувдан кўтарилганида яққол билинар экан. 10 йилдан буён давлатга ғалла сотиш режасининг уддасидан чиқолмаётган туман ғаллакорлари шу йил зафар қучдилар. Бошқа соҳаларда ҳам аста-секин жонланиш бошланди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ота сабоғи, айни пайтда у кишининг руҳи поклари, қолаверса, орият учун кураш, масъулият ҳисси янги ҳокимга бирон дақиқа тинчлик бермасди.

Келинг, энди Тўрткўл тумани, унинг бугунги имкониятлари, истиқболи ҳақида сўз юритайлик.

Тўрткўл – Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида ўрин тутадиган туманлардан бири. 1927 йилда ташкил этилган. Ғарбдан Элликқалъа тумани, жануби-ғарбдан Хоразм, шарқдан Навоий ва Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Аҳолиси бугунги кунда 200 мингдан зиёд. Бу ҳудудда беш миллат вакиллари истиқомат қилади. Аҳолисининг 60 фоиздан зиёди ўзбеклар. 21 минг гектар суғориладиган майдоннинг 12 минг гектарига пахта экилади. 3 минг гектар ерга ғалла, 1,5 минг гек-

тар ерда шоли етиштирилади. Давлатга 126 тонна пилла сотилади. 150 гектар ерда ҳосилга кирган боғ ва узумзорлари бор. Бугунги кунда 850 гектар ерда узумзор, 650 гектар ерда ўрик, олма ва бошқа мева турлари экилган боғ-роғлар яратилган.

Туманда пахта хомашёсини қайта ишлашга ихтисослаштирилган саноат корхоналари, жумладан, пахта тозалаш заводи, тўқимачилик корхоналари, Ўзбекистон – Туркия – Америка "Тўрткўлтекс" қўшма корхонаси, асфальт ва темир-бетон заводлари, "Тўрткўлмой", "Тўрткўлёғ" қўшма корхоналари фаолият юритади.

Туманда чорвачилик ҳам асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. 120 мингта қорамолнинг 90 мингтаси соғин сигирлардир. Белорусдан 70 бош наслли қорамол олиб келинди. Улар бугунги кунда кўпайган. Айни пайтда Голландияга қилинган сафарнинг маҳсули сифатида ушбу давлатдан 250 бош наслли мол келтирилмоқда. Бугун тумандаги ўнлаб иссиқхоналарда помидор, бодринг, лимон маҳсулотлари етиштирилмоқда. Шунингдек, кўплаб полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилади. "Намунали Қуранбой" фермер хўжалигида 10 гектар ерга олма кўчати экилиб, интенсив боғ яратилди. Туманда 42 минг донадан зиёд қовун сақланади. 3,5 минг тонна сиғимга эга совиткич мавжуд. 2016 йил туманда 4 миллион 200 минг долларлик қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари, жумладан, мош, канакунжут, пиёз, карам, қовун, шафтоли экспорт қилинди. Бу маҳсулотлар Туркия, Россия, Қозоғистон давлатларига жўнатилди.

Бугунги кунда туманда ўнлаб замонавий нон цехлари, қандолат, турли ширинликлар, бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ишларнинг бевосита ташкилотчилари – Европа сафарида ҳамкорлик қилаётган тадбиркор ва фермерлар ҳисобланади. (Бу ҳақда улар билан суҳбатда алоҳида фикр билдирамиз, албатта.)

Тўрткўл туманида 63 та ўрта мактаб, 7 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей, мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Ана шу мусиқа мактабларидан бирида ўқиётган Жамолиддин Авезов Италияда ёш скрипкачилар ўртасида бўлиб ўтган халқаро танловда биринчи ўринни олиб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг эътирофига сазовор бўлиб, у кишининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Умуман, туманда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, баркамол, ўқимишли бўлиб камолга етиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. 20 минг томошабин сиғадиган марказий ўйингоҳдан ташқари, сунъий қоплама ётқизилган бешта янги стадион қуриб, ишга туширилди.

Тўрткўл тумани ҳақидаги фикримизга шу ерда нуқта қўйиб айтмоқчимизки, сафардаги ҳамроҳларимиз ичида ҳоким раҳнамолигида 9 киши ушбу тумандан бўлгани боис, 6 ой ўтиб мен сафардошларимизнинг фаолияти билан танишиш мақсадида Тўрткўлга бориб келдим. Қолаверса, ҳоким ўз туманидаги барча жонкуяр, ҳамиша олдинга интиладиган, замон билан ҳамнафас, тинимсиз ўз устида ишлайдиган, уй-рўзғор ишларида ҳам, меҳнат фаолиятида ҳам, илм-фан ютуқларини ўзлаштириш соҳасида ҳам ўзгаларга ибрат кўрсатадиган тўрткўллик фермерлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳақида "Булар – Тўрткўлнинг туморлари", деган бир таъриф айтди ифтихор билан. Шу боисдан ҳам Тўрткўл туморлари таърифи – алоҳида мавзу ва биз унга, албатта қайтамиз, деб ўйлайман.

ОЛТИНСОЙНИНГ ОРИЯТЛИ ФЕРМЕРИ

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари йўл бошида турган одам билан унинг поёнига бориб қолган одам бир хил фикрламайди, деганларида нақадар ҳақ бўлганлар. Йўл юрганимиз сари ажиб шаҳарлар, турфа одамлар, яна денг бетакрор табиат... Хуллас, соат сайин, кун сайин онгу тафаккуримиз, тасаввуримиз бойиб бораётганини ҳис қилмоқдамиз.




Италиянинг Рим шахри.




Рим. Паркентлик тадбиркор укаларим Асқар Бойбўсинов,
Аҳад Асроров билан.

Хамроахор оилаи Раҳмиддинов.



Женева шаҳри.



Женева шаҳри. Таржимон Акбарали Отамирзаев,
Мирзоҳид Йўлдошев, Асқар Бойбўсинов билан.




Қадрдон автобус.

Париж.



Бельгия шаҳри. Ўзбекистон Республикаси элчихонасида.



Париж. Тўрткўллик фермерлар Жасурбек Матназаров, Роман Жуманиёзов, Бекжонбой Бобожонов, Дониёр Юсупов, Давронбек Бобоев.



Голландия гуллари. Самарқандлик фермер Нурсултон Бурхонов билан.



Бельгия. Каролис компанияси боғларида.



Бельгия шаҳрида. Наманганлик фермер Тўхтамурод Шарипов билан.



Берлин, Рейхстаг. Тўрткўллик тадбиркорлар.

Швейцария йўлларида.



Рим шаҳри. Тўрткўллик Ғофиржон Хожиев, Эргаш Худоёров билан.



Италия. Жиззахлик Очил ака Саидов билан.

Европанинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Берлин сари елиб боряпмиз. Қайси йўлда машиналар оқими кам бўлса, ҳаракатимизда унум бор. Аммо шундай жойлар ҳам бўлдики, содда қилиб айтганда, тошбақа юриш билан "олға босиш"га мажбур бўлдик.

Манзара эса ўша-ўша – ҳудудсиз ўрмонлар, ямяшил қир-адирлар, ғаллазорлар...

Мен "мухбирлик"ни давом эттириб, "интервью" учун ёнимга иккинчи суҳбатдошни чорладим. Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Шакарқамиш маҳалласида истиқомат қиладиган Ҳамро Тавашаров эди бу галги қаҳрамоним. У кўп тармоқли "Мирҳам узумлари" фермер хўжалиги раҳбари. Россияда ўқиб, олий маълумот олган. Бир сафар телефондаги суҳбат асносида талабаликда орттирган, Нижний Новгородда истиқомат қиладиган дўстларидан картошка уруғи юборишни сўрайди. Улар, қанча керак оғайни сенга, деб, оз эмас-кўп эмас, нақд бир вагон уруғ юборса бўладими денг! Шуни экиб, деҳқончиликка қизиқиб кетади ва 2001 йилдан эътиборан фермерлик йўлини тутади. Кейин кунгабоқар, маккажўхори экди. Эски колхозлар боғлари фермерларга тарқатиб берилганида 30 гектар токзорга эгалик қилди. Узум тупларининг эскисини янгисига алмаштирди, бугун ҳаммаси ҳосил берадиган бўлиб етилган. Узумнинг тоифи, ҳусай-

ни, қора кишмиш, катта-катта ғужумли живуз навларидан бор унинг ерида. Фермер хўжалигида доимий равишда 8 киши ойлик маош олиб ишлайди. Мавсумда иш ниҳоятда кўпайиб кетганида ёрдамчилардан фойдаланади.

Тўрт сотих ерда иссиқхона барпо этилиб, лимон экилган. Боғдан бўш вақтида ишчилар лимонарийда меҳнат қилади. Иссиқхонада овқат бепул. Бундан ташқари, икки йилда бир марта оилавий бориб, сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқариб келишади. Албатта, халқимиз ибораси билан айтганда, "Қўл тегса, оғиз тегади". Етиштирилган неъматлардан ишчилар ҳам бенасиб қолишаётгани йўқ.

– Аслида, ҳар бир инсон меҳнат қилаётган жамоасида меҳр кўрса, қадр топса, виждонан ишлайди, – дейди Ҳамро ака. – Йўқса, оиласини ўйлайди, кўнгли хотиржам бўлмайди, бошқа жойни кўзлаб кетиб қолади. Шу боис жамоамизда хизмат қилаётган ҳар бир ишчи меҳнатига яраша манфаат топмоқда. Манфаатдор бўлган одам чин дилдан ишлайди. Шу боисдан ҳам бир неча йилдан буён биронта аъзомиз жамоадан кетиб қолгани йўқ.

Туманимизда бутун аҳолига хизмат қиладиган ҳаммомимиз бор. Кўмирда ишлатамиз. У ерда назорат кассаси ишлайди, пулни кирим қилиб, давлатга топширади. Душанба – тозалик куни, ҳаммом доимий равишда Санэпидстанция назоратида.

Аҳолига кўрсатаётган хизматимиздан биз ҳам манфаатдормиз, одамлар ҳам хурсанд.

Бундан ташқари, бир гектар ерда тўртта ҳовуз қилиб, балиқчиликни ривожлантирганмиз. Белий амур, зоғара балиқ, йўғонманглай балиқ етиштирамиз. Ҳаммасини ҳовузларга аралаштириб ташламаганмиз. Чунки бир-бирини безовта қилади. Фақат декабрь, январь, февраль, март ойларида сотувга тирик балиқ чиқарамиз. Қолган пайтда уларни безовта қилмаймиз. Тўрт ой ором ойи ҳисобланади, ҳатто овқатни ҳам жуда оз миқдорда берамиз. Йилда 7-8 тонна балиқ сотамиз. Белий амур балиғи 14 килогача тош босади. Денов шаҳрида ҳам дўконларимиз бор. Балиқ етиштириш билан тўрт киши шуғулланади.

Узумларимиз ҳам экспортбоп. Ички бозордан ташқари, ҳар йили Россияга ҳам узум экспорт қиламиз, – дейди ҳамроҳим сўзида давом этиб. – Агар Олтинсойга келиб: "Энг яхши узум қайси фермерда?", деб сўрасангиз, энг камида учтанинг бири бўлиб, бизнинг фермер хўжалигимиз тилга олинади. Чунки биз ерни алдамаймиз, ер бизни алдамайди. Экинни вақтида озиқлантириб, касалликка чалинмасдан олдин чораси кўрилса, албатта, ҳосил мўл бўлади. Узумдан 80 миллион, балиқдан 60 миллион соф даромад оламиз. Бундан 15–20 йил олдин бундай натижаларни фараз ҳам қилиб бўлмас эди.

Биз аҳолига маиший хизмат ҳам кўрсатамиз. Иккита ошхона, сартарошхона, тикув цехи туманимиз аҳли хизматида. Замон талабларидан келиб чиқиб, баркамол, соғлом ва етук ёшларни тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш мақсадида Ёшлар марказини ташкил этганмиз. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан ҳамкорликда самарали иш олиб боряпмиз.

Бундан ташқари, аҳолига суюлтирилган газ баллонларини тўлдириб берадиган шохобча ҳам қуриб, ишга туширдик. Шундан буён аҳолига 20 минг дона газ баллон тарқатдик. Битта баллонни 7-8 минг сўмга тўлдириб берамиз. Хизматимиздан халқимиз хурсанд.

Ҳамро ака ҳамиша яхши ниятлар билан яшайди. Мақсадлари улуғ. Яқин орада ҳам шинам, ҳам улуғвор замонавий ошхона қуришни режалаштириб юрибди. Бу билан кифояланмасдан, супермаркет қуриш ҳақида ҳам жиддий ҳаракатларни бошлаб юборган.

Суҳбатдошимдан сафар таассуротлари ҳақида сўрар эканман, унинг кўзларида ўт ёнгандек бўлди ва ҳаяжон билан деди: "Эй, шоир ака, нимасини айтасиз, бу Европаси қурғур ҳақиқатан ҳам жуда от чоптириб олдинга ўтиб кетган экан-да, а? Бу мўъжизаларни кўринг! Каллани ишлатиб меҳнат қил-

сак, биз ҳам бундан кам бўлмаймиз. Қалбимда жуда катта орзулар уйғонди. Менда ўзи одат шу – қайга борсам, нимадир ўрганиб келаман. Энг муҳими, далада ишлаш, деҳқончилик маданиятини ўрганишимиз керак экан. Айниқса, ёқилғи қуйиш шохобчаларида яратиб қўйилган шароитлар мени ҳайратга солди. Гигиенага, тозаликка риоя қилишни, вақтдан унумли фойдаланишни, ҳар бир ишда илм-фан ютуқларига асосланишни, тинчлигимизнинг қадрига етишни, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ муносабатда бўлмасликни, қолаверса, муомала маданиятини ҳам ўрганишимиз зарурлигини англадим. Аслида, бизнинг халқимиз худди шу масалаларда кўп нарсаларга эришган. Лекин собиқ тузум даврида биз кўпгина қадриятларимизни унутдик. Уларни тиклаб, ривожлантирсак, албатта биз ҳам Европадан кам бўлмаймиз.

Нима ҳам дердик, рост гап дилга тез етиб боради. Ҳаёт сабоқларидан эса зийрак одамгина тўғри хулоса чиқаради. Шу маънода, "Мирҳам узумлари" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамро Тавашаровнинг фикр-мулоҳазаларидан, фаолиятидан мамнун бўлдим. Ота бағрида камол топаётган беш ўғлони ҳам ўзига муносиб издошлар бўлиб, келажакда ўзлари ганлаган соҳаларда отаси каби фидойи, элпарвар, меҳнатсевар бўлиб камолга етсин, деган ниятда суҳбат учун миннатдорлик билдирдим.

Яна бир фикрни алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиманки, ҳамроҳларимни суҳбатга чорлаб, ўзимнинг кўксим тоғдек кўтарилди. Боиси – бу одамларнинг ҳар бири ўз оламига эга эди, ҳаётга, инсонга, Ватанга муносабатда, халқ олдидаги масъулиятни ҳис қилишда, ҳеч нарсага бефарқ қарамасликда, Европа сафаридан мақсад дунё кўриш, яхши тажрибаларни ўрганиш ўз шароитимизга мослаб қўллаш эканини тушунишда уларнинг қарашлари муштарак эди. Кейинги суҳбатдошим ҳам ўз шижоати, фикрлаш кўлами, амалга ошираётган ишлари билан алоҳида ҳурматга, эътиборга сазовор инсон эканини мулоқот асносида англаб етдим.

Алижон Нарзуллаев – Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан. У – "Афросиёб савдо" корхонаси раҳбари.

Асосий фаолияти – консерва маҳсулотлари, жумладан, томат, повидло, мураббо, мева шарбатларини қадоқлашдан иборат бўлиб, бу йўналишда алоҳида цех очган. Бу корхонада 24 киши меҳнат қилади. Яна бир корхонаси – макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида 4 киши иш билан таъминланган. 9 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланадиган цехда 5 киши, Туркиядан келтирилган 400 тонналик музлаткич омборхонасида 2 киши, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонада 5 киши ишлайди.

Давлатдан 1,5 миллиард кредит олиниб, олинган фойда ҳисобидан қайтариб берилган. 2016 йилда 700 миллионлик кредит ҳисобидан мевани қуритиш корхонаси ишга туширилди. Алижон Нарзуллаев аввал Тошкент шаҳрида фаолият юритган. Нафақага чиқиб, 5 йилдан бери тадбиркорлик қилмоқда. 3 нафар фарзанди, 2 ўғли, бир қизи бор, ҳаммаси уйли-жойли. Алижон ака 7 нафар набиранинг бобоси. Катта ўғли унинг ёнига кириб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Иккинчи ўғли ўқитувчи. Қизи уй бекаси.

Энди улуғ ниятлар учун янги кредит олишга тайёргарлик кўряпти. Кўплаб хорижий давлатларда бўлган. Россиянинг бир қанча шаҳарлари, Америка, Сингапур, Туркия, Индонезия, Малайзия ва бошқа юртларни кезиб, дунё кўрган. Мақсади – ривожланган мамлакатларда бўлиб, иш ўрганиб, дунё стандартларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Алижон аканинг фикрида нур, сўзида шижоат, ҳаракатида қатъий ишонч туйдим.

– Ишлаб чиқаришимизни ривожлантирмасдан туриб, иқтисодиётимизни юксалтира олмаймиз. Мен давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг истиқболига ишонаман, – дейди Алижон ака қатъият билан. – Ўзбекистон жадал ривожланиб боряпти. Кичик бизнеснинг ривожи

бизда аъло даражада. Мен бориб кўрган мамлакатларнинг баъзиларида кичик бизнесга эътибор биздагидек эмас. Европа 300-400 йилда эришган даражага, Худо хоҳласа, биз 50 йилда эришамиз.

Яқинда бизга ўхшаган тадбиркорларни Тошкент шаҳрига чақириб, фикр-мулоҳазаларимизни олди. Кейинги йилларда тадбиркорлик масаласида катта ўзгаришлар кутиляпти.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлар амалда бу фикрлар нечоғлик тўғрилигини исботлайди.

Ташкилотимиз аъзолари билан келишиб олганмиз, – дейди Алижон ака. – Ҳар ойнинг якунида ишлаб топган фойдамиздан бир қисмини кам таъминланган оилаларга, зиёратгоҳларни таъмирлашга маълум миқдорда ўтказиб берамиз. Ваҳшивор, Имом Термизий зиёратгоҳларига, кўзи ожизлар, ногиронлар жамиятларига, "Нуроний" жамғармасига маблағ ўтказиб бердик. Маҳалла биносини таъмирлашга ҳиссамизни қўшдик. Бу йил коллеж битирувчиларидан уч кишини ишга олдик.

Ўзим гўзалликни, нафосатни хуш кўраман. Борган жойларимдан, ҳатто чет давлатлардан ҳам гул уруғи, кўчатлар олиб келаман. Хонадонимизда мўъжаз боғимиз бор, узум, гилос, олма, бошқа мева турлари ўстирганмиз.

Дарҳақиқат, интилганга толе ёр, дейдилар. Бугунги эришган муваффақиятига мағрур, маҳлиё бўлиб қолган, озгина топган маблағидан керилиб кетадиган инсон, кўп ўтмасдан хатосини тушуниб етади. Чунки замондан орқада қолганини ҳис қилади. Ахир, набираси тенги ёш-ёш ўғил-қизлар касб-ҳунар коллежларини битирибоқ, тадбиркорликни ихтиёр этиб, давлатдан имтиёзли кредит олиб иш бошлаб юборишяпти. Энг муҳими, ҳозирги ёшлар янги-янги ихтиролар қилишяпти. Шунинг учун ҳам ҳар куни ўрганган, ҳар куни интилган одамгина ўз истиқболини таъминлайди.

Ҳайдовчиларимиз яна икки соатлар чамаси йўл юрганимиздан сўнг Берлин остонасига кириб боришимизни айтди. Вақтни қизғаниб, яна бир ҳамроҳимизни суҳбатга чорлагим келди.

ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА...

Эндиги ҳамроҳим, суҳбатдошим – гуруҳимиздаги ёши улуғ, кайвонилардан бири. Ўзимга ўхшаб олтмиш довонни ортда қолдирган "олтмишвой"-лардан. Исми шарифлари – Тўхтамурод Шарипов, Наманган вилоятининг Чортоқ туманидан. "Яккатут, Аҳмаджон, Шерзод" фермер хўжалигининг раҳбари. Фермер хўжалиги боғдорчиликка ихтисослаштирилган. Асосан узум, олма, олхўри етишти-

ради. Шундан 10 гектари интенсив боғ ҳисобланади. Хўжалигида 20 киши меҳнат қилади.

Ўзбекистонимизда Маҳмуд Мирзаев каби машҳур академик боғбонлар борлигини яхши биламиз. Уларнинг изидан бориб, ҳаёт мактаби, деҳқончилик академиясини ўтаган, ернинг тилини биладиган, ўзига хос боғбонлик анъаналарини яратган, қўли гул соҳибкорлар, моҳир боғбонлар ҳам ҳар бир вилоятимизда кўплаб топилади. Масалан, камина қулингиз туғилиб ўсган Паркент замини ҳам ана шундай уста боғбонлар диёри. Биз – бу тупроқ фарзандлари улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Туманимизда нафақат мамлакатимиз боғбону соҳибкорлари, ҳатто дунёнинг турли ўлкаларидан келган фермерлар, олиму фозилларни ҳам ўзи яратган боғлари, айниқса, узумзорлари билан ҳайратга солиб келган улуғ бунёдкор инсон Тоживой ота Ризаев камолга етган.

Шу боис ҳам у киши давлатимизнинг олий мукофоти –"Ўзбекистон Қаҳрамони" деган шарафга лойиқ кўрилган эдилар. Раҳматлик Тоживой ота яратган боғбонлик мактабининг ўзига хос жиҳати – лалми, яъни, сувсиз ерларда минглаб гектарда узумзорлар барпо этишга асосланган эди. Ҳатто Италиядан, Франциядан келган меҳмонлар ҳам ўз юртларида бундай ток плантациялари йўқлигини тан олганлар. Ҳақиқатан ҳам, мана ўзимиз Италия-

да, Францияда бўлиб, бирон-бир ҳудудда Тоживой отанинг боғларига тенг келадиган узумзорларни кўрганимиз йўқ. Аксарият плантациялар тоғ ёнбағирларида, қирларда ташкил этилгани боис Тоживой ота кузда ҳар туп ток кўчати тагида чуқур ковлатган. Қишки, баҳорги ёғин сувлари шу чуқурда йиғилган. Яхоб суви ҳам, оддий суғориш ҳам табиий йўл билан амалга оширилган. Бу ток плантациялари ҳеч қачон махсус суғорилмаган ва бундай ер шароитида суғориш имконияти ҳам, сув ҳам йўқ. Қолаверса, сувни кам ичган ток тупларида етилган узумлар қарсилдоқ, ширага тўла ва таъми ўткир бўлади. Яна бир афзаллик томони – сувли ерларда пишган узумлар узоқ юртларга экспорт қилинганида вақтида етиб бормаса, сифатини йўқотиши аниқ. Аммо лалми ерларда етиштирилган узумлар қарийб бир ойда ҳам ўз сифатини йўқотмайди.

Албатта, ҳам мазали, ҳам сифатли узумлар харидоргир бўлади. Шу боис Тоживой ота Ризаев раҳнамолигида Паркент туманининг Заркент қишлоғида яратилган боғларга ёзда харидорлар сиғмай кетади. Нархи ҳам кўпчиликка маъқул. Бу ҳақда батафсилроқ сўз юритишимиздан мақсад – суҳбатдошим, наманганлик фермер Тўхтамурод Шарипов ифтихор ва ҳавас билан бир неча бор Заркент қишлоғига ташриф буюриб, Тоживой отадан боғбонлик сир-асрорини ўрганиб келгани ҳақида эслатиб ўтганидир.

Тўхтамурод аканинг беш фарзанди бор. Энг кенжаси – Лазизбек Шарипов "Ҳазрати шайх" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. Қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида учта маҳалла бор. Уларнинг ҳар бирида 3 мингдан аҳоли яшайди. Асосан боғдорчилик билан шуғулланади.

– Менинг ҳам бу сафардан олган таассуротларим ўзига хос бўлди, – деди ҳамроҳим. – Муборак ҳадиси шарифларда "Бешикдан то қабргача илм изланглиз", деб бежиз айтилмаган. Шунча ҳаётий тажрибам билан Европа мамлакатларида ўз кўзим билан кўрганларим ўртасидаги фарқ фикримни бирмунча ўзгартириб юборди. Фермерлик хўжалигидаги боғимизда қанчалаб ҳосил етиштирилади, аммо ўзимиз қайта ишламасдан, ўзгаларга арзон нархда бериб юборамиз. Албатта, сафардан қайтиб, фарзандларим билан кенгашиб, кредит олиб, мевани қайта ишлайдиган дастгоҳлар сотиб оламиз ва алоҳида корхона ташкил этамиз. Кўнглимдан кечган яна бир андиша – бизда деҳқончилик маданияти, ердан, сувдан, Худо берадиган офтоб нуридан фойдаланиш маданияти нисбатан анча пастдек бўлиб кўринди. Биз кўпинча 30–50 йил олдинги усулда ишлаймиз.

Голландияда кўрганимиз каби асосан маданий ўғитлардан кўпроқ фойдаланиб, кимёвий ўғитларни жуда кам миқдорда қўллашимиз за-

рур. Бу – кўриниб турган оддий ҳақиқат. Шу боис голланд фермерлар етиштирган маҳсулотлар халқаро сифат сертификатини олади, харидоргир бўлади. Менга яна ёққани, бу ернинг фермерлари даласининг бошида яшар экан. Мини техникадан унумли фойдаланиш ишдаги тезкорлик ва сифатни таъминлашига амин бўлдим. Томчилаб суғоришни йўлга қўйишимиз зарур экан. Деҳқон ерга қанча яқин бўлса, ер ҳам меҳрни шунча кўп сезади.

– Мени кўпдан буён ўйлантириб келаётган бир муаммо бор, – деди Тўхтамурод ака оғир тин олиб. – Биз миллатимиз фарзандларининг чет элга ноқонуний чиқишларига чек қўйишимиз керак. Чунки уларнинг кўпчилиги пул топаман, деб ўзлари билмаган ҳолда қуллик домига тушиб қоляпти. Давлат йўли билан борса, давлат ҳимоясида бўлади. Мана, ўзимиздан мисол, тил билмаганимиз учун, қонуний йўл билан келган бўлсак ҳам, баъзи вазиятларда қийналяпмиз-ку!

Мен сизга бир ҳаётий мисол келтирай. Қишлоғимиздан денг, уч-тўртта ёш йигит Россияга тирикчилик учун борибди. Бир кампирникида 3-4 кунда ҳамма ишини битириб беришибди. Йигитлар рус тилини ҳам деярли билишмас экан. Бўлмаса, мактабда рус тили ўқитилади-ку! Болалар бепарволик қилиб ўқимайди-да! Ҳалиги йи-

гитлар амал-тақал қилиб, рус кампир – "бабуля"-дан ҳақини талаб қилишган. Онахон: "Синочки, хорошо работали, за это вам огромное спасибо. Но осталось ещё немножко, доделайте, буду угощать вас, потом и деньги получите», дебди. Йигитлар эса унинг самимий сўзларини "деньги не получите" деган маънода тушуниб, аразлаб моникидан кетиб қолишган. Кейин ўзларини бу жойга қўйиб кетган ҳамюрт боланинг олдига бориб, кампир инсофсиз экан, иш ҳақимизни бермаяпти, дейишган. Ишбоши уларни етаклаб моНинг уйига олиб келган. Суҳбат асносида аён бўладики, йигитлар тил билмагани боис кампирнинг таклифини нотўғри тушунишган.

Ўзингиз ўйланг, одам ҳам шунча содда бўладими? Оддий вазиятни ҳам тушунтиролмаса, бошқа тилда гаплашиш кўникмасига эга бўлмаса, қандай қилиб чет давлатга бориш мумкин? Бу ўзга юртда хору зор бўлиш, инсонлик ҳуқуқи, шаъни ва ғурурини йўқотишга олиб келмайдими? Шу боис ҳам халқимиз "Тилбилган – эл билади", деб нақл қилади-да!

Суҳбат билан бўлиб Берлинга яқинлашиб қолганимизни сезмабмиз. Мана, шаҳарга кириб келяпмиз. Машина бозорлари, алоҳида мотоцикл, велосепед дўконлари тез-тез кўзга ташланади. Аммо қалин ўрмонлар ҳали-бери тугамайдигандек.

Шу пайт ёнимга Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидан гуруҳимизга қўшилган, фермер хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлайдиган, орамиздаги энг ёш ҳамроҳимиз, Аслиддин исмли йигит келди. Нима деркан, деган хаёл билан чеҳрасига боқдим. Беихтиёр: «Ака, сафар зўр, давлатлар яхши, шаҳарлар кўркам, ҳаммаёқ гўзал... Аммо, рости, Ўзбекистонни соғиндим... Бошқа гапиролмади, назаримда, кўзида ёш милтиллади. Аслида бундай соғинч ҳисси ҳар биримизнинг дилимизда мавжланиб турган эди. Лекин уни Аслиддин биринчи бўлиб очиқ эътироф этди. Тўғриси, унинг чеҳрасига боқиб, менинг ҳам кўнглим бошқача бўлиб кетди.

Аслида инсон учун, майли, у гўзал шаҳарларда бўлсин ёки одам қадами етиши амримаҳол бўлган тоғлар бағридаги қишлоқларда ёки дала-даштлардаги чўпонлар ўтовида – киндик қони қайга томса, ўша жой Ватан. Шу маскан муқаддас саждагоҳ. Шу заминни зўр ифтиҳор билан "Она Ватаним", дейди. Шу маънода, Ўзбекистонимиз соғинишга ҳам, сиғинишга ҳам арзийдиган мўътабар диёр.

БИЗ КЎРМАГАН БЕРЛИН

Бир қарашда биз Берлинни яхши биламиз. Бу шаҳар ҳақида ўрта мактаблар партасидаёқ ул-бул нарсаларни ўқиганмиз. География дарсида шаҳар

табиати ҳақида маълумотлар олиб, тасаввурлар ҳосил қилганмиз. Аммо, дангали гапни айтадиган бўлсак, бу шаҳар ҳақидаги қарашларимиз айқаш-уйқаш эди. Сабаби – ҳукмрон мафкура туфайли юзаки ва бирёқлама тушунчага эга эдик. Дафъатан Берлин, деса кўз ўнгимизга Гитлернинг совуқ башараси келарди, миллион-миллион бегуноҳ одамлар, норасида гўдакларни беаёв қириб ташлаган, не-не гўзал, мафтункор шаҳару қишлоқларнинг кулини кўкка совурган, тарихий обидаларни ер билан яксон қилган разил ва бешафқат, одам қиёфасидаги махлуқ ҳақида ўйлай бошлар эдик. Чунки фашизм балосидан қолган дард халқимизнинг суяк-суягида битмас жароҳат бўлиб ётарди. Энг яқин жигарбандларидан жудо бўлганлар бугун ҳам Гитлер раҳнамолигидаги фашизм тўдасига лаънатлар ўқийди. Бутун дунё уларни қарғишлайди. Лекин бўлиб ўтган фожиаларда Берлиннинг нима айби бор? Аслида фашизм зарбасини биринчи бўлиб ҳис этган, ундан энг кўп жабр чеккан шу шаҳар эмасми? Албатта, бўлиб ўтган қирғинбарот урушда оддий, заҳматкаш немис халқининг ҳам гуноҳи йўқ.

Берлинга биз ана шундай ўй-хаёллар билан кириб келяпмиз. Биз дейишимнинг боиси ҳамроҳларим ҳам бундай кайфиятдан холи эмаслиги шундоқ уларнинг юз-кўзларидан билиниб турарди.

Хуллас, биз Германияга, Берлин шаҳрига етиб келдик. Йўлларда автоҳалокатлар содир бўлгани боис тўхтаб-тўхтаб, ҳатто ўн икки соатдан ҳам зиёдроқ юришимизга тўғри келди. Бизни Берлинда жиззахлик ҳамроҳимиз Очил аканинг 15 йилдан бери Берлинда яшаб, ишлаётган ўғли Фахриддин кутиб олди ва Берлин бўйлаб уюштирган сафаримизга бош бўлди. "Европа CITV" меҳмонхонасига жойлашдик. Меҳмонхона жуда эски, хонадаги иситиш ускуналари, худди биздагидек, чўяндан. У фашизм устидан ғалаба қозонилганидан кейин қурилган бўлса керак, деган хаёлга бордик. Бу ердаги лифтларга икки киши аранг сиғади. Аммо, ётоқхоналарда немис халқига хос саранжом-саришталик, файзу тароват, тозалик уфуриб турибди. Хонада барча имкониятлар бор. Нарсаларнинг ҳаммаси оппоқ.

Узоқ йўл юриб келганимиз боис оқшомда ётиб дам олдик. Тонгда, нонуштадан кейин, Берлин чеккасидаги, шаҳардан 20–25 километр наридаги савдо марказига бордик. Чунки, сафаримиз поёнига етиб боряпти, оила аъзоларимизга совға-салом, қолаверса, ўзимиз учун ҳам ул-бул харид қилишни мўлжаллаб қўйган эдик.

Савдо маркази асосан Берлин шаҳри аҳолиси учун хизмат кўрсатар экан. Шаҳар марказида сайёҳлар кўп бўлгани боис озиқ-овқат дўконларидаги

кундалик зарур маҳсулотлар ҳам нисбатан қиммат, шунинг учун берлинликлар шу савдо марказига бориб харид қилишаркан. Ҳатто, қўшни Голландия давлати фуқаролари, айниқса, чегарага яқин турадиганлари овқатланиш учун ҳам Берлин ҳудудига ўтишар экан.

Тўғрисини айтганда, нарх-наво шунга арзигулик. Бир жиҳатни алоҳида қайд этмоқчиманки, биз Рим, Турин, Женева, Париж, Брюссель, Амстердам шаҳарларида бўлдик, лекин бирон жойда арзон маҳсулот кўрганимиз йўқ. Берлин меҳмонхонасига келиб тушганимиздан кейин Асқар билан 100–150 метр чамаси наридаги озиқ-овқат дўконига бордик. Бир литрлик иккита минерал сув, 1,5 литр сут, уч хил колбаса олдик, тасаввур қилинг, 6,5 евро бўлди. Юқорида номлари тилга олинган шаҳарларда бу камида 30 еврога бориши аниқ эди. Ҳеч қаерда учратмаганимиз – кефир Берлин озиқ-овқат дўконларида бемалол сотилётганини кўриб, бехтиёр, эй, бор экан-ку ҳақиқат, деб юборибмиз.

Биз шаҳар четидаги савдо марказида қарийб 4 соат савдо қилдик. Мен ўзим ва ўғлимга мобиль телефон аппарати, яна оила аъзоларим учун зарур нарсалар, қизлар, набиралар учун совғалар, Парижда ололмаган атирларни шу ердан олдим. Фахриддинга ҳамроҳларимиз, имкон бўлса, Берлинда бир

ош есак, деган фикрни билдиришди. Фахриддин Берлинда бир турк одам раҳбарлик қиладиган ошхона борлиги, бу жойда паловни жуда дўндириб тайёрлашларини айтганида кўпчилик, олдиндан буюртма бериб, кечга томон ўша ерга боришга ваъдалашди. Фахриддин 33 кишига ош, шўрва буюртма берди.

Биз савдо марказидан келгандан кейин Фахриддин етакчилигида метрога тушиб, уч бора метро ичидаги йўлдан йўлга ўтиб, ошхонага етиб бордик. Бизга чойхонага ўхшаш жой дейилганди, йўқ, росмана бир бар, ким сигарет, ким чилим чеккан денг, яна имдир пиво, кимдир бошқа нарса билан андармон, ола-ғовурли, чоғроққина жой экан. Бўш ўрин топиб тирдик. Шўрванинг ўрнига ярим косадан қизил карам шўрва ичдик, кейин бир тақсимчадан ош едик. Айтиш керак, ошни ниҳоятда ўрнига қўйган, чиройли дамлаган экан. Карам шўрва 2,5 евро, ош ҳар бир кишига 10 евродан тушди. Хуллас, киши бошига чой, нон 15 евродан тўлаб, ниҳоятда мазза қилиб таом едик, мамнун бўлдик. Ота-боболаримиз айтганларидек, қорин тўйди, қайғу кетди. Фахриддинга миннатдорлик билдирдик.

Берлиндаги биринчи кунимиз шундай ўтди. Таксида меҳмонхонага келдик.

22 ноябрь якшанба бўлгани боис бironта дўкон ишламас экан. Биз билан келганлардан 11 киши

Польша давлатига ўтмасдан, Франкфурт шаҳри орқали Ўзбекистонга учиб кетишлари керак эди. Эрта билан уларни йўлга кузатиб, ўзимиз етти киши-етти кишидан бўлиб 3 та маршрут такси чақириб, Берлин шаҳрини айлангани кетдик.

Рости, дастлаб келганимизда шаҳар унчалик улуғвор, кўркам кўринмаган эди. Аммо кейинги пайтда қурилган замонавий бинолар, биз кўриб улгурмаган тарихий музейлар, руслар черкови, бир қанча муаззам бинолар – Рейхстагни, парламент биноси, Бош канцлер қароргоҳи, ҳукуматга тегишли бир қанча салобатли иншоотларни четдан кузатдик, томоша қилдик.

Мана, Рейхстаг биноси ёнидамиз. Бу бино ўрта асрлардаги олмон миллатининг муқаддас Рим империясидаги марказий ҳокимият органлари жойлашган бинолардан бири, тарихий обида сифатида немислар учун ниҳоятда қадрли.

Айнан шу бинога 1945 йилда маршал Г. Жуков қўмондонлигидаги Биринчи Белорусия фронти жангчилари томонидан ғалаба байроғи қадалган. Айтиш керакки, бу воқеа фашизм балосидан башарият халос бўлганининг рамзи сифатида тарихга кирди.

Бино қаршисида туриб тўрт-беш йил қон кечиб, Москвадан Германия тупроғигача бўлган масофани жанги жадаллар билан пойи пиёда босиб ўтган, нене кўргуликларни бошидан кечирган, шу манзили

маконгача омон етиб келиб, ғалабага саноқли кунлар қолганда шу ерларда шаҳид бўлган қаҳрамон ҳамюртларим, жасоратли ўзбек ўғлонлари кўз ўнгимдан ўтади. Гўё уларнинг маъюс нигоҳлари менга боқиб тургандек, "бизни унутиб юбормадингизми?" деяётгандек туюлади менга. Чин дилдан тиловат қиламан. Яратгандан руҳи поклари шод бўлишини тилайман. Айнан шу ғалаба боис ер юзи аҳолиси эркин нафас олди. Шу ғалаба боис дунёда тинчлик яна барқарор бўлди, давлатлар ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Буларнинг барчаси ана шу фидоий аждодларимиз жасорати туфайли бўлиб, буни унутиш асло мумкин эмас.

Табиийки, энди Германия каби машҳур давлат ва унинг пойтахти Берлин ҳақида ўқувчиларимизга бироз маълумот берамиз.

Германия Федератив Республикаси – ГФР – Марказий Европадаги давлат. Шимолий ва Болтиқ денгизлари соҳилида жойлашган. Майдони 357 минг квадрат километр, аҳолиси 80 миллион киши. Пойтахти – Берлин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 16 ер (вилоятга), ерлар округларга, округлар туманларга, туманлар жамоаларга бўлинади.

ГФР – федератив республика. Амалдаги конституцияси 1949 йил 23 майда қабул қилинган, унга 1954, 1956, 1990, 1993 ва 1994 йилларда қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи – федерал президент.

У махсус чақириладиган Федерал мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади ва яна фақат бир марта сайланиши мумкин. Федерал мажлис Бундестаг, яъни, парламент депутатлари ҳамда ландтаглар (ер парламентлари) томонидан сайланган аъзолардан иборат бўлади. Президент иш қобилиятини йўқотса ёки вафот этса, Бундестаг раиси президент ваколатларини бажаради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент амалга оширади. У икки палата – Бундестаг ва Бундесратдан иборат. Бундестаг аҳоли томонидан тўрт йил муддатга сайланади. Бундесрат эса ер ҳукуматлари ўз орасида тўрт йил муддатга тайинланадиган вакиллардан иборат. Ижроия ҳокимият федерал канцлер бошчилигидаги федерал ҳукумат қўлида. Федерал канцлер бундестагда президентнинг таклифига биноан кўпчилик овоз билан сайланади. Вазирлар федерал канцлернинг таклифи билан президент томонидан тайинланади. Ҳар бир ернинг ўз конституцияси, парламенти ва ҳукумати бор.

Германиянинг табиати, иқлими, рельефи бениҳоя хилма-хил ва жозибадордир. Паст ва баланд тоғ тизмалари ораларида ясситоғликлар, ўру қирлар, кўллар, кенг ва очиқ текисликлар учраб туради. Иқлими – мўътадил, денгиз иқлими, ғарб ва шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон денгиз иқлими мўътадил континентал иқлимга ўта бора-

ди. Январнинг ўртача ҳарорати пасттекисликларда 1,5 даражадан тоғларда – 6 даражагача бўлади. Қишда ҳавоси сертуман, қорлар тез эриб кетади. Июлнинг ўртача ҳарорати пасттекисликларда 18 даражадан жанубий водийларда 20 даражагача боради.

Дарёлари: Эльба, Рейн, Дунай, Майн, Везер, Шире, Мозель. Йирик кўллари: Боден, Мюриц. Тоғлари асосан подзол, чимли подзол ва қўнғир ўрмон тупроқларидан иборат. Тоғларда қора қайин, дуб, оқ ва қора қарағай ўсади.

Аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи немислар; турклар, қисман дан (даниялик)лар ва голландлар яшайди. Шаҳар аҳолиси 85 фоиздан ортиқ. Расмий тили – немис тили. Диндорлари – протестантлар (лютеранлар 50 фоиздан зиёд) ва католиклардан иборат. Мусулмонлар ҳам кўп. Мамлакатда 7 миллиондан зиёд чет элликлар яшайди.

Йирик шаҳарлари: Берлин, Гамбург, Мюнхен, Кёльн, Франкфурт-Майн, Дортмунд, Штутгарт, Дюссельдорф, Ганновер, Нюрнберг, Лейпциг, Дрезден.

Энди қадрли ўқувчиларимизга Берлин шаҳри ҳақида батафсилроқ маълумот берсак. Берлин – Германия Федератив Республикаси пойтахти. Бу мамлакатда федерал маъмурий бирлик, яъни, ҳудудлар Ерлар деб аталади. Берлин ҳам федерал маъмурий

бирлик – Ерга тенглаштирилган. Шаҳар Шпре дарёси Хафель дарёсига қуйиладиган ерда, Шимолий ва Болтиқ денгизларига чиқиладиган каналлар бўйида жойлашган. Майдони қарийб 890 квадрат километр. Шаҳарнинг ғарби ва шарқида кўллар кўп, ҳавоси сернам. Январда – 0,06 даража, июлда – 18 даража иссиқ кузатилади.

Берлиннинг аҳолиси 3 миллион 400 минг (1995 йилги маълумот) кишини ташкил этади. Берлин ҳақидаги дастлабки тарихий маълумот 1244 йилга тегишли. У икки аҳоли пунктининг бирлашувидан ташкил топган. 1486 йилдан Бранденбург герцоглиги пойтахти бўлган. XVII асрда Франция ва Огемиядан келган қочоқлар ҳисобидан унинг аҳолиси тез ўсган. XIX аср Берлиннинг иқтисодий ўсишида муҳим давр саналади. Айни шу вақтда (1871 йил) у Кайзер империясининг пойтахти ва Европанинг йирик марказларидан бири сифатида шаклланган. Саноат бўйича Европада унга тенг келадиган шаҳар йўқ эди. 1945 йилгача Берлин Германиянинг энг йирик илм-фан, маданият ва сиёсий маркази бўлиб келди. 1933–45 йилларда Берлин гитлерчилар "учинчи рейхи"нинг пойтахти бўлди. 1945 йил 2 майда Берлин совет қўшинлари томонидан тўлиқ эгалланди. Урушдан кейин иттифоқчилар – АҚШ ва СССР Берлинни тўрт оккупация секторига бўлишди. Кейинча-

ик иттифоқчилар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли Берлин ҳам Германия каби икки қисмга – Шарқий ва Ғарбий Берлинга бўлинди ва ГДР аҳолисининг оммавий равишда Ғарбга ўтишини тўхтатиш мақсадида 1961 йилда "Берлин девори" (Шарқий Германия ва Ғарбий Берлин ўртасида умумий узунлиги 162 километр, жумладан, шаҳар доирасида 45 километр тўсиқ иншоотлар тизими қурилди. 70-йилларнинг бошида вазият бирмунча ўзгарди. 1989 йил 9 ноябрдаги сиёсий ўзгаришлар туфайли Берлин девори олиб ташланди. Кейин ГФР ва ГДР ўртасида 1990 йил 3 октябрда шартнома имзоланди, улар қўшилди. Бирлашган Германиянинг федерал пойтахти мақоми Бонн шаҳридан Берлинга ўтди. Берлиннинг сиёсий мавқеи ошиши билан унинг иқтисодиёти ҳам тез ривожланди. Кимё, фармацевтика, матбаа, оптика, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, машинасозлик (электротехника, электр приборлари саноати ривожланган. Умумий ва транспорт машинасозлиги соҳасида дунё миқёсида етакчи саноат корхоналари мавжуд.

Берлин фақат Германиянинг иқтисодий маркази бўлибгина қолмасдан, Европанинг йирик саноат марказларидан бири ҳамдир. Берлинда йирик банк ва кредит муассасалари жойлашган. Бу шаҳар мамлакатнинг энг йирик транспорт

йўллари туташадиган бўғин, бу ерда бир нечта вокзал ва аэропортлар бор.

Берлин радиал – доирасимон режа асосида қурилган ва ўз қиёфасини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Шаҳарда ўрта аср ёдгорликларидан готика услубига хос Мариенкирхе ва Клостеркирхе черковлари (XIII–XIV асрлар), барокко услубидаги немис тарихи музейи (1695–1706), Бранденбург дарвозаси (1788–1791), классицизм услубидаги опера театри, драма театри (1819–1821) ва бошқа қадимий бинолар сақланиб қолган. Шаҳарда кўплаб замонавий савдо-сотиқ бинолари, саройлар, уй-жойлар ва бошқа иншоотлар барпо этилган. Метрополитен қурилган. Ф. Гумбольдт номидаги университет (1809) ва махсус ўқув юртлари мавжуд. Маданий-маиший муассасалар, театрлар, музейлар, кутубхоналар, маданий галерея каби йирик бинолар жуда кўп.

Тўрткўл ҳокими Берлинни айланиб юрганида она юртни ташлаб келиб, шу ерда дарбадар юрган бир ҳамюртини узоқдан кўриб қолибди. Уруш йилларидаги иборалар ёдига тушибми, ногаҳон "Тўрткўлга юриш" деган сўзни тилга олибди. Сабабини сўрасам, "Биз барча ҳамюртларимизни ўз ота макони, она Ватанига қайтаришимиз керак. Улар Россия тупроғида бўладими, дунёнинг бошқа мамлакатларида бўладими, балки тўқ яшаётгандир, лекин асло

бахтли бўлолмайди. Бу – аниқ. Ахир, буюк Махтумқули бобомиз "Ёт элларнинг боғи билан боғчаси, ўз юртингни ёнтоғича кўринмас", деганлар. Кунлар келади, Ўзбекистонда биз бунга эришамиз, дедилар ишонч билан ҳоким дўстимиз.

Берлинда машиналар тез юрадиган махсус йўл бор экан. Ҳайдовчилар тезликни соатига 300 километрга етказиши мумкин экан. Аслида бу йўлни ўз вақтида Гитлер ўйлаб топган. Қурол-яроғни манзилга тез етказиш учун бу кўча "Автопан" деб аталган. Қолаверса, ҳарбий техниканинг тез юриши учун ҳам шундай йўл керак бўлган.

Фахриддиннинг фикрича, немисларда: "Биз дунёдаги энг зўр машиналарни чиқарамиз. Йўлимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак. Тезликни чегаралашга ҳаққимиз йўқ", деган фикр бор экан.

Менга маъқул бўлгани бошқа шаҳарларга нисбатан Берлинда 40-50-60 қаватли чиройли, кўркам бинолар кўп экан. Хуллас, кўрса, завқ олса бўлади. Ҳозирги вақтда тарихга айланган Берлин деворини бориб кўрдик. Кўплаб бинолар олдида суратга тушдик. Такси ҳайдовчи Айюб исмли 55 ёшли турк экан. Тўрт қизи, бир ўғли бор экан. Ниҳоятда ҳушчақчақ. Аранг бир-биримизни таржимонсиз тушуниб, суҳбат қурган бўлдик. Чунки Фахриддин Мирзоҳид билан Ўзбекистонга қайтиши керак бўлган ҳамроҳларимизни Франкфуртга кузатгани кетган

эди. Демоқчиманки, барибир таржимонсиз қийналдик. Сафарда бироз йўл азоби, бирмунча қимматчиликка ҳам чидаса бўлар экан. Аммо тил билмаслик азоби, мушкулоти барчасидан ўтиб тушди. Рости, ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Қанча-қанча олтиндан қиммат вақтимизни елга совурганмиз. Барча иккинчи, учинчи даражали ишлар, маишат учун вақт топганмиз, аммо тил ўрганишни хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Эндиги афсус ва надоматдан фойда йўқ эди. Ҳолбуки, бир асрдан зиёд вақт олдин Аваз Ўтардек боболаримиз тил ўрганишга даъват этган эди:

Ғайри тилин билгали саъй этинг, ёшлар,
Ким, касбу ҳунарлар сири андин аёндур.

Мен Фахриддинга: "Немислардан нимани ўргансак бўлади?" деб сўрадим. Унинг жавоби бундай бўлди: "Жамоатчилик одобига қатъий риоя қилишади. Битта одам кўпчилик ичида бирон саволга нотўғри жавоб берса, биздаги каби пиқ этиб кулиб юборишмайди. Бу ҳолни сезмагандек тутишади ўзларини. Немислар кўпчилик ичида бир кишини ҳеч қачон изза қилишмайди. Умуман, улар бировнинг устидан кулишни хуш кўришмайди.

Биз – ўзбеклар ўзимизни гоҳида ҳаддан ташқари меҳнаткаш, деб ўйлаймиз. Немислар бизга

нисбатан ҳам кўпроқ меҳнат қилишади, назаримда. Аккорд билан, яъни, байлаб олиб ишлашни ҳам ўрнига қўйишади. Немислар вақт билан қатъий ҳисоблашишади. Бизга ўхшаб "Ҳормангга келдик", деб бир-бирига халақит бермайди. Биз иш жараёнида истаган пайтда танаффус қилишимиз мумкин. Уларда бундай эмас.

Немислар жуда-жуда тежамкор, дунё халқлари ичида бежизга "немисча ҳисоб-китоб", деган ибора қўлланмайди. Озиқ-овқатга ҳам ўта тежаб-тергаб пул сарфлашади. Немисларда "эллик ёшдан кейин ўзим учун яшашим керак", деган кайфият ҳукмрон бўлади ва улар бунинг уддасидан чиқишади.

Ёш болаларда ҳам жамоатчилик маданияти яхши ривожланган. Хато бўлса ҳам болаларига ўз фикрларини очиқ айтишга, мустақил фикрлашга имконият яратишади. Китобга, кутубхонага муносабат немис жамиятида аъло даражада юксак. Уларда китобхонлик маданияти яхши шаклланган. Кутубхоналарга пенсияга чиққан аёллар боғча ёшидаги болаларга китоб ўқиб бериш учун ўз эълонларини осиб қўйишади. Саводхонлик ҳам юқори даражада. Мактабга ёш болаларни фақат ота-онаси ёки тайинланган одам олиб боради. Болани ёлғиз қолдиришмайди.

Такрор айтаман, немислар вақтдан унумли фойдаланишади. Вақтга худди пулдек муомала қилиша-

ди. Борадиган жойини бир кун олдин белгилашади. Белгиланган вақтдан бир-икки дақиқа олдин сизни кутиб олишади. Кечикиш, сабабсиз келмай қолиш уларда жуда қораланади. Бирон тадбирга кечиксангиз, ўзингиз ноқулай аҳволга тушиб қоласиз.

Немис халқи, миллатининг бу яхши фазилатларини самимият билан қабул қилган ҳолда, табиийки, кейинги саволим, "Уларнинг қайси одатларидан тийилиш керак?" деган маънода бўлди.

Фахриддин фикрида давом этди: "Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат аксарият ҳолларда ўта суст. Улар бизнинг ота-оналаримиз каби фарзандлари учун жонини бахшида қилолмайди. Болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Андиша деган фазилат улар учун ётроқ. Оила ўртасидаги оқибат риштаси ингичка. Ёш оилалар орасида ажралишлар жуда кўп. Энг мудҳиш одатлари бир жинслилар ўртасидаги никоҳ ва бунга давлат томонидан рухсат этилгани. Ҳар ким кўнгли тусаган ишини, бизнинг тилимизда айтганда, билган номаъқулчилигини қилади. Ҳатто аҳвол шу даражага етганки, 2010–2013 йилларда ташқи ишлар вазири бўлган, давлат миқёсидаги таниқли шахс – Вестор Велле эркак кишига уйланган.

Бу каби киши дилини хира қиладиган ҳолатларга Фахриддин билдирган фикр-мулоҳазалардан ташқари Европа давлатларини айланиш жараёнида ўзимиз ҳам кўп бора гувоҳ бўлдик. Дўконларда

фаҳшни, ҳаёсизликни тарғиб қилувчи истаган нарсангизни харид қилиб олишингиз мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Европа дўконларида "сунъий эркак", "сунъий аёл"нинг истаган тури сотилади. Буларни кўриб, беихтиёр ёқа ушлаб қоласиз, астағфируллоҳ, дейсиз. Наҳотки, охир замонга қараб одимлаб бораётган бўлсак, деб ўйлаб қоласиз. "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деганларидек, ота-боболаримиздан, кайвони момоларимиздан, улуғ аждодларимиздан мерос қолган меҳру оқибат, ахлоқу одоб, ибою ҳаё, иймону андиша нақадар буюк бойлик эканини юрак-юракдан ҳис қиламиз. Ана шундай буюк аждодларга авлод эканимиздан, ер юзи аҳолисига ибрат бўлгулик ўзбек миллати гўзал фазилатларидан шукрлар қиламиз.

Шу ўринда муҳтарам Биринчи Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби эълон қилинганидан кейин дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилингани, ўнлаб давлатларда бу асар тақдимотлари ўтказилгани бежиз эмаслиги ҳақида ўйлаб, кўксимиз ғурурга тўлади. Айни пайтда ёт элларда юриб, Яратгандан "бу покиза, бу саодатли, бу ёруғ йўллардан халқимизни ўзинг адаштирма", деб илтижолар қилганимиз ҳам бор ҳақиқат.

Биз Фахриддиннинг номини кўп тилга олдик. Келинг, аввал ўн беш йилдан бери Германияда мил-

латимизнинг ишбилармон, ўқимишли фарзандлари тимсоли бўлиб, ўз ўрни, ўз қадри билан ҳалол меҳнат қилиб юрган шу оқил йигитни тарбиялаб, камолга етказган отаси – олис сафардаги ҳамроҳимиз Очил ака Саидов ҳақида икки оғиз сўз айтмасак, албатта адолатдан бўлмайди.

ОЧИЛ АКАНИНГ ҚАЛБ ОЛАМИ

Очил ака Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилиб, камолга етган. Саккиз фарзанднинг – икки қиз, олти ўғилнинг падари бузруквори. Умрини маърифатга бағишлаган. Кўп йиллар ўрта мактабда кимё-биология фанидан ўқувчиларга сабоқ берди. Айни пайтда Жиззах шаҳрида яшаб, истиқомат қилади. Вилоят халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлайди. 58 ёшда. Фарзандларининг 6 нафари олий маълумотли.

Очил ака том маънода маърифатли инсон экани, умрини, ҳаётини фарзандлари камоли, илму одоби учун бахшида этгани ва бундан ўзи мамнун экани чеҳрасидаги нурдан, сўзидаги шукронадан кўриниб турарди. Одам гулга боқиб гулни, нурга боқиб нурни кўрмаслиги мумкин эмас, албатта. Шу маънода, маърифат фидоийси бўлган Очил аканинг дил сўзлари маърифатли инсон қалб оламидаги нурнинг маҳсули бўлиб туюлди менга.

"Яқинда бир китобда ўқиб қолдим, – дейди Очил ака, – умрни узайтиришнинг бир шарти сафар экан. Рости, ўн бир кундан бери Европа мамлакатларини айланиб, бу фикрнинг тўғри эканини ўз жисму жоним, қалбим билан сезиб, англаб турибман. Шунча кун автобусда юришнинг ўзи бўлмайди. Аммо бизнинг чарчоғимизни шу яшиллик, шу ўрмонлар оляпти, дея ўйлаб қоламан. Инсон ҳаётдан эзгулик излаши керак. Мени Европанинг табиати ва халқининг маданияти *лол* қолдирди. Ҳар бир халқда ибрат олса арзийдиган жиҳатлар бор. Муомала ва хизмат кўрсатиш маданияти, меъморлик маданияти, хуллас, яхши назар билан боққан одам яхшиликни кўради.

Яна биз кўрган юртлар фуқароларида меросга ҳурмат кучли экан. Сафаримиз менга маъқул, мазмунли ўтяпти. Тил ўрганиш, албатта зарурлигини ҳис қилдим. Инсон, имкон топса, яхшиликка, эзгуликка хизмат қилавериши керак экан. Агар хизматни уддасидан чиқолмаса, яхши ният қилиши зарур. Чунки халқимиз "эзгуликнинг эрта-кечи йўқ", деб бежиз лутф қилмаган.

Мен Европада юриб, ўзим эришолмаган ниятга фарзандларим эришаётганидан мамнун бўлдим. Нафақат Фахриддин, балки қизим Лола Саидова ҳам Германиянинг Нюрнберг шаҳрида олий ўқув юртининг иқтисодиёт факультетида таҳсил олади.

Немис тилини яхши билгани учун ўзи интернет орқали грант ютиб олган. Бу йил февралда ўқишни битиради. Бир ўзи эмас, Ўзбекистондан 9 нафар ўғил-қиз келишган. Бу ҳам ёшларимизнинг ақлу камолотда жаҳонга бас келаётганидан нишона.

Энди аллақачон бизнинг қаҳрамонимизга айланиб улгурган Фахриддин Саидов ҳақида гапирсак. Фахриддин 1979 йили таваллуд топган. Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олган. Институтда ўқиб юрганида тил ўрганган. Институтга ташриф буюрган юртимиздаги Германия элчихонаси вакиллари "Сен немис тилини яхши билар экансан", деб Падерборн шаҳрига 6 ойга ўқишга таклиф қилишган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларида заҳарли моддаларни бартараф этиш юзасидан илмий иш олиб борган.

Кейинги йилларда элчихона ходимларига ёрдам тариқасида Самарқанддаги ва юртимиздаги бошқа университетлардан Германияга келиб ўқиш истагида бўлган талабаларни имтиҳондан ўтказиб юрган. Хуллас, элчихона билан мустаҳкам алоқада фаолият юритган.

2012 йил Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасига ишга таклиф қилишади. 2014 йилдан бошлаб эса Берлинда ўзининг қонуний ташкилотини очади. Ҳозирги кунда бизнесменларни самолётга билет билан таъминлайди, почта хизмати кўрсата-

ди. Аёли немис тилидан бошланғич синфларга дарс беради. Фарзандлари шу ерда мактабда таҳсил олади. Бир сўз билан айтганда, хорижда қонуний йўл билан нонини ҳалоллаб еяётган миллатимизнинг муносиб фарзандларидан бири.

АССАЛОМ, ПОЛЯК ДИЁРИ!

Тартиб-интизомни ҳар недан яхши кўрадиган немис биродарларимиз билан хайр-хўшлашиб, яна қадрдон автобусимизга ўтирдик. Ўн-ўн бир кунда автобусимиз ҳам худди уйимизга ўхшаб қадрдон бўлиб қолди. Ҳар кимга ўз жойи аён. Ўрнига ўтириб хоҳласа, хаёл суради, хоҳласа, чор-атрофга термилади, уйини, юртини, яқинларини соғинади. Хаёлан улар билан суҳбат қуради. Уйқуни яхши кўрадиганлар эса мудрашни канда қилмайди. Хуллас, ҳар ким ўз хаёли, ўз орзу-умидлари ила банд.

Автобусимиз Берлиндан чиққанига уч соат бўлди, деганда Польша ҳудудига кириб келдик. Ёқилғи қуйиш учун тўхтадик. Бошқа давлатларда бўлгани каби Польшадаги ёқилғи қуйиш шохобчасида ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё. Асқар Акмал укамга, деб шу шохобчадаги савдо дўконидан беш еврога 4 дона пиво сотиб олди.

Польша ҳудудининг ўзига хослиги шунда кўринди: шу пайтгача фақат ўрмонлар ичидан ўтиб кел-

ган бўлсак, бу ерларда онда-сонда бир-икки дарахт, буталар учраб қолади. Дарахтлар ҳам унча катта эмас. Йўллар, чор-атроф теп-текис. Аста тонг отиб келмоқда. Ҳар икки тарафда машиналар серқатнов, ҳаво анча совуқ. Ташқарида қиров тушган. Вақти-вақти билан одатдагидек йўлдан фойдаланганимиз учун солиқ тўлаб боряпмиз. Европа йўлларида юк ташувчи катта машиналар ниҳоятда кўп юрар экан.

Европа йўлларида юришнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, ҳеч бир йўловчи кимдандир "бу йўл қаёққа олиб боради?" деб сўрамас экан. Машиналарда йўл харитаси бор. Автобусимиз ҳайдовчилари ўз компьютерининг мониторида қайси километрда, қаёққа қараб кетаётганини кўриб туради. Йўл ҳаракати юз фоиз автоматлаштирилган. Польша ҳудудида йўлнинг икки тарафи унча баланд бўлмаган симтўрлар билан тўсилган. Ҳеч бир инсон, ҳеч бир жонзот катта йўлга чиқиб, машиналар қатновига халақит бермайди.

Йўлнинг икки-уч жойида қуюқ дарахтзорлар кўринди. Яна текислик, буталар. Бошқа мамлакатлардан фарқи – Польша ҳудуди асосан текисликлардан иборатлиги кўриниб турибди. Назаримда, биз қибла тарафга қараб юряпмиз. Аммо уфқ тарафда қуёш худди ботаётганга ўхшаб кўринмоқда. Бир қарасангиз, ойга ҳам ўхшайди. Аслида тонг отмоқда. Ҳамроҳларимизнинг аксарияти ухлаяпти.

Тўғрисини айтсам, бошини болишга қўйган заҳоти пинак отишни бошлайдиган одамларга ҳавас қиламан. Ялангликларда аҳён-аҳёнда фермерларнинг уйлари кўриниб қолади.

Европа вақти билан соат 7:30 да Польша осмонида қуёш кўринди. Аммо нечундир бизнинг Ўзбекистонимиз қуёшига ўхшамас эди у. Бироз бўзрайганроқми-ей... Хуллас, биздагидек очиқ чеҳра билан боқиш қайда, денг.

Энди йўлимизда кичик-кичик ҳудудларда бўлса ҳам ўрмонзорлар учрай бошлади. Дарахтлар игнабаргли, танаси, шохлари йўғон эмас, аммо бўйи баланд, ниҳоятда тўғри ва бир текис узун ўсган дарахтлар. Арчалар ҳам бор. Ниҳоят, ўзимиз кўниккан, ўрмон билан қопланган ерларга ҳам етиб келдик.

Варшава шаҳрига етишга, айтишларича, чамаси 100 чақиримча қолган. Узоқ-узоқларда туман кўринса ҳам, аммо талай кунлардан бери биринчи марта қуёш, ўзимиздагидек бўлмаса ҳам, ҳарқалай, аҳвол нечук, дегандек, бошимизда кулиб турибди.

Римдан Варшавагача қарийб 5 минг километр йўл юриб, биронта йўл ҳаракатини назорат қилаётган полиция нозирини кўрмадик. Йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган ҳайдовчини ҳам учратмадик. Ҳар сафар қайсидир давлатда ибратга, ўрганишга арзигулик ишларни кўрсам, беихтиёр муҳтарам Биринчи Президентимизнинг "одамларимиз чет элга

чиқса, кўрса, онгу тафаккури ўзгаради", деган сўзлари қайта-қайта ёдимга тушаверди. Яна бир ўзига хослик шуки, катта автомагистраль йўлларда бирон жойда машиналар учун орқага бурилиб, қарши томондаги йўлга ўтиб олиш имкони йўқ. Бундай ҳаракат тақиқланган. Бордию шундай ҳолатга зарурат бўлса, катта кўприкларнинг ости ё устидан ўтиш мумкин.

Варшавага кираверишда йўлнинг икки, баъзи жойда бир тарафи тўрт метр баландликдаги металл девор билан тўсилган, Варшавага киришдан аввал Польшанинг "Ашан" супермаркетига кириб савдо қилдик.

Яратганга беҳисоб шукр, маҳаллий вақт билан соат 16:30 да Варшава шаҳрига кириб келдик. 31 қаватли меҳмонхонага жойлашдик. Оқшом бир таксига ўтириб, Варшавани томоша қилдик. Такси эгаси рус тилини чала-ярим билар экан. Президент маҳкамасини, тарихий иншоотларни, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатди. Тунги Варшава ниҳоятда гўзал, чироқлар оламида сеҳрланиб қоласиз. Еру кўк чароғон.

Шукрким, оқшомимиз кўнгилдагидек ўтди. Тонгда туриб Яратганга яна беҳисоб шукрлар қилиб, эсон-омон она диёримизга етиб олишни Худойимдан тиладик. Нонуштадан кейин Асқар билан шаҳар марказига бориб, драма театри, маънавият-

маърифат маркази, бошқа гўзал иншоотлар олдида расмга тушдик.

Польшада ҳам иш вақти 8:00 да бошланади, шекилли, йўлнинг икки тарафидаги метрога оқиб келаётган одамлар беҳисоб. Польшаликлар рус тилини билади, дейишганди. Амалда эса ундай эмас экан. Яна бир гап – Польшани Европа Иттифоқи аъзоси дейишгани билан аксарият дўконларида евро ўтмас экан.

Яна шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, Польшада бошқа давлатларга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари арзон. Биз уч киши учун харид қилган катта лагандаги гўшт, макарон, салат, нон, қайла билан роса тўйимли овқат, яна икки шиша пиво, икки шиша сув – барчаси 17 евро бўлди.

Умуман олганда, Польшада аҳоли учун яратилган имконият ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. Аввало, Ўзбекистонимиздаги каби бу ерда ҳам, боя айтганимиздек, маҳсулот арзон. Одамларининг чеҳраси ҳам тоза, кайфияти аъло. Хотин-қизлари хушрўй. Аммо ачинарли бир томони – навниҳол қизларнинг лунжида сабил қолгур сигарет.

Бизнинг қизларимиздаги шарқона ҳаё ва ибо, каттага ҳурмат, кишига тик боқмаслик, андиша каби гўзал фазилатларнинг қадрини шундай пайтларда янада чуқур ҳис этдик.

Албатта, ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, бошқалардан уларни ажратиб турадиган жиҳатлари борлиги шубҳасиз. Шу боис бизга эриш туюлган одатлар улар учун ёқимли бўлса не ажаб! Ёки аксинча, бизнинг удумларимиз уларга ғайритабиий туюлса, бунга ҳам зоримиз бор-у, зўримиз йўқ.

Польша Европа мамлакатлари орасида ўзига хос гўзаллиги билан ажралиб туради.

Келинг, азиз ўқувчи, Польша ва унинг пойтахти Варшава шаҳри ҳақида бироз суҳбат қурайлик.

Польша Республикаси – Марказий Европадаги давлат. Майдони 3127 минг квадрат километр. Аҳолиси 38,6 миллион киши (2002). Пойтахти – Варшава. Маъмурий жиҳатдан 16 воеводга бўлинган.

Амалдаги Конституцияси 1997 йил 25 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи – Президент. У Польша фуқаролари томонидан тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида, яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент (қуйи палата – Сейм ва юқори палата – Сенат), ижрочи ҳокимиятни Президент ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Польша – Висла ва Одра дарёлари ҳавзасида, шимолда Болтиқ денгизи, жанубда Карпат ва Судет тоғлари оралиғида жойлашган. Ҳудудининг 90

фоиздан кўпроғи текислик ва пасттекисликдан иборат, жануб тарафида тоғлар бор. Денгиз бўйлари пастлик ва қумлоқ ерлардир. Иқлими мўътадил, океан иқлими билан континентал иқлим ўртасида. Январнинг ўртача ҳарорати – 1–6 даражагача, июлники – 10–19 даража, ёмғир ва қордан сувга тўладиган Одра, Висла, Буг, Нотец ва Варта дарёларида кемалар қатнайди. Польшада 9 мингдан ортиқ кўл бор. Энг катта кўллари Снярдви (113,8 квадрат километр) Мамри (104 квадрат километр) кўлларидир.

Польша ҳудудининг ярмидан кўпроғи ҳайдаладиган ерлар, 28 фоизи ўрмон. Мамлакатнинг аксарият жойларида игнабаргли, ғарби ва жанубида кенгбаргли дарахтлар ўсади. Мамлакатнинг шимоли ва шарқида яхлит ўрмонзорлар мавжуд.

Польша Республикасининг пойтахти Варшава шаҳри ҳақида ҳам ҳар қанча гапирсак арзийди. Варшава воеводалигининг маъмурий маркази, мамлакатнинг энг катта шаҳри, сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий маркази. Висла дарёсининг ҳар икки соҳилида жойлашган. Иқлими – мўътадил, континентал. Аҳолиси 1,628 миллион киши (1997). Шаҳар 8 та маъмурий районга бўлинган.

Варшава тарихий манбаларда XIII асрдан бошлаб тилга олинган. У XV-XVI асрларда Мазовецкий князлиги, XVI аср охири ва XIX аср бошигача бутун Польша пойтахти бўлган. 1807–1813 йиллар-

да Варшава алоҳида князлик экан. Вена конгресси (1814-15) қарорига мувофиқ, Варшава Россия таркибига кирган Польша қироллигининг пойтахти, XIX асрнинг охиридан бошлаб йирик саноат шаҳри сифатида ривожлана бошлаган. 1915–18 йилларда Варшавани Германия қўшинлари босиб олади. У 1918 йилнинг кузидан бошлаб мустақил Польша давлатининг пойтахти бўлган. 1939 йил сентябрда Варшавани немис қўшинлари эгаллайди. 1945 йил 17 январда Варшава улардан озод қилинади. Ўша вақтдан бошлаб шаҳарни қайта тиклаш ишлари бошланиб кетади. Қайта тиклаш ишларининг бутун дунёдаги рамзи сифатида Варшавага Жаҳон фахрий мукофоти берилган (1950).

Варшава мамлакатдаги транспорт йўлларининг тугуни ва муҳим саноат маркази ҳисобланади. Шаҳардан 9 та темир йўли ва 9 та автомобиль йўли чиқади. Бу ерда 2 та дарё порти ва Окенце халқаро аэропорти бор. Машинасозлик ва металлсозлик (автоқурилиш, электротехника ва бошқалар), металлургия, кимё, матбаачилик, тикувчилик ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ривожланган.

Варшавада 15 та олий ўқув юрти, жумладан, Варшава давлат университети (1918 йилда ташкил этилган), Политехника институти (1915 йил), Польша Фанлар академияси, консерватория, 20 дан зиёд музей, Катта театр, Халқ театри мавжуд.

Меъморий ёдгорликлардан готика услубидаги Ян собори (1496), Қаср майдонидаги (1643) Сигизмунд Учинчи устунлари (1644) Красиньскийларнинг собиқ саройи (XVII аср), Вилянув (XVII аср) ва Лазенки (XVIII аср) боғ сарой ансамбллари ва бошқа обидалар сақланиб қолган бу қадимий шаҳарда.

ВАТАН СОҒИНЧИ

Ўйлаб кўрсам, соғинч деган биргина сўзда ҳам орзу, ҳам армон, қувончу алам ҳам мужассам экан. Дилида соғинчи балқиб турган одам доим орзиқиб, дийдорга талпиниб, кутиб яшайди. Эзгу орзу-ниятлари сари интилади. Шу маънода, Европа бўйлаб сафарга чиққан ҳар бир ҳамюртимиз қалбида, менимча (ўзимдан қиёс), соғинч тўлқинга айланган эди. Айниқса, сафаримиз поёнлаб бораётгани туфайли бу туйғу бутун вужудимизни қамраб олган эди.

Биз Полшадан Белорусь Республикасига қараб йўлга чиқдик. Чунки самолётимиз Тошкентга Минск шаҳридан учади. Шу боис ҳам ҳар биримизнинг кўнглимизда тезроқ аэропортга етиб борақолсак, деган ўй чарх урарди. Аммо олдинда ҳали 500 километрдан зиёд йўл азоби турибди. Варшава вақти билан соат 10:00 да автобусимизга ўтирдик.

Барчамиз Яратгандан юртимиз, оиламиз бағрига соғ-омон етиб боришни сўраб, холис ниятлар қилдик.

Мана, Польша қишлоқлари оралаб кетиб боряпмиз. Йўлнинг ҳар икки тарафи ғир-ғир ўрмонзор. Мушук изидек қалинликда енгил қор ёғиб ўтган. Ногаҳон қуёш чиқиб қолди, денг, биз соғинган қуёш. Хаёлга яна Ўзбекистонимиз келади.

Тўрт-беш соатдан сўнг Польшанинг кузатув чегара постига етиб келдик. Кутилмаганда чегара постида икки-уч соат қолиб кетишимизга тўғри келди. Поляк чегарачиларининг ўзига хос даъволарию йўл қонун-қоидалари анча вақтимизни олди. Кейин Белорусия постидаги назорат ҳам анчагина хит қилди. Хуллас, дилимизга ғулув тушди. Чунки самолёт кеч соат 9:10да учади-да! Соат эса кечки бешдан ошиб боряпти. Рости, биз Минск шаҳригача бўлган йўлни, назаримда, тиканзорни оралаб ўтаётган одамдек хавотир, ваҳима билан босиб ўтдик, десам, муболаға бўлмайди. Ваҳимамизга асос – самолётимизга улгурмаслигимиз кундек равшан бўлиб бораётган эди. Камида 30-40 дақиқага кечикишимиз аниқ бўлиб қолди. Шу жойда гуруҳимиз раҳбари яна ўзининг ташкилотчилигини кўрсатди. Тегишли жойларга қўнғироқ қилиб, самолётга кечикаётган одамлар бир-икки нафар эмас, нақд 29 киши экани боис аэропорт раҳбарлари билан келишиб олди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлар ҳақиқий тадбиркорлигини кўрсатди. Уларнинг шарофати билан хорижий мамлакат самолёти ҳам бизни кутиб

турадиган бўлди. Елкамиздан тоғ ағдарилгандек бўлди, десам, ишонаверинг.

Шошилинч аэропортга кириб бориб, рўйхатдан ўтиб, чипталаримизни расмийлаштириб, юкларимизни топшириб, кутиш залида бизга интизор ёки асабий боқиб турган бошқа йўловчилар ичига кириб бордик.Шу онда кўзимиз яшнаб кетди, денг. Ўзи сафарда кутилмаган, тасодифий ишлар, ғайриодатий саргузаштлар бўлиб туради, дегани ҳақиқати рост экан. Тошкентдаги Миллий театримизнинг бир гуруҳ таниқли актёрлари Минск шаҳрига бир ҳафталик гастролга келишган экан. Мусофир юртда, соғинчдан, хавотирдан энтикиб турган пайтимизда қаршимизда Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрстган артистлар Фатҳулла Маъсудов, Лола Элтоева ва бошқа бир қанча юртдошларимиз юзларида ўзбекона самимий меҳр, табассум билан бизга пешвоз чиқиб турарди. Самолётга улгурганимиз чексиз қувонч бўлса, 12 кун Европа бўйлаб юрган одамлар учун элу юртининг азиз инсонлари билан мусофир юртда рўбарў келиш барчамиз учун Яратганнинг яна бир кутилмаган инояти эди...

Мана, фазодамиз, ҳаяжонимизнинг чеки йўқ. Самолётимиз Тошкент аэропортига оҳиста қўнга-

нида "Боинг-759" самолётининг салони қарсаклар садосига тўлди.

Ота-боболаримизнинг "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас", деган ҳикматли сўзлари қанчалик чуқур маънога эга эканига, мана, яна бир бор иймон келтирдик.

Самолётдан тушиб, юртимизнинг мусаффо ҳавосидан кўксимизни тўлдириб нафас олдик. Яратганга яна ва яна бир бор беҳисоб шукрлар қилдик. Ҳаётимизнинг бирон дақиқасини ўзбек халқисиз, Ўзбекистонсиз тасаввур қилолмаслигимизни, яқинларимиз, шу миллат аҳлининг дийдори бизга бу дунёдаги барча неъматлардан аъло эканини янада чуқур ҳис этдик.

Улуғ пойтахтимиз тупроғига қадам қўяр эканмиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Азим Тошкент – Ватанимизнинг бош шаҳри, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли, барчамиз фарзандлик меҳри ва садоқати билан севиб, талпинадиган буюк ва мўътабар шаҳар" деган сўзлари барчамизнинг қалбимизда акс садо бергандек бўлди.

ТЎРТКЎЛ ТУМОРЛАРИ

Сафаримиз баёни, шарҳи ва шукронасига нуқта қўйишдан олдин, ҳамроҳларимиз – қорақалпоқ шунқорлари бўлмиш тўрткўллик қа-

дрдонларим ҳақида айтадиган талайгина дил изҳорларим бор.

Битигимиз аввалида баён қилганимиздек, Европа бўйлаб сафаримиздан мақсад – юртимизнинг фермерлари, тадбиркорлари, ишбилармонлари билан бирга аввало дунё кўриш, шу аснода тажриба алмашиш, иш ўрганиш, тараққий этган мамлакатларнинг ўзига хос ёруғ йўлларидан ибрат олишдан иборат эди. Мақсад – бизнинг заминимиз, тупроғимиз, табиатимиз бошқа юртлардан минг чандон афзаллиги, фермерларимиз орасида Европанинг манаман деган фермерларидан қолишмайдиган, айрим масалаларда ҳатто уларни чангида қолдирадиган уста ва миришкор бободеҳқонлар борлигини кўрсатиш, уларнинг меҳнати, илми ва тажрибасидан завқланиш, ғурурланиш, сурурланиш. Шу маънода, бу оқ қоғозга битилаётган кечинмаларимизни, азиз ўқувчим, европа сайёҳати давомидаги ҳайрат ва шукроналик туйғуларининг давоми, наинки давоми, балки авжи чўққиси – кульминацияси сифатида қабул қилгайсиз.

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл тумани ҳокими Ғофиржон Ҳожиев билан бўлган суҳбатимизда аввалроқ тилга олганимиздек, у киши туманнинг фидойи фарзандларини эҳтиром билан "Булар – Тўрткўл туморлари", деган эдилар. Сафаримиздан олти ойча ўтгач, тўрткўллик

ҳамроҳларимиз амалга ошираётган ишлар билан танишиш мақсадида, ҳокимнинг таклифига биноан, Асқар Бойбўсинов билан биргаликда Тўрткўлга ташриф буюрдик.

Биз юқорида Тўрткўл тумани ҳақида батафсил маълумот берганимиз эсингиздадир. Шу боис энди сафарда бизга ҳамроҳ бўлган тўрткўллик фермер ва тадбиркорлар, уларнинг Европа сафаридан кейин амалга ошираётган ишлари хусусида фикр юритишни ният қилдик.

Бизни аэропортда сафардаги ҳамроҳларимиздан бири – Тожиддин Сафарниёзовнинг ўғли, туркман йигити Дилмурод кутиб олди. Аввало шуни айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикасида 150 мингга яқин туркман миллатига мансуб фуқароларимиз истиқомат қилади. Тожиддин Сафарниёзов туркман диаспорасининг фаол аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати. Айни пайтда "МЭРВ" фермер хўжалигининг раҳбари. 50 гектар ернинг 10 гектарига ғалла, 20 гектарига пахта, 10 гектарига шоли экишади, 10 гектар ерда боғ етиштиришади. Шунингдек, фермер хўжалигида 100 бош қорамол, қўй, туя, товуқ боқилади. Хўжаликда ўн киши иш билан таъминланган.

Оиласида икки ўғил, икки қизи бор. Ўғилларининг бири ички ишлар тизимида, бири туман кадастр бўлимида ишлайди. Бундан ташқари, фер-

мер хўжалигида иссиқхона ҳам мавжуд. Даромад меҳнатга яраша.

Барча миллату элат вакиллари қатори туркманлар учун ҳам юртимизда ҳамма шароитлар яратилган. Туманда туркман тилида ўқиш олиб бориладиган ўндан зиёд мактаб бор. Хуллас, Тожиддин ака ҳам ишбилармон фермер, ҳам фаол жамоатчи сифатида туманда ўз ўрни ва қадрига эга.

Тожиддин аканинг ўғли Дилмурод бизни туман ҳокимлиги меҳмонхонасига олиб борди. Нонушта қилиб, туманда олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида йўлга чиқдик. Бизга ҳоким ёрдамчиси Лутфилло ҳамроҳлик қилди.

Илк ташрифимиз "Намунали Қурбонбой ота" фермер хўжалигига бўлди. Бу ерда Баҳром Уразимбетов раҳбар экан. Бу фермер хўжалигининг ўзига хослиги шундаки, туманда энг катта, 3 гектардан зиёд иссиқхонаси бор. 1,5 гектар ерда помидор, 1,5 гектар ерда бодринг етиштирилади, 40 сотихда лимонзор мавжуд. 1,5 гектар иссиқхонадан йилига 100 тонна ҳосил олинар экан. Бодринг 40 кунда ҳосилга киради. Ҳозирги вақтда лимонзор кенгайтириб борилмоқда. Лимонлар ўсиб етилгунча уларнинг орасига помидор экилади. Фермер хўжалигининг умумий ер майдони 8 гектардан иборат. Бу ерда 26 киши иш билан таъминланган. Бир гектар ерда ҳовуз барпо этилиб, балиқчилик йўлга қўйилган,

3 гектар ерда интенсив боғ ташкил этилган, ғоз, ўрдак боқилади.

Бу ерда иш бошқарувчи бўлиб ишлаётган муҳтарам инсон 75 ёшни қаршилаган, Тўрткўлда туғилиб, камол топган, пенсия ёшига қадар санитар шифокор бўлиб ишлаган, ўн фарзанднинг пири бадавлат падари бузруквори Ёқуб ота Авазматов. У киши бизни хўжалик ишлари билан таништириш учун йўл бошлар экан, қадам олишларига, шижоатига ҳавасимиз келди. Болалиги уруш йилларига, ўсмирлиги урушдан кейинги машаққатли даврга тўғри келган, очлик нима, йўқчилик нима эканини ўз кўзи билан кўриб, қанча азоб-уқубатларни бошидан кечирган отахоннинг ҳаёт ҳақидаги ўзига хос қарашлари ва улар асосида шаклланган ҳаётий фалсафаси бор. Ҳалол меҳнат ва ҳаракатдан тинмаган одамнинг юзи ҳамиша ёруғ, рўзғори доимо бут бўлади. Бундай кишилар ҳаётдан ҳеч қачон нолимайди.

Ёқуб ота 2012 йил Маккаи мукаррамага бориб, ҳаж сафарини адо этганларини айтганларида бу инсонга бўлган меҳримиз янада товланди. Егани олдида, емагани ортида, уйда ўтирса ҳам барча нарсаси муҳайё, ўғил-қизлар атрофида парвона. Аммо юртимиздаги бугунги буюк бунёдкорлик, улкан ўзгаришлар, хайрли ишлар отахонни бир четда томошабин бўлиб тургани қўймайди. "Юрсангиз, ҳаракат қилсангиз, қон ҳам яхши айланади, одамларга

кераклигингизни ҳис қилсангиз, ўзингиздан рози, ҳаётдан кўнглингиз тўқ бўлиб яшайсиз, ҳар куни шу фермер хўжалиги ҳудудида 4-5 километрча йўл босаман», дейди Ёқубжон ота чеҳрасидан нур ёғилиб.

Фермер хўжалигида ишчи, меҳнатчилар учун барча шароитлар яратилган. Тушликка иссиқ овқат қилинади. Агар помидор, бодринг териш керак бўлса, одамлар ишга эртароқ келишади, қолган пайтларда соат тўққизда иш бошлашади. Индира Қурбонназарова, Ойимгул Байикеева каби фермер хўжалиги аъзоларининг биз билан суҳбатда мамнуният билан айтган гаплари ишчилар учун яратилган шароит ҳақиқатан ҳам яхши ва муносиб эканини тасдиқлади.

Музаффар Абдуллаев бу даргоҳга Андижон вилоятининг Улуғнор туманидан келиб меҳнат қилар экан. Асосий иши – лимончилик. Лимонни парвариш қилиб, ҳосилга киргазиб беради. Боя айтилганидек, лимон етилгунича оралиғига помидор экиб, уларга ҳам қарайди. Ўзининг айтишича, Музаффарни водийда ҳамма лимончилар танир экан. Хўжалик аъзолари ҳар йили лимон, апельсин, мандарин кўчатларидан минг туп миқдорида сотишади. Музаффарнинг ёнидаги ҳамкори, ҳамкишлоғи Равшанбек Сиддиқов. Иссиқхоналар ўтин ва кўмир билан иситилади. 7 йилда ҳар бир туп лимон 200-300 килограммдан ҳосил бера бошлайди. Лимон

бир йилда 5 марта гуллайди. Апрель, май, июнь ойларидаги гулларини октябрдан декабргача пиширади. Август ойида контовка қилинади, яъни текисланади. Биринчи тупдан туриб қарасангиз, пайкалнинг охиридаги туп текис кўриниши керак. Хўжалик миришкорлари ана шундай усулда Жиззах шаҳрида, Тошкент вилоятида, Тўрақўрғонда, яна кўплаб ҳудудларда талайгина лимонзорлар бунёд этиб беришган. Кўнглимдан ўйлар кечади: вақти келиб ҳали Европадан ҳам буюртма, таклиф ва талаблар тушса, ажабмас.

Дарҳақиқат, бу ердаги ўз ишининг устаси бўлган одамларни, уларнинг меҳнати, Қорақалпоғистон шароитида яратаётган мўъжизаларини бутун дунёга намуна қилиб кўрсатса, арзийди. Қўллари қадоқ, юзлари дашт офтобида қизарган, юзларида самимият балқиб турадиган бу меҳнаткаш ва камтарин инсонлар билан суҳбатлашиш кўнгилга ажиб ёруғлик, фараҳ олиб киради. Одамнинг ҳаётга, ҳалол, покиза ишларга меҳри, муҳаббатини оширади. Юртимизда Музаффар каби ўз ишининг устаси бўлган миришкорлар, фидойи инсонлар кўплиги Ўзбекистонимизнинг энг катта бойлиги. Айнан шундай ватандошларимизнинг меҳнати билан йил сайин мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланиб, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун диёримиз янада обод ва фаровон бўлиб бораётгани-

дан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Биз "Намунали Қурбонбой ота" фермер хўжалигидан ана шундай улкан таассурот ва аъло кайфият билан кейинги манзил сари отландик.

Кейинги ташрифимиз эса чорвачиликка ихтисослаштирилган кўп тармоқли "Қорақалпоғистон универсал инвест" фермер хўжалигига бўлди. Қутлимурод Сотамов раҳбар, Жамолиддин Ёқубов иш бошқарувчиси бўлган бу хўжаликда Белорусь Республикасидан 167 бош наслли сигир олиб келинган, 2015 йили май ойида уларнинг ҳаммаси болалаган. Ҳар бир сигир ўртача 25–27 литрдан сут беради. Фермерлар давлатдан 455 миллион сўм кредит олиб, сутни қайта ишлайдиган цех бунёд этишган. Бу ерда пишлоқ, творог, бринза, қаймоқ каби 7 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Фермер хўжалигида наслчилик ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Сурхондарёдан 55 бош гусар зотли қўйлар олиб келиб боқилмоқда. Бундан ташқари, хўжаликда от, асалари ҳам бор. Азаматлар катта майдонда мевали боғ яратишган.

Бундан уч-тўрт йил олдин Германиядан олиб келинган буқалар семириб, ўртача 1300–1500 килограммдан гўшт бермоқда. Ҳозирги кунда Қутлимурод ака ана шу буқаларнинг "Ўзбекистон-Голштейн" зотини яратиш устида иш олиб боряпти.

Тиниб-тинчимас, ўз ишига бор вужуди билан киришадиган, ғайрат-шижоатли одамлар яхши ният билан қайси ишга қўл урса, Яратганнинг ўзи файзию баракасини берар экан. Халқимиз "Интилганга толе ёр" деб бежиз айтмаган. Хуллас, Қутлимурод Сотамов ҳам замон билан ҳамнафас, яратиш ишқи билан ёниб яшаётган ҳамюртларимиздан, ўз қишлоғининг таянч устунларидан бири экани бизни бениҳоят мамнун этди.

Азиз ўқувчим, ҳаётда ўзингиз кўп бор гувоҳ бўлгандирсиз, одатда ўқиган, изланган, дунё кўрган одам илк суҳбатданоқ ақлу тафаккури, юз-кўзидаги меҳр тафти, сўзидаги маъно билан қалбингизни забт этади. Бундай инсонлар билан мулоқот қилиб, янги дунё топгандек бўласиз.

Кейинги суҳбатдошимиз Европа бўйлаб сафаримизда ҳамроҳ бўлган, кўпчилик орасида ўз илмий савияси, тафаккур даражаси билан ажралиб турган, доимо самимий табассум қилиб юрадиган Эргаш Аллаёрович Худоёров бўлди. Эргаш ака Тўрткўлда тадбиркорликка илк бор қўл урганлардан бири, шу соҳада ўз ўрни, ўз мактабига эга бўлган инсон. 1987 йилда биринчи бўлиб Нукусда ҳам, Тўрткўлда ҳам музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳозирги кунда Нукусдаги музқаймоқ цехида 10 киши ишлайди. Тадбиркор сифатида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ишини йўлга қўйган. Эргаш ака

ҳаммаси бўлиб 35 кишини иш билан таъминлаган. Илёсбек, Бехруз, Нилуфар каби набиралари транспорт хизмати кўрсатиш билан машғул. 6 та "Камаз", чет элдан келтирилган, юк ортиб берадиган иккита машинаси бор, айни пайтда улар ерни ковлаб ҳам беради. Масъулияти чекланган жамият таркибида қаҳвахона, ошхона, истироҳат боғида болалар учун музқаймоқ маркази ишлаб турибди.

Фермер хўжалигида яна бир замонавий техника – Россия – Италия қўшма корхонасининг "Виннекес" машинаси Вахтель фирмасидан олиб келинган. Хўжаликда ана шу техника ёрдамида 11-12 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Новвойхона бир кеча-кундузда 5 минг дона нон чиқариш қувватига эга. Бундан ташқари, хўжаликда соатига 130 килограмм макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехи бор.

"Тўрткўл дон пахтаси" фермер хўжалигини Эргаш аканинг ўғли Илҳом Худоёров бошқаради. У Польшадан 25 бош зотдор қорамол олиб келган, 50 бош қўйи ҳам бор. Илҳомбойнинг хўжалигида 48 гектар ерга пахта экилади. 10 гектар ердаги мош, қовоқ, қовун чет элга экспорт қилинади. Хўжаликда икки минг бош парранда боқиляпти.

Сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, Эргаш ака сўзию иши бир, замон билан ҳамнафас, оламга ҳам, одамга ҳам зийрак назар ила боқадиган ин-

сон. Тўрткўллик кўплаб тадбиркорларнинг устози, маслаҳатчиси. Эл ичра обрў-эътибори ҳам шунга яраша юқори, ҳамиша эъзозу эътиборда. Бу камтар ва самимий инсон Тўрткўлнинг азму шижоатли йигитларидан, тадбиркорларидан яна бири Дониёр Юсупов 45 ёшда, бир қизи, икки ўғли бор. Ўғиллари олий маълумотли. Бири – банк ходими, иккинчиси – Тошкент шаҳрида лойиҳалаштириш институтида ишлайди.

Дониёр Юсупов "Бунёдкор-Қорақалпоғистон" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, туманда ирригация-мелиорация ишларини бажаради. Дониёрнинг жўшқинлиги, ғайратини исботлайдиган бир мисол. Европа сафарига тегишли ташкилотлардан рухсат олишда бир кун кечикиб қолгани боис гуруҳдан қолиб кетган. Аммо бир кун кейин ўзи йўлга чиқиб, Истамбул орқали Италиянинг Турин шаҳрида бизга, сафардошларга қўшилиб олган.

Туманда 1860 гектар заҳкаш, лойқа босган каналлар, зовурлар бор. Дониёр раҳбарлик қилаётган масъулияти чекланган жамиятда 80 киши меҳнат қилади. Ҳар йили қарийб 250 километр зовурлар тозаланади. Давлат унитар корхонаси билан биргаликда иш олиб боради. Аммо ортда қолаётгани йўқ. Давлатдан етарли кредит олган. Биргина экскаваторнинг ўзидан 11 та бор. Умуман, хўжаликда 40 дан зиёд турли маркадаги Хитой, Ко-

реядан олиб келинган замонавий техникалар мавжуд. Икки миллиард сўмга лизинг асосида техника сотиб олинган. Дониёрнинг ўзи бульдозерми, экскаваторми, истаган техникани ҳайдаб кетаверади.

Ишчиларнинг энг кам ўртача ойлиги 500 минг сўмни ташкил этади. Ишига, меҳнатига қараб, 3 миллион сўм маош оладиганлар ҳам бор. Хўжаликда ишбай усулида, яъни қилинган иш ҳажмига қараб ҳақ тўланади. Йиллик айланма маблағ хўжаликда 5-6 миллиард сўмни ташкил этади. Туманда 22 минг гектар ер бўлса, 12 минг гектар ерга пахта, 3 минг гектар майдонга ғалла экилади.

"Мен ўзимча раҳбарни ташкилотнинг кўрпасига қиёс қиламан, – дейди Дониёр. – Кимнинг усти очилиб қолса, ёпиб қўйиш керак. Раҳбар ҳар ишчининг ҳаёти, оиласи, саломатлиги, ҳатто кайфиятидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Чунки биз бир оиламиз. Кимнинг тўйи, кимнинг азаси, бетоблиги ҳеч қачон назаримдан четда қолмайди. Ташкилотда 5 нафар олий маълумотли мутахассис кадр ишлайди".

Ташкилот қошида "Супер балиқ" фермер хўжалиги ташкил этилган. 4 та ҳовузда уч йилдан бери 4-5 турдаги балиқ боқилади. Мақсад – туман аҳлини тирик балиқлар билан таъминлаш. Ҳозирги кунда хўжаликда 60 тонна балиқ бор. Ер майдони Амударё бўйида бўлгани боис алоҳида электр подстанцияси бунёд этилган. 150 гектар

ер ўзлаштирилиб, шоли экилди. Дониёрнинг ўзи яна тегирмон ҳам қурди.

Чет элдан зотдор моллар олиб келиб, боқиш мақсадида молхона учун жой тайёрлаб қўйилган. Бундан ташқари, 50 гектар ерда ўрдак боқиш режалаштирилмоқда. Дониёр Юнусов билан суҳбатлашган сарингиз асл фидойи одамнинг имконияти, қобилияти ҳақиқатан ҳам юксак бўлишини чуқур ҳис этиб, унга тасанно дейсиз.

Ҳаёт тажрибасидан маълум, сўзи билан иши бир инсонларнинг оила тутими ҳам кўп нарсани англатади. Қорақалпоғистонга борган кунимиз кечаси туман ҳокими раҳбарлигида Европа сафарида бирга бўлган дўстлар билан Дониёрнинг хонадонига бордик. Дониёрнинг ҳовлисига киравериш да 10–15 сотих жойдаги боғи, оила учун экилган помидор, булғори қалампири, бақлажон, бодринг апрель ойида қийғос гулга кирган, айримлари мева ҳам туккан. Ҳовлисидаги қулупнайни кўриб, бир ҳайратимизга юз ҳайрат қўшилди. Фақат "умрингиздан барака топинг, қўлингиз дард кўрмасин", деб моҳир фермерни олқишладик.

Европа сафаримизда ҳамроҳ бўлган, етти авлоди чорвадор ўтган, ўзини еттинчи авлод вакили деб биладиган Бекжонбой Бобожоновнинг кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюрдик.

Бекжонбой 40 ёшда. Отаси – Тўхтабой ака, онаси – Бибиҳожар ая икки ўғил, уч қизни камолга етказган. У бир умр чорвачилик қилган. Ҳозир ҳам фарзандларининг яқин маслаҳатчиси. "Лочин чорва комплекси" 2010 йилда ташкил этилган. Бўрдоқичиликка ихтисослаштирилган, 80 гектар ер бириктириб берилган хўжаликда 11 киши меҳнат қилади. 21 гектар ерда беда, 3 гектарда озуқабоп лавлаги, қолган майдонларда маккажўхори экилади.

Тошкент шаҳри аҳолисини арзон, сифатли гўшт билан таъминлаш мақсадида бу борадаги савдо ишларида 2011 йилдан буён фаол қатнашиб келади. 2014 йилдан бери Миробод бозорида 120 тонна гўшт сотишди. Хўжаликда ишчилар учун барча қулай шароитлар яратилган. Ўтган йили 45 миллион соф даромад олишди.

Аёли Раънохон раҳбарлигида "Обод Тўрткўл" фермер хўжалиги ҳам ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Оиладаги тўрт фарзаднинг тўнғичи Жавлонбек ҳам ота изидан бораётган чорвадор. Унинг фермер хўжалигида 30,8 гектар ерга ғалла, 26,6 гектар ерга пахта экилади. Етти гектар ерда янги узумзор бунёд этилди. 2016 йили ҳар гектар ердан 26 центнер ўрнига 35 центнердан ғалла олиниб, давлатга сотилди. Пахтанинг гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди. 24 миллион соф даромад қилишди. Хўжаликда 12 киши

иш билан таъминланган. Ғалла ўриш комбайнидан тортиб, барча зарур техника воситалари етарли.

Бекжонбой Германияга бориб келганидан кейин 212,5 миллионга "Вахтель" фирмаси ишлаб чиқарган нон пиширадиган замонавий машина олиб келинди. Бир кеча-кундузда 5 минг дона нон пишириш имкониятига эга. 8 турдаги нон маҳсулотлари Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларига тарқатилади. Бу йўналишда 10 киши иш билан таъминланган.

Келгусидаги режалар ҳам улкан. 2017 йилда "Лочин чорва комплекси"ни кенгайтириш учун қўшимча 100 гектардан зиёд ер ажратилди. Халқ банки томонидан бу лойиҳа 4 миллиард сўм миқдорида кредит билан қўллаб-қувватланмоқда. Ана шу маблағ ҳисобидан чет элдан 300 бош зотдор қорамол олиб келиняпти. Чорвачилик комплекси қайта реконструкция қилиниб, қўшимча техникалар сотиб олинмоқда. Маррага чин дилдан интилган етар, деганларидек, Бекжонбой Бобожонов ҳар бир кунини мазмунли қилиш учун елиб-югуриб яшаётган фидойи фермер, замондан заррача ортда қолишни истамаган ишбилармонлардан ҳисобланади.

Тўрткўллик яна бир тадбиркор, сафардаги ҳамроҳимиз ҳақида гапиришдан олдин шу ўғлонни, аниқроғи, 7 йигитни тарбиялаб, камолга етказган, табаррук 82 ёшни қаршилаган Уллижон ая ҳақида сўз юритсак. Бу табаррук онахонни том маънода замони-

мизнинг Фармонбибиси дейиш мумкин. Тўрт ўғли билан тўрт бора ҳаж зиёратига бориб келган, тўрт келинни бир хонадонда аҳилу иноқ, бахту саодатли яшашга ўргатиб келаётган онахон. Умр йўлдоши раҳматли Холиқберди ака 1972 йили қазо қилиб кетганлар. Ая мактабда ишлаган, бўш пайтларида этик тиккан, косибчилик қилган. Ўғилларининг 6 нафари олий, кенжаси ўрта махсус маълумотга эга. Тўнғич ўғли – Камолиддин Тошкент шаҳрида яшайди. Отабой, Ҳожибой, Озодбой, Жабборберди, Қувондиқ, Шокир Тўрткўлда меҳнат қилишади. Барчаси оилали, бугунги кунда ҳар бири ўз уйига, ўз бахтига эга. Аммо ҳамон Уллижон момонинг чизган чизиғидан чиқиш йўқ. Онахон нима деса, шу бўлади. Бу – энг тўғри йўл. Чунки, муборак ҳадисларда айтилганидек, жаннат – оналар оёғи остида. Онани рози қилган, унинг дуосини олган икки дунё саодатига эришади.

Европа сафарида бизга ҳамроҳ бўлган Шокир Бобожонов оиланинг кенжа фарзанди, 46 ёшда. "Супер МИКС Реал" масъулияти чекланган жамияти раҳбари. 2008 йилдан эътиборан шлакдан блок ғишт, шпакиловка, бўёқ ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаради.

Ака-укалар ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтириш мақсадида чекка қумлоқ жойдан икки гектар ер, давлатдан кредит олишиб, яна етмаган жойига ўзларидан қўшиб икки миллиард сўмга янги завод

қуришди. Ҳозирги кунда корхонада икки турдаги кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда, 12 киши иш билан таъминланган. Агар бугун корхона 5 тонна маҳсулот чиқараётган бўлишса, тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, идиш-товоқ ювадиган воситалар ишлаб чиқариш эвазига маҳсулот ҳажмини 10 тоннага етказишмоқчи. Табиийки, шунга яраша янги иш ўринлари ҳам пайдо бўлади. Беш ака-уканинг топган-тутгани ўртада. Ҳали таъкидлаганимиздек, онахоннинг дуоларини олиб, кам бўлишаётгани йўқ. Тўрткўлда бу хонадонга барчанинг ҳаваси келади. Ниятимиз – онахон яна кўп йиллар омон бўлиб, фарзандларига бош-қош бўлиб юрсин.

Тўрткўлнинг аҳдида қатъий, қалби жўшқин, меҳнатдан, машаққатдан чўчимайдиган, фидойи тадбиркор фарзандларидан яна бири Шуҳрат Ражабов, десак, буни юрт аҳли ҳам ифтихор ила тасдиқлайди. Боиси – бугун нафақат Тўрткўлда, балки бутун Қорақалпоғистонда "Антиқа" балиқчилик фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар ҳам шов-шувга, ҳам эъзозу эътиборга сазовор бўлмоқда.

Туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши туфайли дастлаб бир гектар майдонда ҳовуз бунёд этиб, Хоразм балиқ маҳсулотлари корхонасидан 3200 дона уруғлик майда балиқ келтирган ва ўз фаолиятини бошлаган Шуҳратжон бугун 25 гектар ердаги сув ҳавзасида балиқ етиштириш бўйича ўз мактабини яра-

тишга эришди. Доимо куйиб-пишиб юрадиган бу шижоаткор инсон иш учун ҳеч қачон вақтини ҳам, маблағини ҳам аямайди. Ўзбекистоннинг қайси ҳудудида балиқчилик борасида бирон янгилик эшитса, албатта эринмасдан ўша жойга бориб тажрибани ўрганиб келади. Соҳа мутахассислари, олимлар билан доимо бамаслаҳат, ҳамкорликда иш олиб боради. Уларнинг тавсиялари билан бир қатор чет давлатларда ҳам бўлиб, тажриба алмашиб, иш ўрганиб қайтди.

Аввало, Ўзбекистон Экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан кўрсатилган амалий ёрдам ва банк кредитлари ҳисобидан ишончли фаолият учун тўлиқ асос, пойдевор яратиб олди. Кейин "Хоразмбалиқ" масъулияти чекланган жамияти мутахассисларининг амалий ёрдами билан майда увулдириқлардан балиқ етиштириш сирларини ўрганди. Мамлакатимизда Балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази ҳамда Янгийўл туманида балиқ личинкалари етиштириш хўжалигида уруғдан балиқ кўпайтириш жараёнларини кузатиш асносида 2010 йилга келиб ўзининг "Антиқа" балиқчилик фермер хўжалигида балиқ кўпайтириш цехини қуриб, аввалига ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос урғочи балиқлар тўдасини шакллантирди.

2013 йил Туркия давлатига сафарга борди. У ерда қафас усулида балиқ етиштириш техноло-

гияси ва афзалликларини ўрганиб келди. Доимо изланиб, янгилик ахтариб яшайдиган Шуҳрат Ражабовни Интернетдан олган маълумотлари яна сафарга чорлади. У 2015 йилда Хитой давлатида бўлиб, хитойликларнинг балиқ боқиш борасидаги ўзига хос иш усулларидан воқиф бўлиб қайтди. Яъни, "карп", "оқ амур", "дўнг манглай" каби серпушт балиқлар генетикаси, касалликка чидамли балиқларни етиштиришни ўрганди.

Эндиликда Шуҳрат Ражабовнинг тажриба мактабидан жуда кўплаб ҳамкасблари иш ўрганишмоқда. Шу боисдан ҳам "Антиқа" балиқчилик фермер хўжалиги ҳар йили 350–500 минг донадан зиёд балиқ чавоқларини Нукус, Элликқалъа, Беруний, Тахтакўпир, Чимбой, Шуманай, ҳатто Мўйноқ туманининг "Аму-Орал" фермер хўжаликларига ҳам "Антиқа" етказиб беради. Балиқ кўпайтириш давомида беш юз минг – бир миллион донага яқин "карп" ва ўсимликхўр балиқ личинкалари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили ушбу фермер хўжалик 450–500 минг атрофида салмоғи 25–150 граммгача бўлган уруғлик чавоқ балиқларни етиштириб, ҳамкасбларига тарқатиб берди.

Биз туман ҳокими Ғофиржон Ҳожиев ҳамроҳлигида Шуҳрат Ражабов хонадонида бўлиб, фермер хўжалигининг номига мос яна бир антиқа балиқ етиштириш усулини кўриб ҳайратга туш-

дик. Бу янгилик шундан иборатки, хонадонда узоқ Африкадан келтирилган, маҳаллий шароитга мослаштирилаётган Африка лаққа балиғи етиштирилмоқда. Бу балиқнинг ўзига хослиги, афзаллиги шундаки, у ниҳоятда кам сувда ҳам бемалол ўсиб ривожланиб, кўпаяди, озуқа танламайди, кислородга ҳам унча эҳтиёж сезмайди.

Фермерни беҳад қизиқтириб қўйган жиҳати – бу балиқ етиштириш технологиясининг жуда оддийлиги. Африка лаққа балиқни 1 тонна ёки 1000 литр сувда 300–350 килограммгача миқдорда ўстириш мумкинлиги фермерни жуда қувонтирди. Чунки бу балиқни саноат усулида кўпайтириш, бошқа фермер хўжаликларига тарқатиш туман иқтисодиётини ривожлантиришда ўта муҳим ўрин тутади. Буни фермер жуда яхши тушунади.

Бу балиқларни биз ўз кўзимиз билан кўрдик ва ҳайратимиз шундаки, узун-узун, қоп-қора, бўлиқ-бўлиқ балиқлар ҳажми сандиқдан сал каттароқ металл қутиларда боқилмоқда. Қути лиқ тўла, унинг ичидаги сув унча кўп эмас. Балиқчиликнинг бу турини ривожлантириш тиниб-тинчимас фермернинг ҳаваси ва ташаббуси, амалий журъати, жасорати боис Қорақалпоғистонда илк бор амалга оширилмоқда. Балиқни 22–28 даража ҳароратдаги иссиқ сувда ўстириш талаб этилади. Африка лаққа балиғини кўпайтириш учун хўжаликда таянч асос яратиш юзасидан

амалий ишлар бошлаб юборилди. Чунки юртимизда беозор кўпаядиган, ортиқча шарт-шароит талаб қилмайдиган бу балиқ турини ўстиришни хоҳлайдиганлар кўплаб топилади.

Шуни ҳам мамнуният билан таъкидлаш жоизки, биз юқорида тилга олган фермер ва тадбиркорларнинг сафи ниҳоятда кенг бу туманда. Табиийки, уларнинг барчаси ҳақида ёзиш, таърифлаш учун, устозимиз Эркин Воҳидов лутф этганларидек, юзта Фирдавсий керак.

Тўрткўл туморлари ҳақидаги суҳбатимизни шу ерда тўхтатиб, алпомишлар, булбулнавоз бахшилар юрти – сўлим Сурхон диёри сари юзланайлик, эй ёронлар!

Шуйтиб, дўмбирани қўлга олиб, Бойчиборға эгар-жабдуқ уриб, қирқ кечаю қирқ кундуз жўл журиб, жўл журсағам мўл журиб, ҳаё-ҳув деб, мана, келдик бу юртғаям. Сурхоннинг Олтинсой туманидан "Турсуной табассуми" деган фермер хўжалиғи бошлиғи Тўрақул Бобомурод улидан айтамиз, эй ёронлар!

Сўзни нимадан бошлай, қай бирини айтай. Тўрақулнинг алпқоматидан айтайми, елкаси ер кўрмаган туғма полвонлигидан айтайми? Барча полвонларга хос ёш боланикидек содда-дўлворлигидан, покиза қалбидан айтайми?

Ай ёронлар, Самарқанд булбули Фозил Йўлдош бобомиздек мен таърифни келтиролмайман.

Фақат айтгум, Тўрақулбек, худди Ҳакимбекдек, ёшлигиданоқ тўю томошаларда кураш тушиб, эл ичра полвон номини, алп номини олди. 17 ёшида катта кураш давраларида бел олишиб, совринга буқа олганига нима дейсиз? Аввал туман номидан, кейин вилоят полвони бўлиб майдонга тушди, тушаверди. Бойсундан туя етаклаб келган бўлса, Шўрчидан мотоцикл миниб келди. Тожикистондан эса Бойчибордек тулпор миниб келди. Бу каби совринларнинг чеки йўқ, чегараси йўқ, ёронлар-ай!

Бизнинг Тўрақулбек, Ҳакимбек десак ҳам бўлади, уч ўғил, икки қизнинг меҳрибон отаси, саккиз набиранинг дарёдил бобоси. Аммо шу ёшда ҳам полвонлигини қўймай келаётгани учун 86 яшар волидаси Марзия ая 50 ёшдан ошган Алпомишини баъзи-баъзида "Энди уйга кеч келишга набираларингдан уялсанг бўларди", деб койиб қўяди. Меҳри товланиб кетганида эса "отажоним" деб бағрига босади. От изини той босар, деганларидек, бугун Тошкент Давлат политехника институтининг талабаси бўлган ўғли Қодирали Ўзбекистонда тилга тушган полвонлардан бўлиб, талай совринлар соҳибига айланган. Бошқа фарзандларини ҳам ўқимишли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаган бизнинг Ҳакимбек-Алпомиш. "Қани энди, ўғилларим ҳам биз кўрган юртларни кўриб келса», деб, энтикиб қўйган полвонимиз фарзандлари камоли учун борини бе-

ришга тайёр экани унинг юз-кўзидан ёғилиб турган оталик меҳридан кўриниб турибди.

Тўрақул Бобомуродов бугунги кунда Олтинсойда машҳур фермер. Тўнғич ўғли Бобур ва ундан кичиги Қобил ҳам туманда тўйхона, автомобилларга хизмат кўрсатадиган корхона, ёқилғи қуйиш шахобчаси, қатор дўконлар эгалари ҳисобланади. Тўрақул ўнлаб ҳамқишлоқларини иш билан таъминлади.

Ўзи эса 15 гектар ерда боғ яратган. Узумнинг тойфи, жавзи, буваки ва винобоп навларидан мўл ҳосил олади. Ҳар йили камида 50 миллион сўм атрофида соф даромад топади. Сурхондарё вилояти фермерлар уюшмаси раиси Абдусалом Нуриддиновнинг қўллаб-қувватлаши билан 3 гектар ерга гилос кўчати экди. Шунинг ҳисобидан 10 кишини иш билан таъминлади.

У ўзи туғилиб вояга етган қадрдон маъвоси – Қоратепа қишлоғида кўплаб яхши, савобли ишларнинг ташаббускори бўлди. Қайси бирини айтамиз? Ҳар йили Наврўз байрамида, эл-юрт сайлида харажатларнинг деярли ярмини ўзи кўтаришини айтамизми ёки 203 метр чуқурликдан 2 мингдан зиёд киши яшайдиган қишлоқ аҳли учун ичимлик суви чиқариб берганини айтамизми?

Ай ёронлар, биз қурбимиз етганича айтдик, қолганини Сурхон бахшилари айтсин. Бахшилар айтмаса, Маҳмуд Намозовдек эл суйган ҳофизлар айтсин.

ХОТИМА

Сафарнома деймизми, саёҳатнома деймизми, ишқилиб, ушбу китобимизга сўнгги нуқтани қўйиш асносида машойихларнинг "Ниятни қанча катта олсанг, манзилга шунча кеч ва машаққат билан етгайсан", деган ҳиматли сўзларини эсладим.

Биз Европанинг етти давлатини кўриш, томоша қилиш учун автобусда беш минг километрдан зиёд йўл босдик. Табиийки, бунинг шодлиги ва ҳайрати ҳам, ўзига хос қийинчиликлари ҳам бўлди. Тоғли чўққилар, тик қоялар, кимсасиз ва беҳудуд ўрмонлар оша ўтган бундай сермашаққат юришга ҳамманинг ҳам асаби, иродаси дош беролмаса керак. Шундай машаққатли йўлларни босиб ўтиш, она Ватанимизга, оиламиз бағрига соғ-омон, ёруғ юз билан қайтиб келиш насиб этгани учун Яратганга беҳисоб шукрлар қиламиз.

Яна бир муҳим хулоса шуки, биз сафарда ниманики кўрган бўлсак, ҳамма вақт кўз ўнгимизда буюк Ватанимиз манзараси, унинг ёркин, беқиёс тимсоли турди. Шундай улуғ юртимиз, мард ва олийжаноб халқимиз борлигига яна бир бор иймон келтирдик ва беҳисоб шукрлар қилдик.

Айни вақтда дунёдан, жумладан, бугунги Европадан илмий асосда ривожланиш, тараққиёт бобида кўп нарса ўрганишимиз зарурлигини янада чуқур англадик. Ватанимиз мустақиллиги бу борада ҳам қандай улуғ имкониятлар ато этганини амалда ҳис этдик, шундан бевосита баҳраманд бўлдик. Бу ҳам улкан бахт, тенгсиз саодат, деб ўйлайман.

Чет элларда бизни, бизнинг диёримизни яқиндан биладиганлар, юртимиз билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга интилаётганлар сафи тобора кенгайиб бораётгани ҳам беҳад қувонарли ҳол.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу сафар баҳонасида қанча янги дўстлар, танишлар орттирдим. Дўст излаб, янгилик излаб, узоқ юртларга талпинганимизда ён-атрофимизга ҳам эътибор билан қараб қўйишимиз керак экан. Ҳақиқий қаҳрамонлар, бунёдкор инсонлар ўз юртимизда, орамизда ҳам кўплаб топилар экан.

Хуллас, айтаверсак, бу сафарнинг тафсилотлари каби, унинг ибратли хулосалари ҳам ҳали-бери тугамайди.

Энг муҳими, юртимиз доимо тинч, халқимиз ҳамиша омон бўлиб, барчамизга дунё кезиш, она заминимизга соғ-саломат қайтиш насиб этсин.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири
Тошкент, 2017 йил январь – апрель

МУНДАРИЖА

Муқаддима ўрнида....3
Дастлабки ҳайрат....11
Кўкдаги таассуротлар....19
Боқий шаҳар....23
Афсонавий диёр....35
Париж – шаҳарлар маликаси....47
Бельгия қироллиги сари юзланганда....65
Олтинсойнинг ориятли фермери....96
Замон сенга боқмаса....105
Биз кўрмаган Берлин....111
Очил аканинг қалб олами....128
Ассалом, поляк диёри!....131
Ватан соғинчи....139
Хотима....165

Адабий-бадиий нашр

Маҳмуд Тоир

ЕВРОПА САЁҲАТИ:

ҲАЙРАТ ВА ШУКРОНАЛИК

Муҳаррир *Ойдиннисо*
Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Хосият Хасанова*
Мусаҳҳиҳ *Доно Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензия рақами AI №290. 04.11.2016.
2018 йил 24 январда босишга рухсат этилди.
Бичими 70x108 $^{1}/_{32}$. Arial гарнитураси.
Офсет босма. 9,3 шартли босма тобоқ. 8,14 нашр тобоқ.
Адади 2000 нусха. 522 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz, ***e-mail: info@gglit.uz***

Маҳмуд ТОИР

ЕВРОПА САЁҲАТИ

Ҳайрат ва ишкроналик



ISBN 978-9943-5212-7-8

